Тиббиёт фанлари доктори. Бухоро давлат тиббиёт институтини тамомлаган. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Шошилич операциялар периоперацион даврида мультимодал аналгезия адекватлигини клиник-патогенетик асослаш» (14.00.37).



Шахова Ирина Александровна

Тиббиёт фанлари доктори. Тошкент тиббиёт академияси тамомлаган. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Бош мия жароҳати бўлган беморларда бурун ҳалқум компонентли ноинвазив маҳаллий гипотермияси» (14.00.37).



Базарова Сайёра Абдубаситовна

Тиббиёт фанлари доктори. Тошкент тиббиёт академиясини тамомлаган. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Эндотелий фаолияти ва иммунитет кўрсаткичларини ўзаро таъсирини ўрганиш асосида бронхиал астма давосини такомиллаштириш» (14.00.05).



Абдуллаев Шерзод Сайдуллаевич

Тиббиёт фанлари доктори. Тошкент тиббиёт академиясини тамомлаган. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Турли хилдаги нефропатияларда кардиоренал муносабатларни прогнозлаш ва ташхислаш ҳамда уларни коррекция қилиш йўллари» (14.00.05).



Арипходжаева Гулнозахон Зайнитдиновна

Тиббиёт фанлари доктори. Тошкент педиатрия тиббиёт институтини тамомлаган. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Сурункали гепатит С: метаболик адаптация, даволаш самарадорлигининг патогенетик асослари» (14.00.10).



Рахимова Дилорам Алимовна

Тиббиёт фанлари доктори. Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институтини тамомлаган. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Сурункали ўпқаланган юракда ўнг қоринчанинг структур-функционал ҳолати ва нейрогуморал, вегетатив факторларнинг бошқарилиши (патогенетик ва терапевтик хусусиятлари)» (05.05.08).



Искандарова Шоҳиства Фехрузовна

Фармацевтика фанлари доктори. Тошкент фармацевтика институтини тамомлаган. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Ўсимликлар хомашёлари асосида биологик фаол қўшимчаларнинг таркиби, технологияси ва сифат меъёрларини ишлаб чиқиш» (15.00.01).



Тўхтаев Ҳаким Раҳмонович

Фармацевтика фанлари доктори. Тошкент давлат университетини тамомлаган. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Дориларнинг дисперс системалари коллоид-кимёвий хоссалари ва технологик параметрларини сирт-фаол моддалар ёрдамида бошқариш» (15.00.01, 15.00.02).



Ходжаева Ирода Аҳматходжаевна

Фармацевтика фанлари доктори. Тошкент фармацевтика институтини тамомлаган. Докторлик диссертацияси мавзуси: «3d-металлар биокомплекси асосида олинадиган дори препаратларининг таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш» (15.00.01).



Убайдуллоева Зебинисо Алишеровна

Фармацевтика фанлари доктори. Тошкент фармацевтика институтини тамомлаган. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Пневмония билан касалланган болаларда цефалоспорин қатори антибиотикларидан оқилона фойдаланишга фармакоиқтисодий ёндашув» (15.00.01).



Максудова Фируза Хуршидовна

Фармацевтика фанлари доктори. Тошкент фармацевтика институтини тамомлаган. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Диклофенак натрий дори препаратларининг таркиби ва технологиясини такомиллаштириш, уларнинг биофармацевтик кўрсаткичларини баҳолаш» (15.00.01).



Қамбаров Хусан Джахангирович

Фармацевтика фанлари доктори. Тошкент фармацевтика институтини тамомлаган. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Маҳаллий доривор ўсимлик хомашёси асосида юрак қон-томир ва седатив таъсирга эга дори воситалари технологиясини ишлаб чиқиш» (15.00.01).



Ибрагимова Марета Мухарбековна

Фармацевтика фанлари доктори. Санкт-Петербург кимё-фармацевтика институтини тамомлаган. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Сульфонилмочевина ҳосилаларига мансуб айрим антидиабетик препаратларнинг кимё-токсикологик хоссалари» (15.00.02).



Элмуродов Бозорбой Актамович

Ветеринария фанлари доктори. Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини тамомлаган. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Бузоқ ва қўзиларнинг аралаш бактериал касалликларининг патоморфологик диагностикаси ҳамда қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш» (16.00.02).



Мухамедова Дилбар Гафурджановна

Психология фанлари доктори. Тошкент давлат техника университетини тамомлаган. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Таълим менежерини инновацион фаолиятга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик технологияларини такомиллаштириш» (19.00.05).



Содиқова Шоҳида Марҳабоевна

Социология фанлари доктори. Республика рус тили ва адабиёти институтини тамомлаган. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Жамиятни модернизациялаш жараёнида кексаларни ижтимоий ҳимоялашнинг социологик таҳлили» (22.00.02).

ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯЛАРИ ҲИМОЯСИ ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОНЛАР



**Физика-математика фанлари
бўйича докторлик диссертациялари
ҳимояси тўғрисида эълонлар**

Полатов Асхад Мухамеджанович. «Конструкцион материалларнинг чизиқсиз деформацияланиш масалаларини чекли элементлар усулида ечиш алгоритмлари ва сонли моделлаштириш», 05.01.07–Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи» (физика-математика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 12.05.2015/В2015.1.FM201.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон Миллий университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассасалар номи, ИК рақами: Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда Ўзбекистон Миллий университети, 16.07.2013.Т/FM.29.01.

Илмий маслаҳатчи: Халджигитов Абдували Абдисаматович, техника фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Якобовский Михаил Владимирович физика-математика фанлари доктори, профессор; Алоев Рахматилло Джураевич, физика-математика фанлари доктори, профессор; Нармурадов Чори Бегалиевич, физика-математика фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: чекли элементлар усулида ечишнинг сонли модели, ҳисоблаш усул ва алгоритмлари, ихтисослашган дастурий воситалар мажмуини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

чекли элементлар усули ва трансверсал-изотроп муҳитнинг кичик эластик-пластик деформациялари соддалаштирилган назарияси асосида уч ўлчовли конструкцион материаллардан иборат конструкцияларнинг физикавий чизиқсиз деформацияланиш масалаларини ечишнинг сонли модели ишлаб чиқилган;

мураккаб шаклдаги чекли элементли тўрни тузиш усули ишлаб чиқилган ва ечимнинг мавжудлиги, ягоналиги ва турғунлиги асосланган;

конструкцияларнинг физикавий чизиқсиз деформацияланиш масалаларини ечишда ҳисоблаш техникаси имкониятларидан тежамкор фойдаланиш технология ва механизмларига асосланган самарали сонли алгоритми ишлаб чиқилган;

тузилмаси толалик материалларни лойиҳалаштириш ва конструкцияларни ҳисоб қилишдаги ҳисоблаш экспериментлари ўтказиш жараёнини автоматлаштириш учун ихтисослашган дастурий воситалар мажмуи ишлаб чиқилган;

тола ва боғловчи материал ҳажмий таркибининг толалик композит механик хусусиятларига таъсири даражасини ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

толалик композит материаллардан ташкил топган жисмлардаги тола ҳажмий нисбати ва кучланганлик концентраторларининг конструкциялар физикавий чизиқсиз деформацияси таъсирига доир янги уч ўлчовли масалалар ечимлари ОТ-Ф1-127 «Пластиклик назарияси ва деформацияланувчи қаттиқ жисмларда ночизиқли тўлқин тарқалиши муаммолари» грант лойиҳасида (2007–2011) мураккаб тузилмавий шаклга эга конструкцияларда қўшимча тешиқлар ўрнатилиши натижасида юксизланиш эффектини юзага келтирувчи тешиқлар орасидаги масофага боғлиқликни аниқлашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2016 йил 16 майдаги ФТК-03-13/308-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши

кўп вариантли ҳисоблаш экспериментлари ўтказилиши ҳисобига материал сиғимлигини камайтириш бўйича, деформацияланувчи қаттиқ жисмларнинг мустақамлигини башоратлаш ва тола билан асос материалнинг самарали нисбатларини аниқ баҳолаш имконини берган.

Ахмедов Акром Бурханович. «Пластина ва ясси қобиқларнинг ноклассик масалаларини сонли ечиш усулларини ишлаб чиқиш», 01.02.04–Деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси (физика-математика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5. FM 136.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат техника университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги 16.07.2013.Т/FM.02.02 рақамли илмий кенгаш.

Илмий маслаҳатчи: Рашидов Турсунбой, техника фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Абдусатторов Абдусамат Абдусатторович, техника фанлари доктори, профессор; Хусанов Бахтиёр Эргашбоевич, физика-математика фанлари доктори, профессор; Сафаров Исмоил Иброхимович, физика-математика фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти.

Диссертация йўналиши: назарий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: пластина ва ясси қобиқларнинг ноклассик масалаларини сонли ечиш усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

дифференциал операторлари қўшма ва қўшма бўлмаган спектрал масалаларини сонли ечиш усули ишлаб чиқилган;

такимллаштирилган вариацион яқинлашиш ва дифференциал кўчириш усуллари ишлаб чиқилган;

мураккаб шакли юк кўтарувчи конструкциялардаги ўта хавfli ички кучланиш соҳалари аниқланган ва ушбу ҳолатларни бартараф этиш усуллари ишлаб чиқилган;

ўта баланд иншоотларда динамик сўндиргичлар ёрдамида резонанс амплитудаларини икки баробар камайтириш усули ишлаб чиқилган;

пластинанинг маҳкамланиш усулига мос аэродинамик флаттер ҳодисасида критик тезликлар бир неча ўн баробарга фарқланиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Мураккаб шакли ясси қобиқлар ва мураккаб шакли пластиналар учун спектрал масалаларни сонли ечиш бўйича олинган натижалар 15-026 «Юк таъсиридаги авиация иншоотларини чекли элементлар усулида автоматлаштирилган лойиҳалаштиришни ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш» грант лойиҳасида қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган самолётларнинг юк кўтарувчи элементлари мустақамлигини аниқлашда қўлланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2016 йил 2 июндаги 0313/348 сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши мураккаб шакли соҳаларни изопериметрик координата системаси ёрдамида анъанавий соҳаларга акслантириш орқали самолётларнинг қанотлари, химикат учун мўлжалланган баклари ва шпангоутларининг устуворлиги ва мустақамлигини ҳисоблаш аниқлигини 30–35%га ошириш имконини берган.

Саматов Баҳром Таджиахматович. «Чизиқли, интеграл ва турли хил чегараланишли қувиш-қочиш масалалари», 01.01.02–Дифференциал тенгламалар ва математик физика (физика-математика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 18.11.2015/В2015.3-4.FM 228.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Наманган давлат университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги 16.07.2013.FM.01.01 рақамли илмий кенгаш.

Илмий маслаҳатчи: Азамов Абдулла Азамович, физика-математика фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Югай Лев Павлович, физика-математика фанлари доктори, профессор; Мўминов Ғуломжон Мадаминович, физика-математика фанлари доктори; Тўхтасинов Мўминжон, физика-математика фанлари доктори.

Етакчи ташкилот номи: Россия халқлар дўстлиги университети.

Диссертация йўналиши: назарий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: ўйинчилар бошқарувига интеграл, чизиқли ва турли хил чегараланишлар қўйилган ҳоллар учун параллел қувиш стратегиясининг аналогларини қуриш ва қувиш-қочиш назарияси масалаларини ечишга татбиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қувиш масаласи учун ўйинчилар ҳаракати инертциясиз бўлганда бошқарувга геометрик ёки интеграл, ёки бир вақтда ҳам геометрик, ҳам интеграл чегараланишлар қўйилган турли ҳолларда параллел қувиш стратегиялари қурилган ва уларнинг муҳим хоссалари аниқланган, қочувчи учун эса яқинлашишнинг қуйи чегаралари баҳоланган;

қувувчининг бошқарувига геометрик ва интеграл, қочувчининг бошқарувига геометрик чегараланиш қўйилган ҳол учун альтернативлик теоремаси исботланган ва қувиш-қочиш масаласи ечилган;

интеграл ва геометрик чегараланишларни ўзида умумлаштирган янги кўринишдаги чегараланиш киритилган ва унинг учун мутаносиб равишда параллел қувиш стратегиялари қурилган;

қувувчининг бошқарувига геометрик ва интеграл чегараланишларни ўзида бирлаштирувчи чизиқли чегараланиш, қочувчининг бошқарувига эса геометрик чегараланиш қўйилганда альтернативлик теоремаси исботланган ва қувиш-қочиш масаласи ечилган;

ўйинчилар ҳаракати чизиқли дифференциал тенгламалар асосида берилганда Айзекс-Петросяннинг «қутулиш чизиғи» муаммоси қувувчи бошқарувга геометрик, интеграл ёки комплекс чегараланишлар қўйилган ҳоллари учун ечилган;

ечим берувчи функциялар усули ёрдамида интеграл чегараланишли гуруҳли қувиш масаласи ечилган ва етарлилик шартлари аниқланган;

Л.С.Понтрягиннинг умумлаштирилган мисоли ҳамда «¹-тутиш» масаласи, бошқарувларга интеграл чегараланишлар қўйилган ҳолларда гуруҳли тутиш масалалари учун ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Диссертация тадқиқоти жараёнида олинган илмий натижалар қуйидаги йўналишларда амалиётга жорий қилинган:

қувувчи бошқарувига комплекс (яъни бир вақтда ҳам интеграл, ҳам геометрик) чегараланиш, қочувчи бошқарувига эса геометрик чегараланиш қўйилган ҳолдаги қувиш-қочиш масаласини ечиш бўйича олинган натижалар Россия фундаментал тадқиқотлар фондининг «Бошқарув масалаларида оптимал конструкция ва аппроксимациялаш» мавзуси бўйича 14-01-31319мол_а рақамли илмий грантида чизиқли-қабарик масалаларни динамик оптимизациялашда бошқарувга интеграл ва геометрик чегараланиш (комплекс), системага акс таъсир этувчи функцияга эса геометрик чегараланиш қўйилган ҳолда ресурслар тақсимотини берилишида татбиқ этилган (Россия Фанлар академияси Урал бўлимининг Математика ва механика институтининг 2016 йил 12 майдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши чегараланишли бошқарув функциялари синфлари нотерминал сифат кўрсаткичларни ҳисоблашга хизмат қилган;

объектлар бошқарувларига интеграл чегараланиш қўйилган ҳолда гуруҳли параллел қувиш усули 01-01-13-1228FR фундаментал илмий лойиҳасида бошқарувлар интеграл чегараланишли ҳол учун бир неча қувувчи ва битта қочувчи қатнашган ҳолда масаласини ечишда қўлланилган (Малайзиянинг Путра университетининг 2016 йил 12 февралдаги маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланиши дифференциал ўйинлар назариясининг интеграл ва турли чегараланишли ҳоллари учун чизиқли дифференциал системаларда берилган қувиш-қочиш масалаларини ва бошқарувларга интеграл чегараланиш қўйилган ҳолда бир неча қувловчи ва битта қочувчи учун содда ҳаракатли дифференциал ўйинда қочиш масаласини ечишга хизмат қилган;

бошқарувларга геометрик, интеграл ёки комплекс чегараланишлар қўйилганда Айзекснинг «қутулиш чизиғи» муаммосини ечиш усули 01-01-00904-а «Чекланмаган вақтдаги даражали дифференциал ўйинлар» (РФТФ, 2001–2003), 06-01-39005-ГФЕН_а «Зиддият ва кооперациянинг математик таҳлили» (РФТФ, 2006–2007), 09-01-00334-а «Кўп тармоқли симсиз алоқалар оптимизацияси» (РФТФ, 2009–2010) фундаментал илмий лойиҳаларда оптимал стратегияларнинг турли кўринишлардаги умумлашмаларини ҳосил қилишга татбиқ этилган (Санкт-Петербург давлат университетининг 31 май 2016 йилги маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланиши параллел яқинлашиш стратегияси (П-стратегия) аналогларини,

зиддиятли бошқарув (динамик ўйинлар) масалаларини, умумлашган ечимларини топишга хизмат қилган.



Кимё фанлари бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Ощепкова Юлия Игоревна. «*Nigella sativa*нинг антимикроб пептидлари структураси, биологик фаоллиги ва улар асосида фармацевтик композиция яратиш», 02.00.10–Биоорганик кимё (кимё фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.К49.

Илмий маслаҳатчи: Вешкурова Ольга Николаевна, кимё фанлари доктори.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Биоорганик кимё институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Биоорганик кимё институти ва Ўзбекистон Миллий университети, 16.07.2013.К/В/Т.13.01.

Расмий оппонентлар: Ташмухамедов Мирожиддин Салахович, кимё фанлари доктори, профессор; Салимов Баходир Тахирович, кимё фанлари доктори, профессор; Азизов Умурхан Мухтарович, кимё фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Тошкент фармацевтика институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: седана уруғидан цистеин тутган индивидуал пептидларни ажратиш усулларини ишлаб чиқиш, улардан тиббиётда фойдаланиш имкониятларини аниқлаш ва улар асосида фармацевтик композиция яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор седана *Nigella sativa* уруғи ва нишлари таркибидаги катион пептидлар ажратиб олинган ва тавсифланган;

седана уруғидан молекуляр массаси 9602 Да га тенг бўлган, таркибида 8 цистеин қолдиқлари тутган янги липид ташувчи оқсил Ns-LTP1нинг бирламчи тузилиши аниқланган ва BLAST маълумотлар банкида рўйхатга олинган;

6 та янги пептид (Ns-D1, Ns-D2, Ns-W1, Ns-W2, Ns-N1 ва Ns-G1) ажратиб олинган ва батафсил тавсифланган;

5485 Да ва 5498 Да молекуляр массага эга бўлган 2 та гомологик пептид Ns-D1 ва Ns-D2 фитопатоген замбуруғларига нисбатан юқори ингибирлаш фаоллигига эга эканлиги аниқланган;

молекуляр массалари 5143 Да 5070 Да га тенг бўлган ва таркибида 8 та цистеин қолдиғи тутган пептидлар Ns-W1 ва Ns-W2 бошоқли ўсимликлар ү-пуротионинларга гомолог экани исботланган;

молекуляр массаси 5696 Да га тенг бўлган таркибида 8 та цистеин қолдиғи тутган пептид Ns-N1 ўрнатилган N охириги аминокислота кетма-кетлиги бўйича аналогли мавжуд эмаслиги аниқланган;

молекуляр массаси 2794 Да бўлган таркибида 6 та цистеин қолдиғи тутган ажратилган пептид Ns-G1 цистеинга бой пептидларнинг янги синфига тегишли эканлигини ва молекуляр массаси ва цистеин қолдиқлари сони бўйича маълум антимикроб пептидлар орасида аналогли мавжуд эмаслиги аниқланган;

илк бор уруғ ва ниш таркибидаги пептидларнинг солиштирма спектр анализлари асосида седана ниши таркибида уруғида мавжуд бўлмаган молекуляр массаси 9086 Да га тенг бўлган липид ташувчи оқсиллар синфига мансуб Ns-LTP2 оқсили ва В-тип дефензинларига мансуб 10 та пептид борлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

ажратиб олинган антимикроб фаоллик намоён қилувчи дефензинга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (30.11.2012, №IAP 04614), ушбу пептид биотехнологияда қишлоқ хўжалиги экинлари патогенларига чидамли шаклларни яратишда ва тиббиётда қўлланилган. Дефензинлар антибиотикларга альтернатив сифатида дори препаратларини яратиш учун биологик фаол компонент сифатида фойдаланиш

имконини беради;

тўқималарни қайта тикловчи ва антибактериал хоссага эга бўлган турли этиологияларни даволашда фойдаланиш бўйича яратилган композицияга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (16.03.2016, №IAP 20130250). Ишлаб чиқарилган композиция механик яралар ва термик куйишларда йирингли-септик ҳолатларни даволаш учун дори воситаси сифатида қўлланилади.

Муталов Шухрат Ахмаджонович. «Маҳаллий хомашёдан янги сорбентлар ва реагентлар асосида оқава сувларни тозалашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш», 11.00.05–Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш (кимё фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 31.03.2016/В2016.1.К121.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент кимё-технология институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Умумий ва ноорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот маркази, Тошкент кимё-технология институти ва Тошкент давлат техника университети, 16.07.2013.К/Т.14.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Хамраев Сайфулла Садуллаевич, кимё фанлари доктори, профессор; Абдурахимов Саидакбар Абдурахманович, техника фанлари доктори, профессор; Акбаров Хамдам Икрамович, кимё фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Фарғона политехника институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: фурфурол асосида янги самарали ионалмашувчи сорбентлар ва саноат чиқиндисидан реагентлар олиш усулларини ишлаб чиқиш ҳамда кимё ва металлургия саноати оқава сувларини металл ионларидан тозалаш, деминераллаш жараёнларида қўллаш имкониятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фурфуролни бензогуанидин, дифенилгуанидин билан поликонденсациялаб полифункционал кучсиз асосли, термокимёвий барқарор, танловчанлик хусусиятли, рангли металл ионлари билан комплекс ҳосил қилиш хоссасига эга бўлган анионит-сорбентлар олинган;

фурфуролни акрил кислотаси билан поликонденсациялаш йўли билан монофункционал, саноат эритмаларидан рангли металл ва уранил ионларини танлаб, сорбциялаш хоссасига эга бўлган карбоксил катионит-сорбент олинган;

жараённи кинетик тадқиқ қилиш асосида реакциянинг тезлик константаси, активланиш энергияси, олинаётган сорбент хоссаларининг ҳароратга, бошланғич моддаларнинг концентрациясига, катализатор миқдорига ва бошқа омилларга боғлиқлиги аниқланган;

импорт ўрнини босувчи ионалмашувчи сорбентларнинг асосий кимёвий ва физик-кимёвий хоссаларининг (кальций, магний, мис, никель, молибден ва бошқа ионларни сорбцияси, сорбцион сиғими, монофункционаллиги, функционал гуруҳларнинг диссоциацияланиш даражаси) бошланғич хомашёларнинг кимёвий таркиби, физик-кимёвий ва адсорбцион хоссаларига корреляцион боғлиқлиги кўрсатилган;

фурфурол ва Кўнғирот сода заводи чиқиндиси асосида саноат оқава сувларини тозалаш ва юмшатишда ҳамда рангли металл ионларини ажратишда қўлланиладиган турли функционалли ионалмашувчи полимер сорбентлар ва кальций гидросиликат реагентини олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Маҳаллий хомашёдан олинган янги сорбентлар ва реагент асосида оқава сувларни тозалашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишлаб чиқилган карбоксилкатионит олишнинг техник шартлари (Ts14825224-01:2015) «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган. Техник шарт технологик жараёнда ишлатилаётган катионитлар ўрнига маҳаллий хомашёлардан олинган катионитни ишлатиш имконини беради;

фурфуролни акрил кислотаси билан поликонденсациялаш асосида монофункционал карбоксил катионит олиш услуга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 03458, 2007). Монофункционал карбоксил катионит

олиш усули эритмалардан рангли металл ва уранил ионларини сорбциялаш имконини беради; фурфурол асосида олинган катионит ва анионитлар озиқ-овқат, кимё ва металлургия саноати ишлаб чиқариш корхоналари сувларини тозалаш ва юмшатиш жараёнига татбиқ этилган («Ўзвиносаноат-холдинг» компаниясининг 2016 йил 17 майдаги АА-02/1-1042-сон маълумотномаси). Натижада, корхонанинг технологик линиясини ихчамлаштириш, энергия сарфини камайтириш, саноат оқава сувларини такрорий ишлатиш, четдан олиб келинаётган адсорбентларни маҳаллийлаштиришга ҳамда технологик жараённи бир хил режимда бошқаришга эришилади.



Биология фанлари бўйича докторлик диссертациялари химояси тўғрисида эълонлар

Шурыгин Вячеслав Владимирович. «Шўрланиш шароитида нўхатнинг ўсиши ва ривожланишини кучайтиришда ҳамда уларнинг илдиз касалликларини биологик назорат қилишда ризосфера микроорганизм-

ларининг роли», 03.00.04–Микробиология ва вирусология (биология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.06.2015/В2015.2.В162.

Илмий маслаҳатчи: Давранов Қахрамон, биология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон Миллий университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Миллий университети ва Микробиология институти, 16.07.2013.В.01.03.

Расмий оппонентлар: Хасанов Батир Ачилович, биология фанлари доктори, профессор; Ходжибаева Санабар Мирзаевна, биология фанлари доктори, профессор; Атабаева Халима Назаровна, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: ўсимликларни ўстириш хусусиятига эга бўлган ризосфера микроорганизмлари асосида шўрланиш шароитида нўхат ҳосилдорлигини оширувчи самарадор биопрепарат яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

шўрланган тупроқда ўсган нўхатни тугунақларидан ва ризосферасидан *Pseudomonas* ва *Mesorhizobium* авлодларига кирувчи бактерияларни штаммлари ажратиб олинган ва уларни 16S рПНК сини нуклеотид кетма-кетлиги асосида *Pseudomonas chlororaphis*-66 ва *Mesorhizobium ciceri*-4 эканлиги аниқланган;

бу бактерияларни рифампицинга барқарор штаммлари олинган ва уларни нўхат илдиз системасига колонияланиш хусусиятлари аниқланган;

биринчи марта *Pseudomonas chlororaphis*-66 нўхатда фаол тугунақлар ҳосил бўлишига ёрдам бериши, ўсимлик иммунитетини, ҳосилдорлигини ва фитопатоген замбуруғларга нисбатан барқарорлигини ошириши аниқланган;

Mesorhizobium ciceri-4 ва *Pseudomonas chlororaphis*-66 штаммларини, нўхатни ўсиши ва ривожланишини кучайтирувчи ҳамда ўсимликда илдиз касалликларини чақирувчи фитопатоген замбуруғларини биологик назорат қилишига жавоб берувчи омиллар аниқланган;

биринчи марта турли хил нўхат навлари ҳар хил табиатга эга бўлган экссудатлар синтез қилиши (шакарлар, кислоталар, аминокислоталар) ва уларни ўзларининг илдиз системалари орқали секреция қилиши аниқланган;

илдиз экссудатларини ионалмаштирувчи смола – Dowex сақлаган колонкада фракцияларга ажратиш орқали 3 фракция: катионли (гистидин, аргинин, лизин, цистеин, серин, глицин, аспарагин кислота, лейцин, изолейцин ва аланин), анионли (глюкон, галактон ва маннурон кислоталари), нейтрал (глюкоза, галактоза, арабиноза, ксилоза ва рибоза) олинган;

алоҳида фракцияларни ўзига жалб қилиш хусусияти (аттракция зонаси (см): катионли фракция учун – 1,0; анионли – 0,6; нейтрал – 0,8), фракциялар йиғиндисига қараганда (аттракция зонаси – 2,8 см) паст эканлиги исботланган. Катионли ва нейтрал фракцияларни аралашмасининг ўзига жалб қилиш хусусияти, катионли ва анионли фракциялар

аралашмасидан ҳамда анионли ва нейтрал фракциялар аралашмасининг шу хусусиятига нисбатан баландроқ эканлиги аниқланган;

биринчи марта танлаб олинган *Pseudomonas chlororaphis-66* ва *Mesorhizobium ciceri-4* штаммлар асосида янги «Псевдоризобин» биопрепарати яратилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

«Псевдоризобин» 7,7 млрд. хуж/мл (*Pseudomonas chlororaphis-66* – 4 млрд. хуж/мл, *Mesorhizobium ciceri-4* – 3,7 млрд. хуж/мл) Ўзбекистон Республикаси Давлат кимё комиссияси томонидан «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ишлатиш учун рухсат этилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхати»га киритилган (2016.09.02. 2-6/1-33). «Псевдоризобин» биопрепаратини нўхат ўсимлигининг фузариоз вилт касаллигига қарши қўлланилганда самарадорлиги 83,3% ни ташкил қилиб, шўрланиш шароитида «Псевдоризобин» нўхат ўсимлиги ҳосилдорлигини 22% га ошириш имконини берди.



Геология-минералогия фанлари бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Садикова Лола Ренатовна. «Ўрта Тянь-Шаннинг геодинамик ҳолатлари ва мис маъданлашуви», 04.00.01–Умумий ва минтақавий геология (геология-минералогия фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 31.03.2016/В2016.1.GM26.

Илмий маслаҳатчи: Кустарникова Алла Алексеевна, геология-минералогия фанлари доктори.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Геология ва геофизика институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Навоий давлат кончилик институти, Тошкент давлат техника университети, Минерал ресурслар илмий-тадқиқот институти, Сейсмология институти, Ўзбекистон нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти, Геология ва геофизика институти, 16.07.2013.GM/Т.10.01.

Расмий оппонентлар: Абдуллаев Раҳмат Нуруллаевич, геология-минералогия фанлари доктори; Турапов Мирали Камалович, геология-минералогия фанлари доктори, профессор; Колдаев Александр Александрович, геология-минералогия фанлари доктори

Етакчи ташкилот номи: «Олмалик тоғ-металлургия комбинати» АЖ.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: Ўрта Тянь-Шань ривожланишининг геодинамик моделини ишлаб чиқиш ҳамда асосий геотектоник структураларининг магматизм ва маъданлашув жараёнлари билан алоқадорлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўрта Тянь-Шань ҳудудида иккита токембрий геотектоник структуралари – Чотқол террейни ва Торғасой четки денгизига ажратилган;

илк бор ажратилган структуралар протерозойдан кайназойгача етти геодинамик режимга учраганлиги аниқланган;

жанубда Қозоғистон каледон орогенени ўстирган, каледон орогенези натижасида силурда туташган Торғасой четки денгизнинг акрецияланиши ва Чотқол террейнининг Қозоқ-Қирғиз микроконтинентига кечки токембрийда – протерозой континентал блокнинг амальгамация вақти аниқланган;

илк бор Ўрта Тянь-Шань ҳудудида эндоген мис намояндалари полихрон, полиген марказдан қочма – ярим ҳалқа тектоно-магматик структураларни ривожланишига алоқадор бўлганлиги, каледонидларнинг потенциал мис-порфир конлари гранитоид магматизм билан боғлиқлиги, варисцидалар билан эса шонкинит-сиенит-монзонитли мантия-қобиқли магматизм туфайли «Катта Олмаликнинг» барча миспорфирли конлари шаклланиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Чотқол-Курама регионида мис маъданлашиш локаллашувининг статистик омилларини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган усулли «ГИС технологиялар маркази ва ЕМЗ» ДК Ўзбекистон

Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг 2016 йил 19 майдаги 04-917-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни амалиётга жорий қилиш натижасида масофавий зондлаш материалларини дешифрировка қилиш самарадорлиги, шунингдек геологик қидирув ишларида истиқболли майдонларни башорат қилиш натижалари аниқлиги оширилди.



Техника фанлари бўйича докторлик диссертациялари химояси тўғрисида эълонлар

Насриддинов Сайфилло Саидович. «Кремний асосида никел атоми нанокластерили термодатчикни ишлаб чиқиш ва уни тайёрлаш технологияси», 01.04.10–Яримўтказгичлар физикаси (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 28.04.2016/ В.2016.2Т.323.

Илмий маслаҳатчи: Эгамбердиев Бахром Эгамбердиевич, физика-математика фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат техника университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Физика-техника институти ва Самарқанд давлат университети ҳузуридаги 16.07.2013.FM/Т.12.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Муминов Рамитзулла Абдуллаевич, физика-математика фанлари доктори, академик; Абдукадыров Мухитдин Абдурашитович, техника фанлари доктори, профессор; Алиев Раимжон, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Фарғона политехника институти.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: никел нанокластерили юқори сезгир ҳарорат датчиклари олишнинг диффузион технологиясини мукамаллаштириш ва улар асосида объектлардаги ҳарорат билан боғлиқ жараёнларни бошқарувчи асбоблар комплекси ва параметрлари стабил ҳамда ҳар хил ташқи таъсирларга чидамли системаларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кремний ҳажмида никел атомлари нанокластерларининг ҳосил бўлишини таъминловчи уч босқичли, яъни ҳар бир босқичда ҳарорат ($300 \div 600$; $600 \div 900$; $900 \div 1250^\circ\text{C}$) маълум тезликда (5 град/мин) оширилиб, маълум дақиқада (10 минут) ўзгармас ҳолда сақланиб, кейин 100 град/сек тезликда пасайтирилишидан иборат никелни кремнийга диффузия қилиш усули ишлаб чиқилган;

никел билан легирланган кремнийли структураларга омик контактлар олиш учун никел металл кимёвий усулда ҳажмига никел диффузия қилинган кремний юзасига ўтказилиб, 10 дақиқа давомида 650 градусда термик ишлов беришдан иборат юқори легирланган қатлам олиш технологияси яратилган;

илк бор никел нанокластерлари киритилган кремний асосида сезгирлиги юқори (7800 К) бўлган ва чиқиш характеристикалари стабиллашган, ҳарорат датчиги тайёрланган ҳамда уни тайёрлаш технологиясининг маршрути амалга оширилган;

операцион кучайтиргич ёрдамида корректорловчи тескари боғланиш киритиш эвазига термодатчикнинг ўтиш жараёнларини бир даражага камайитириш мумкинлиги тажрибада кўрсатилган;

никел билан лигерланган кремнийли ҳарорат датчикларининг ток ташувчилар концентрацияси 10^{16} см^{-3} дан юқори бўлганда 10^6 рентген дозали гамма радиацияси таъсирида уларнинг солиштирма қаршилиги сезилмас даражада ўзгариши, яъни радиацияга чидамлилиги, ток ташувчилар концентрацияси 10^{14} см^{-3} дан кичик бўлганда эса $(5 \div 10) \cdot 10^6$ рентген доза таъсирида ўтказувчанлик типининг ўзгариши ($n \rightarrow p$) тажрибада аниқланган;

талаб қилинаётган параметрларга қараб (сезгирлиги, нархи, аниқлиги ва ҳ.к.), компьютер йўли билан моделлаштириш асосида датчикнинг шаклини, контакт чиқишларини, химоялаш қатламини ва ўлчовчи схема параметрларини танлаш имконини берувчи ҳарорат датчиги

асосида ўлчагич ўзгаргични оптимал структуравий параметрик лойиҳалаш усули таклиф қилинган;

ҳарорат датчиклари статистик характеристикаларининг ночизиқлиги ва иссиқлик инерционлиги билан характерланувчи хатоликларни, керакли чегаравий ҳарорат интервалини танлаш йўли билан камайтириш мумкинлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Диссертация тадқиқоти жараёнида олинган илмий натижалар қуйидаги йўналишларда амалиётга жорий қилинган:

кенг ишчи диапазониغا эга бўлган (-40÷180°C) термосезгир датчикка Ўзбекистон Республикаси патенти олинган (UZ IAP 04778 29.11.2013й.). Ишлаб чиқилган термодатчик саноат асбоблари, илмий объектлар ва ҳар хил хўжалик қурилмалари ҳамда субъектларнинг ҳароратини назорат қилиш имкониятини яратади:

параметрлари стабил ҳамда ҳар хил ташқи таъсирларга чидамли термосезгир датчиклар партияси «FOTON» очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқилган ва улар асосида яратилган ҳароратни ўлчовчи қурилмалар Қашқадарё вилоятининг пахта тозалаш пунктларида пахта чигитининг униб чиқиш қобилятини талаб даражасида сақлаб қолиш учун ишлатилган («FOTON» акциядорлик жамиятининг 2016 йил 30 июндаги маълумотномаси). Ишлангани жорий қилиш термодатчикларнинг параметрлари ва барқарорлигини ташқи таъсирларга чидамлилигини таъминлаган;

ҳароратни ўлчовчи беш каналли микропроцессорли термосезгир қурилмалар дон сақловчи иншоотларда (элеватор) буғдой маҳсулотлари ҳароратини кузатиш учун ишлатилган («Галла-Алтек» очиқ акциядорлик жамиятининг 2016 йил 4 июлдаги маълумотномаси). Ишлангани жорий қилиш дон маҳсулотлари сақлашнинг стабил шароитларини таъминлаш эвазига уларнинг сифатини сақлаб қолиш ва исроф бўлишининг олди олинган.

Нурмуродов Салоҳиддин Дусмуродович. «Вольфрамнинг ультрадисперс кукунларидан конструкцион материаллар яратиш», 05.02.01–Машинасозликда материалшунослик. Қўймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлургияси (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Т313.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат техника университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги 16.07.2013.Т/ФМ.02.02 рақамли илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Джумбаев Алижон Бекишевич, техника фанлари доктори, профессор; Михридинов Рискидин Михридинович, техника фанлари доктори, профессор; Абдуллаев Фатхулла Сағдуллаевич, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Навоий давлат кончилик институти.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: қийин эрийдиган металлларнинг ультрадисперс кукунларини ишлатган ҳолда конструкцион материаллар яратиш ва вольфрамнинг ультрадисперс кукунларини саноат миқёсида ишлатиш учун назарий ва амалий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қийин эрийдиган металлларнинг ультрадисперс кукунларини олиш учун янги плазма-кимёвий реактор конструкцияси ишлаб чиқилган;

қийин эрийдиган металлларнинг майда донали кукунларидан тайёрланган қаттиқ қотишмалари материалларни пресшлаш ва пишириш технологияси ишлаб чиқилган;

биметалл кесувчи ҳамда штамплаш асбобларини тайёрлаш ва тезкесар пўлатли асбобларнинг термик ишлов бериш усуллари ишлаб чиқилган;

плазмотрон реакторида буғланиш яширин иссиқлиги бир текисда камайиши ва жараённинг боришини таъминлайдиган технология ишлаб чиқилган;

биметалл композитлар оптимал структуравий шаклланиши ҳисобига металлга ишлов берувчи асбобларнинг ишончли ишлашини таъминловчи тезкесар пўлатга термик ишлов бериш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Қийин эрийдиган металлларни водород муҳитида плазма-кимёвий тиклаш, вольфрамнинг

ультрадисперс кукунларини ишлатган ҳолда янги конструкцион материаллар яратиш бўйича ишлаб чиқилган натижалар асосида:

қийин эрийдиган дисперс материалларни олиш ва улар асосида кесиш ва штамплаш асбобларини тайёрлаш бўйича «Биметалл кесиш ва штамплаш асбобини тайёрлаш усули»га Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ИАР 04728 05.06.2013й.). Ишлаб чиқилган усул конденсация ва газ кўринишидаги материаллардан қийин эрийдиган дисперс материалларни олиш ва улардан асбоблар тайёрлаш имконини берган;

тезкесар пўлатдан ясалган асбобларга термик ишлов бериш бўйича «Тезкесар пўлатдан ясалган асбобларга термик ишлов бериш усули» Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ИАР 04531 27.02.2012 й.). Ишлаб чиқилган усул пўлатдан ясалган асбобларга термик ишлов бериш технологиясини такомиллаштириш имконини берган;

қийин эрийдиган дисперс материалларни олиш учун қўлланиладиган плазмо-кимёвий реактор конструкцияси бўйича «Плазмо-кимёвий реактор» Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ИАР 04732 26.06.2013 й.). Ишлаб чиқилган конструкция қийин эрийдиган материаллардан ультрадисперс кукун олиш имконини берган;

вольфрамнинг ультрадисперс кукунлари асосида янги таркибдаги конструкцион материал ролик ишлаб чиқаришда қўлланилган («Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли материаллар комбинати» акциядорлик жамиятининг 2016 йил 11 мартдаги 16/22-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланиши роликларнинг хизмат муддатини 1,2–1,3 марта ошириш имконини берган.

Маликов Зафар Маматкулович. «Аэродинамика жараёнлари асосида юқори самарали марказдан қочма чанг тутгичларни ишлаб чиқиш», 01.02.05–Суюқлик ва газ механикаси (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 12.05.2015/В2015.1.Т463.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат техника университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги 16.07.2013.Т/ФМ.02.02 рақамли илмий кенгаш қошидаги бир марталик кенгаш.

Илмий маслаҳатчи: Ризаев Анвар Абдуллаевич, техника фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Равшанов Нормакмад, техника фанлари доктори, профессор; Шокиров Анвар Одирович, техника фанлари доктори, профессор; Василевский Эдуард Борисович, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Навоий давлат кончилик институти.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик

Тадқиқотнинг мақсади: кўп муҳитли оқимларнинг аэродинамика назарияси асосида юқори самарали чанг тутгичлар ҳамда чанг шароитида ишловчи транспорт воситалари ва махсус техникаларнинг ички ёнув двигателлари учун ҳаво тозалагичларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

шнекли чанг тутгичининг янги конструкцияси ишлаб чиқилган;

автомашиналарнинг двигателлари учун марказдан қочма куч асосида ишлайдиган ҳаво тозалагич конструкцияси ишлаб чиқилган;

чанг тутгичдаги ҳаво оқимининг аэродинамик параметрларини аниқлаш усули такомиллаштирилган;

аэрозолли оқимдаги мураккаб иссиқлик ва масса алмашув жараёнларининг математик модели кинетика назарияси асосида такомиллаштирилган;

чанг тутгичнинг самарадорлиги ва аэродинамик қаршилигини ҳисоблаш усуллари такомиллаштирилган;

чанг тутгичнинг оптимал параметрларини аниқлаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Марказдан қочма чанг тутгичлар ва ҳаво тозалагичлардаги аэродинамика жараёнлари тадқиқоти бўйича олинган илмий таклифлар асосида:

шнекли саноат чанг тутгичлари Олмалиқ кон-металлургия комбинати акциядорлик жамиятининг «Оҳак заводи»га татбиқ этилган (Олмалиқ кон-металлургия комбинати акциядорлик жамиятининг 2015 йил 18 ноябрдаги ФМ-7222-сон маълумотномаси). Татбиқ этилган шнекли саноат чанг тутгичларининг самарадорлиги оддий чанг тутгичларга нисбатан 15–16%га ортган ва йилига 210–243 тонна оҳак чангини қўшимча ушлаб қолишга имкон яратган;

ички ёнув двигателлар учун ишлаб чиқилган ҳаво тозалагичлар Олмалиқ кон-металлургия комбинати акциядорлик жамиятининг Ангрен шахталарида қўлланиладиган машиналарга, Навоий кон-металлургия комбинатида ишлатиладиган оғир юк ташувчи БелАЗ самосвалларига ва тепловозларига ўрнатилган (Олмалиқ кон-металлургия комбинати акциядорлик жамиятининг 2015 йил 18 ноябрдаги ФМ-7222-сон маълумотномаси). Татбиқ этилган ҳаво тозалагичлар транспорт воситалардаги двигателларнинг хизмат муддатини 2 марта ортишига имкон берган.

Сидиков Исамидин Хакимович. «Ноаниқлик шароитида динамик объектларни бошқариш жараёнларини интеллектуаллаштириш моделлари ва алгоритмларини яратиш», 05.01.08-Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва бошқариш (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5Т309.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат техника университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассасалар номи, ИК рақами: Тошкент давлат техника университети ҳамда Энергетика ва автоматика институти, 16.07.2013.Т.02.01.

Илмий маслаҳатчи: Игамбердиев Хусан Закирович, техника фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Бекмуратов Тулкин Файзиевич, техника фанлари доктори, профессор, академик; Адиллов Фарух Тулқунович, техника фанлари доктори; Назаров Улуғбек Султонович, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Тошкент кимё-технология институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: ноаниқлик шароитида динамик объектларни бошқариш жараёнларини интеллектуаллаштириш моделлари ва алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ечиладиган масалаларнинг асосий синфлари аниқланган ва ноаниқлик шароитида фаолият кўрсатаётган динамик объектларнинг бошқариш жараёнларини интеллектуаллашнинг тамойиллари ишлаб чиқилган;

замонавий бошқариш назарияси ва интеллектуал технология усулларининг интеграцияси асосида ишлаб чиқариш вазиятлари ноаниқлик шароитида фаолият кўрсатувчи динамик объектларни бошқариш жараёнини интеллектуаллашган тизимини яратишнинг янгича сифат кўринишидаги ёндашуви ишлаб чиқилган;

динамик объектларнинг бошқариш тизимларини мослашувчан хоссага эга бўлган ва бошқарилувчи жараёнларнинг динамик хусусиятларини ҳисобга олувчи мавжуд турли моделлардан фарқ қилувчи интеллектуаллашган гибрид моделлар мажмуаси ишлаб чиқилган;

динамик объектларнинг моделлаштириш алгоритмларини тадқиқ қилишнинг бошқариш қарорини қабул қилиш ва энг яхши моделини танлаш масалаларининг ечимини таъминловчи моделлаштириш самарали алгоритмлари яратилган;

структураси, параметрлари ва вазиятлари ноаниқлик шароитидаги ўзида анъанавий автоматик бошқариш назарияси усуллари ва интеллектуал бошқариш тамойилини жамлаган динамик объектларни бошқариш масаласини интеллектуаллашган ечувчиси яратилган;

динамик объектларни адаптив нейро-қатъиймас ва башоратлаш моделлари асосида объектнинг ўлчанмайдиган координаталарини аниқлаш, бошқариш тизимининг параметрларини коррекциялаш ва синтезлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

ноаниқлик шароитида саноат объектларини бошқариш масалаларини самарали ечишда идентификациялаш ва генетик алгоритмлар комбинацияси шаклидаги интерактив адаптациялаш усулига асосланган динамик объектларнинг бошқариш тизимини мослашувчан нейро-қатъиймас синтезлаш алгоритмлари яратилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

адаптив нейро-қатъиймас бошқариш системалари ва гибрид моделлари асосида яратилган инструментал дастурий воситалар асосида «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси тизимида кирувчи корхоналарда, жумладан JSCJV «Deutsche Kabel AG Tashkent», «Delta Net» МЧЖ, «Янги технологиялар» илмий-тадқиқот марказида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекэнерго» ДАКнинг 2016 йил 12 майдаги ДИ-01-21/1953-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижалари динамик объектларни автоматлашган мониторинги ва интеллектуаллашган бошқариш жараёнида ахборотлар оқимини қайта ишлаш ва таҳлил қилиш жараёнини 1,26 мартага қисқартириш, технологик объектларнинг энергия таъминотида энергия сарфини 1,15 фоизга камайтириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни таъминлашга хизмат қилади.

Ашуров Хатам Бахронович. «Поликристалл кремний олишнинг моносиланли технологияси ва кремний структураларини яратишнинг ионли стимуллашган усуллари», 01.04.04–Физик электроника (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.06.2015/В2015.2.Т522.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ион-плазма ва лазер технологиялари институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Физика-техника институти ва Самарқанд давлат университети ҳузуридаги 16.07.2013.FM/T.12.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: Расулев Уткир Хасанович, физика-математика фанлари доктори, академик; Эгамбердиев Бахром Эгамбердиевич, физика-математика фанлари доктори, профессор; Рахматов Ахмад Зайнидинович, техника фанлари доктори.

Етакчи ташкилот номи: Ўзбекистон Миллий университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: поликристалл кремний олиш моносиланли технологияси ҳамда кремний структураларини яратишнинг ионли стимуллашган усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

металлургик кремний ва спиртларнинг бевосита реакциясига асосланган 95% дан юқори селективликни ва реагентларнинг юқори даражали 100% га яқин конверсиясини таъминловчи алкоксисиланлар синтези технологияси ишлаб чиқилган;

илк бор металлургик кремний ва спиртларнинг бевосита реакциясининг индукцион даври йўқотиш ва технологик жараён тўлиқ узлуксиз режимда амалга ошириш имконини берувчи усул ишлаб чиқилган;

реакция зонасида ёнбош реакциялар учун катализатор бўлиши мумкин бўлган нокерак киришмалар йиғилишининг олдини олиш ва реакция муҳитини фаоллаштириш усули ишлаб чиқилган;

алкоксисиланлардан фойдаланиб, поликристалл кремний олишнинг хлорсиз моносиланли технологияси ишлаб чиқилган,

технологик жараёндан агрессив прекурсорлар ва чала маҳсулотларнинг йўқотилганлиги туфайли бир марталик дистилляция орқали моносилан тозалигини юқори даражагача кўтариш имконияти яратилган;

триэтоксисилан диспропорциялаш орқали моносилан синтез қилиш жараёнини ҳона ҳароратида ва узлуксиз равишда ўтказиш имконини берувчи фаол катализатор тайёрлашнинг янги усули ишлаб чиқилган;

поликристалл кремний олишнинг моносиланли технологиясини амалга ошириш учун экспериментал қурилма яратилган;

ўсиш сиртидаги жараёнларни назорат қилиш ҳамда бошқаришда ион манбаси ўрнида электрон нурли буғлатиш пайтида ҳосил бўлувчи ионлардан фойдаланиш имконини берувчи зарядланган зарралар оқимини ажратиш ва ўлчаш усули ва буни амалга оширувчи қурилма ишлаб чиқилган;

ўсиш вақтида кремний кристалл панжарасида сурьма атомларининг ионли стимуллашган жойлаштириш эвазига легирлаш даражаси 10^{19} см³гача оширилган;

кремний-германий гетероструктураларидаги механик зўриқишларни ионли стимуллашган релаксация усули ишлаб чиқилган ва механик зўриқишлар релаксация даражасини

бошқариш мумкинлиги тажрибада тасдиқланган;

ионли стимуллашган молекуляр нурли эпитақсия усулида олинган кремний сиртидаги германий нанооролчаларининг зичлиги ошиши ва тақсимот функциясининг қисқаруви максималлиги ионлар энергияси 200 эВда амалга ошиши аниқланган;

вакуумда ионли стимуллашган усулда олинган кремнийнинг қатламли *p-n* структураларида 500 Кдан юқори ҳароратда термовольтаик хоссаларни яққол намоиш этилиши аниқланган;

иссиқлик барьер қатламларини тагликка мослаштириш учун кимёвий яқинликли ва градиент ўтишли оралиқ қатламларини яратишнинг ионли стимуллашган усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Поликристалл кремний олишнинг моносиланли технологияси ҳамда кремнийли структуралар олишнинг ионли стимуллашган усулларини яратиш жараёнида:

металлургик кремний ва спиртларнинг бевосита реакциясига асосланган алкоксисиланлар синтезининг яратилган янги технологияси асосида 7 та давлатда 7 та ихтиро патентлари олинган: «Алкоксисиланлар олиш усули» (IAP05023, 31.03.2015, Ўзбекистон), «Method for preparing trialkoxysilane» (US9156861, October 13, 2015, АҚШ), «Method for preparing trialkoxysilane» (JP5836489, Dec. 24, 2015, Япония), «Method for preparing trialkoxysilane» (EP2754664, July 16, 2014, Европа иттифоқи), «Method for preparing trialkoxysilane» (TW201339094, October 01, 2013, Тайван), «Method for preparing trialkoxysilane» (CN103797018, May 14, 2014, ХХР), «Method for preparing trialkoxysilane» (KR101422080, July 16, 2014, Корея), эритувчи суюқлик муҳитида кремнийни майдалаш, суспензиянинг белгиланган миқдорини узлуксиз равишда реакторга узатиш ва реактордан ортиқча эритувчи суюқликни унда эриган кераксиз киришмалар билан биргаликда олиб чиқиш каби техник ечимларни бир вақтда амалга ошириш металлургик кремний ва спиртнинг бевосита реакциясининг индукцион даври йўқотиш, реакция муҳитида кремний, катализатор ва эритувчи миқдорини алкоксисиланлар синтезининг бутун жараёни даврида бир текис ўзгармас ҳолда ушлаш ва реакция муҳитининг фаоллигини сақлаш имконини яратади ва технологик жараёни бутунлай узлуксиз режимда олиб боришни таъминлайди;

триалкоксисиланларни каталитик диспропорциялашга асосланган моносилан синтезининг яратилган янги технологияси асосида 7 та давлатда 7 та ихтиро патентлари олинган: «Алкоксисиланлардан фойдаланиб моносилан олиш усули» (IAP05179, 31.03.2016), «A method for preparing monosilane by using trialkoxysilane», (US9278864, March 8, 2016, АҚШ), «A method for preparing monosilane by using trialkoxysilane» (JP2015535802, December 17, 2015, Япония), «A method for preparing monosilane by using trialkoxysilane» (EP2905258, August 12, 2015, Европа Иттифоқи), «A method for preparing monosilane by using trialkoxysilane» (TW201425222, July 01, 2014, Тайван), «A method for preparing monosilane by using trialkoxysilane» (CN104797527, July 22, 2015, ХХР), «A method for preparing monosilane by using trialkoxysilane» (KR101532142, June 26, 2015, Корея), алкоксисиланлар синтези маҳсулотларидан триалкоксисиланларни ажратиш, катализатор тайёрлаш, реакциянинг мақсадли маҳсулотларини тозалаш бўйича таклиф қилинган техник ечимлар қисқа технологик циклда триэтоксисилан ва моносиланларнинг чуқур тозалашни ва технологик жараёни узлуксиз режимда ўтказишни ва унинг юқори самарадорлигини таъминлайди;

зарядланган заррачаларни ажратиш ва уларнинг оқимларини бошқариш учун яратилган усул ва қурилма – ион зонди асосида «Зарядланган зарралар оқимини ажратиш ва ўлчаш усули ва буни амалга оширувчи қурилма» ихтиро патенти олинган (IAP02958, 30.12.2005, Ўзбекистон), таклиф этилган техник ечимлар ёрдамида: ўсиш вақтида кремний кристалл панжарасида сурьма атомларининг ионли стимуллашган жойлаштириш эвазига легирлаш даражасини оширилишига эришилган; кремний-германий гетероструктураларидаги механик зўриқишлар релаксациялашнинг ионли стимуллашган усули ишлаб чиқилган ва гетероструктураларидаги механик зўриқишлар релаксацияни бошқаришни имконияти тажрибада тасдиқланган; ионли стимуллашган молекуляр нурли эпитақсия усулида кремний сиртидаги германий нанооролчалар массиви шакллантирилиб, зичлигини ошириш ва катталиги бўйича тақсимоти функциясининг торайишига эришилган; вакуумда ионли стимуллашган усулда олинган кремнийнинг қатламли *p-n* структураларнинг термовольтаик хоссаларни 500 Кдан юқори ҳароратда намоиш қилиши аниқланган; ионли стимуллашган буғдан физик ўстириш усулида иссиқлик барьер қатламларини тагликка мослаштирувчи кимёвий яқинликли ва градиент

ўтишли оралиқ қатламлари шакллантирилган;

поликристалл кремний олишнинг моносиланли технологияси ва тажриба қурилмаси яратилиши учун Жанубий Кореянинг ОСІ компанияси томонидан 500 минг АҚШ доллари миқдоридан чет эл инвестицияси киритилган (Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ва ОСІ компанияси орасида 2010 йил 17 августда тузилган шартноманинг яқунлангани тўғрисидаги 2012 йил 6 декабрида имзоланган акт). Жаҳонда поликремний ишлаб чиқарувчи йирик учлик таркибига кирувчи компаниянинг янги ишланмага бўлган қизиқиши, ишланманинг юқори савиясини тасдиқлаши билан бир пайтда, жалб қилинган инвестиция лабораторияда янги инновацион технологик қурилма яратиш ва лабораторияни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш имконини берди.

«Зарядланган зарралар оқимини ажратиш ва ўлчаш усули ва бунини амалга оширувчи қурилма» ІАР02958 ихтиро патентига лицензия бериш тўғрисида шартнома тузилган. (Шартнома 01.04.2016 йил санасида №SIP4/2016 рақами остида Интеллектуал мулк агентлигида рўйхатга олинган, «Расмий ахборотнома», №5 (181), 2016 й., 238 б.). Ушбу лицензион шартнома ишланмани бевосита ишлаб чиқаришга жорий қилишга тайёрлаш ҳамда ишлаб чиқаришнинг юқори технологик маҳсулотни ички ва ташқи бозорда сотиш имконини яратади.

Каримов Масъуд Убайдулла ўғли. «Маҳаллий хомашёлар асосида юқори самарали супер-ва гиперпластикаторлар олиш ва қўллаш», 02.00.14–Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 18.11.2015/В2015.3-4.Т554.

Илмий маслаҳатчи: Джалилов Абдулахат Турапович, кимё фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент кимё-технология институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент кимё-технология институти, 16.07.2013.Т.08.01.

Расмий оппонентлар: Қодиров Тўлқин Жумаевич, техника фанлари доктори, профессор; Искандарова Мастура, техника фанлари доктори, профессор; Акбаров Хамдам, кимё фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: «Фан ва тараққиёт» ДУК.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: маҳаллий хомашёлар асосида органик супер- ва гиперпластикаторлар олиш технологиясини яратиш ва улар ёрдамида цемент композициялари ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйдагилардан иборат:

поликарбонатлар ва ацетонформальдегид смоласи асосида янги супер- ва гиперпластикаторлар олиш технологиясини яратилган;

поликарбонатлар, полиоллар, ацетонформальдегид смоласи асосида синтез қилинган органик кимёвий пластификацияловчи қўшимчаларнинг физик-кимёвий хоссалари ва тузилиши аниқланган;

поликарбонатлар, полиоллар, целлюлоза ва крахмал ҳосилалари, ацетонформальдегид смоласи асосида олинган пластификацияловчи қўшимчаларнинг цемент системалари физик-механик хоссаларига таъсири аниқланган;

олинган суперпластикатор СДж-1, гиперпластикатор ва ацетонформальдегид смоласи асосидаги пластификацияловчи қўшимчалар қўшилган цемент системаларининг физик-кимёвий хоссалари аниқланган;

яратилган супер- ва гиперпластикаторларнинг цемент композициялари олишда қўллаш технологиялари яратилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Маҳаллий хомашёлар асосида супер- ва гиперпластикаторлар олиш ва уларни цемент композицияларида қўллаш технологияларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар кимё саноати корхоналарида, жумладан: «Ускунасозлаш сервис» МЧЖ, «Жиззах бинокор савдо» МЧЖ, «Кулама қурилиш» МЧЖ ва «Zenatkor-ТВВ» МЧЖда жорий қилинган («Ўзкимёсаноат» АЖ 2016й. 10 май, 05-1521/М-сон маълумотнома). Ушбу натижаларни амалиётга жорий қилиш, мос равишда бетон конструкциялари учун ишлатиладиган супер- ва гиперпластикаторларнинг четдан олиб келинишини камайтириш, цемент-тош мустаҳкамлигини ошириш, цемент сарфини 10–15%га камайтириш имконини беради.

Нуралиев Фахриддин Муродиллаевич. «Электромагнит майдонларнинг юпқа электр ўтказувчан жисмларнинг деформацион ҳолатига таъсир этиш жараёнларини R -функция усулида математик моделлаштириш», 05.01.07- «Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи» (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Т302.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент ахборот технологиялари университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда Ўзбекистон Миллий университети, 16.07.2013.Т/ФМ.29.01.

Илмий маслаҳатчи: Назиров Шодманкул Абдирозикович, физика-математика фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Каипбергенов Батырбек Тулепбергенович, техника фанлари доктори, профессор; Мухамедиева Дилноз Тулкуновна, техника фанлари доктори, профессор; Нармурадов Чори Бегалиевич, физика-математика фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент филиали.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: электромагнит майдонларнинг юпқа электр ўтказувчан жисмларнинг деформацион ҳолатига таъсир этиш жараёнларини R -функция ва сонли-аналитик усулларида математик моделлаштиришнинг алгоритмлари ва дастурий воситаларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

эластикликнинг чизиқлилиқ назарияси ва Лоренц электромагнит кучини ҳамда Гамильтон-Остроградский умумлашган вариацион ҳисоблаш усулини инобатга олган юпқа электр ўтказувчан жисмларга электромагнит майдоннинг таъсири жараёнини математик модели ишлаб чиқилган;

R -функция ва Бубнов-Галеркин вариацион усуллари биргаликда қўлланган ҳолда мураккаб конструкцион конфигурацияли юпқа электр ўтказувчан жисмларга (пластина ва қобик) электромагнит майдоннинг таъсирини бошланғич-чегаравий шартларда изоҳловчи хусусий ҳосилаларни дифференциал тенглама тизимини ечишнинг сонли-аналитик усули ва алгоритми ишлаб чиқилган;

мураккаб конструкцион конфигурацияли (ғовакли) магнитоэластик пластина ва қобикларнинг қаттиқ маҳкамланган, шарнир-таянган чегаравий шартларни қониқтурувчи ечимлар мажмуаси ва тузилмаси ишлаб чиқилган;

мураккаб конструкцион шаклдаги юпқа пластина ва қобикларнинг магнитоэластиклик синфига мансуб масалаларни ечиш алгоритмлари ва юпқа жисмларнинг магнитоэластиклик даражасини ҳисоблашнинг дастурий воситалари мажмуи ишлаб чиқилган;

сонли ечимларни аниқ аналитик ечимлар билан таққослаш ва ечимлар тузилмасининг координат функциялар сонига нисбатан ўтказилган таҳлил яқинлашишга ва юпқа электр ўтказувчан жисмларнинг магнитоэластиклигига эришилганлиги асосланган;

мураккаб конструкцион шаклли юпқа электр ўтказувчан жисмларнинг электромагнит майдоннинг статик ва динамик таъсири даражасини ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Электромагнит майдонларнинг юпқа электр ўтказувчан жисмларнинг деформацион ҳолатига таъсир этиш жараёнларини R -функция усулида математик моделлаштириш электромагнит ва деформацион майдонларнинг ўзаро таъсирига оид масалалар синфини ечишни автоматлаштиришнинг дастурий воситалар комплекси, R -функция конструктив усули ва Бубнов-Галеркин вариацион усули асосида тузилган ҳисоблаш алгоритмлари «Ўзбекхиммаш заводи» ҳамда «Алгоритм-Инжиниринг ИТИ»да қўлланилди (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2015 йил 22 июндаги № 24-8/2475-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқотлар натижалари электромагнит майдонларнинг юпқа электр ўтказувчан жисмларнинг деформацион ҳолатига таъсир этиш жараёнларини R -функция усули ва математик моделлаштириш алгоритмлари ёрдамида мураккаб геометрик конфигурацияга эга юпқа электр ўтказувчан жисмларга электромагнит майдон таъсирини аниқлаш жараёнини автоматлаштириш имконини берган.

Янгиев Асрор Абдихамидович. «Юқори босимли гидроузелларда уурма шахтали сув ташлагичлар конструкциясини, ҳисоблаш асосларини такомиллаштириш ва уларнинг фойдаланиш давридаги ишончилиги», 05.09.06–Гидротехника ва мелиорация қурилиши (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Т363

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент ирригация ва мелиорация институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассасалар номи, ИК рақами: Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Тошкент архитектура-қурилиш институти ва Тошкент темир йўл муҳандислари институти, 16.07.2013.Т.23.01.

Илмий маслаҳатчи: Бакиев Машариф Рузметович, техника фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Гловацкий Олег Яковлев, техника фанлари доктори, профессор; Мухаммадиев Мурадулло Мухаммадиевич, техника фанлари доктори, профессор; Ҳикматов Фазлиддин, география фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Тошкент архитектура-қурилиш институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: шахта орқали жадал ҳаво тортиб ишлайдиган тангенциал айлантирувчи мосламали уурма сув ташлагичлар конструкцияси, ҳисоблаш асосларини такомиллаштириш, уларнинг фойдаланиш давридаги ишончилигини баҳолаш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

уурма шахтали сув ташлагичларнинг ҳаво тортилиши шароитида гидравлик ҳисоблаш услубияти ишлаб чиқилган;

тангенциал айлантирувчи мослама ва бурама оқимнинг гидравлик қаршиликлари аниқланган;

сув олиб кетувчи трактда янги энергия сўндирувчи мослама ишлаб чиқилган;

ҳаво концентрацияси ва сув олиб кетувчи тракт конструкциясининг бурама оқим структурасига ва оқим энергиясининг сўнишига бўлган таъсири асосланган;

уурма шахтали сув ташлагичнинг бузилмасдан ишлашини авария сценарияси тузилган ҳамда эксплуатацион ишончилигини баҳолаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Уурма шахтали сув ташлагич сув олиб кетувчи тракти ичида энергияни сўндириш конструкцияси ва уларни ҳисоблаш асослари ҳамда фойдаланиш давридаги ишончилиги «Ўзсувтаъмирфойдаланиш» Республика бирлашмасига қарашли сув омборларида, жумладан Ҳисорак сув омбори, Чимкўрғон ва Пачкамар сув омборларида, «Гидропроект» АЖ томонидан қурилиши давом этаётган Тўполанг сув омбори сув ташлагич иншооти лойиҳасининг битта варианти сифатида қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 18 февралдаги 04/30-147 – сон маълумотномаси). Диссертация натижаларининг амалиётга жорий қилиниши юқори босимли сув омборларининг сув чиқарувчи иншоотларини пастки бьефларида ювилиш жараёнларининг олдини олиш, экологик вазиятнинг яхшиланишига ҳамда уларнинг ишончли ва хавфсиз ишлашини таъминлашга имкон берган. Шунингдек, тадқиқот натижалари бўйича Тўполанг сув омбори қурилишида таклиф қилинган вариантда капитал маблағларнинг 40 фоиздан ортиқ тежалишига эришилган.

Мурадов Шухрат Одилович. «Жанубий Ўзбекистоннинг арид худудларида сув барқарорлигини назарий асослаш», 11.00.03–Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё (техника фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 12.05.2015/В2015.1.Т470.

Илмий маслаҳатчи: Ҳамраев Наджим Раҳимович, техника фанлари доктори, профессор, академик.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Гидрометеорология илмий-текшириш институти ва Ўзбекистон Миллий университети, 16.07.2013.Г.32.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик кенгаш.

Расмий оппонентлар: Мягков Сергей Владимирович, техника фанлари доктори; Чембарисов Эльмир Исмаилович, география фанлари доктори, профессор; Шохидов Абдуборий

Фаттахович, техника фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Самарқанд давлат университети.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: сув барқарорлигини таъминловчи гидроэкологик технологиялар ва мелиоратив-гидрологик усулларни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сизот сувларнинг олдиндан белгиланган чуқурлигида фильтрацияга қарши самарали экран пайдо қилиш технологияси такомиллаштирилган;

дарё, канал ва зовурларда сув оқимини бошқариш учун «Поғона» қурилмалар конструкцияси ва ҳисоблаш формуласи асосланган;

текисликдаги гипсли тупроқларда ирригацион эрозиянинг олдини олиш билан бир вақтда тупроқ унумдорлигини оширувчи ва сувни тежовчи табиий мелиорантларни қўллашнинг хусусиятлари аниқланган;

илк бор самарали ўғит – чили селитраси ҳосил бўлиши билан тупроқларнинг содали шўрланишини камайтирувчи кимёвий мелиорантлар таклиф этилган;

сувларни шўрсизлантириш усули ишлаб чиқилган;

ўсимликларнинг атмосфера ёгинлари, суғориш ва сизот сувларидан фойдаланиш самарадорлигини оширувчи табиий минераллардан фойдаланиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган комплексли техник ечимлар асосида:

тупроқни мелиорациялашнинг такомиллаштирилган усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (07.05.1997й. №4539). Яратилган технология атмосфера, тупроқ ва суғорма намликдан самарали фойдаланишни оширишга имкон беради;

коллектор-зовур сувларини шўрсизлантириш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (13.04.2000й. №IDP 04339). Ишлаб чиқилган қурилма коллектор-зовур, ер ости ва қўл сувларини шўрсизлантириш имконини беради;

тупроқни шўрсизлантириш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (25.08.2000й. №IDP 04470). Таклиф этилган кимёвий мелиорант тупроқни азотли ўғит (чили селитраси) билан бойитиш ва содали шўрланишнинг олдини олиш имконини беради;

сув ва тупроқни шўрсизлантириш ва мелиорациялаш усуллари, ирригацион эрозияга қарши кураш технологияси 2017 йилгача ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича Давлат дастурига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2014 йил 29 декабрдаги 02/20-3692-сон маълумотномаси). Комплекс тавсиялар сув ресурсларидан самарали фойдаланишни оширади ва Ўзбекистон жанубидаги суғориладиган ерларнинг гидроэкологик ва мелиоратив-гидрологик ҳолатини яхшилади.



Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Халикова Малохат Бабамурадовна. «*G.tomentosum* турининг генетик потенциали ва унинг маданийлашган турларни (*G.hirsutum* L., *G.barbadense* L.) қимматли-хўжалик белгилари

билан бойитишдаги аҳамияти», 06.01.05–Селекция ва уруғчилик (қишлоқ хўжалиги фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Qx122.

Илмий маслаҳатчи: Сайдалиев Ҳакимжон, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Тошкент давлат аграр университети, Андижон қишлоқ хўжалик институти, 16.07.2013. Qx.22.01.

Расмий оппонентлар: Нариманов Абдужалил Абдусаматович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори; Ходжаев Шамиль Турсунович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Абзалов Миратхам Фузаилович, биология фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Самарқанд қишлоқ хўжалик институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: ғўзанинг ёввойи *G.tomentosum* Nutt. ex Seem., маданийлашган *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турлари иштирокида олинган дурагайлардан амалий селекцияда қимматли-хўжалик белгилари, хусусан, тола сифати ва сўрувчи зараркунандаларга бардошлилиги уйғунлашган манба сифатида фойдаланиш имкониятларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ғўзанинг ёввойи тури *G.tomentosum* Nutt. ex Seem. ва *G.hirsutum* L. турлари иштирокида олинган дурагайларда танловлар, ёввойи турдаги қимматли белгиларнинг самарали трансгрессияси асосида қимматли хўжалик белгилари ва зараркунандаларга бардошлилиги уйғунлашган С-01 ва СП-03 навлари яратилган;

интрогрессив тизмаларни анализатор тизма билан дурагайлаш орқали бурама тукланиш ва туклар сонининг ирсийланишида доминант аллеллар ва ёрдамчи генлар сони катта аҳамиятга эгаллиги, барг қалинлигининг цитоплазматик генлар билан назорат қилиниши аниқланган;

баргнинг 1 мм² сатҳидаги туклар сони белгиси генетик таҳлил қилинган ва авлодларда тукланишнинг «бурама» типи тўлиқ доминант бўлиб, у гетерозигота ҳолатда «бурама» фенотип намоён қилиши, F₂ даги тукланиш табиати бўйича бурама типли тизмалар оддий тукланиш типига эга бўлган тизма билан бир геннинг аллель ҳолатлари бўйича фарқланиши исботланган;

ғўза тизмаларининг барг сатҳидаги тукланиш типи ўсимликдаги сўрувчи зараркунанда сонига салбий таъсир кўрсатиши, икки аллель бўлмаган генларнинг ўзаро таъсирида ирсийланиши исботланган ва тукланиш типини назорат қилувчи генларни икки геном гуруҳига мансуб деб эътироф этилиб, уларни H_A^S-h_A^S ва H_D^S-h_D^S кўринишда белгилаш киритилган;

G.tomentosum Nutt. ex Seem. турининг белгиларига эга бўлган тизмалар ҳамда *G.barbadense* L. турига мансуб навларни дурагайлаб олинган ўсимликларда асосий хўжалик белгилари кўрсаткичлари таҳлил қилиниши натижасида иккала турга хос шакллар белгиларининг ўзаро уйғунлашуви аниқланган;

изланишлар натижасида ажратиб олинган асосий хўжалик белгилари, хусусан, тола чиқими ва зараркунандаларга бардошлилиги мужассамлашган оила ва тизмалардан амалий селекция ишларида сўрувчи зараркунандаларга бардошли, тола сифати юқори бўлган қимматли манба сифатида фойдаланиш имкониятлари баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалар:

ғўзанинг яратилган С-01 нави 2012–2015 йиллар давомида Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясига қарашли нав синаш шоҳобчаларида муваффақиятли синовдан ўтган ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2016 йил 28 январдаги 18-сонли буйруғи билан 2016 йилдан Навоий вилояти учун истиқболли деб топилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 11.02.2016 й., 02/20-109-сон маълумотномаси, Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг 16.05.2016 й., 53/4-191 сонли маълумотномаси). Яратилган С-01 ғўза навидан районлашган навларга нисбатан Навоий тажриба станциясида 6,0–7,0 ц/га (самарадорлик 18,0–20,0%), Тошкент вилоятидаги Оққўрғон тажриба станциясида 4,0–4,5 ц/га (самарадорлик 12,0–14,0%) юқори ҳосил олинган;

СП-03 ғўза нави эса 2016 йилдан Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясига наводорликни баҳолаш синови (Грунт назорат)га қабул қилинган (Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг 16.05.2016 й.даги 53/4-192 сонли маълумотномаси).

Ҳамзаев Абдушукур Худойкулович. «Ўзбекистоннинг жанубида эртаги ва икки ҳосилли экинлар сифатида картошка ўстириш технологияси», 06.01.08–Ўсимликшунослик (қишлоқ хўжалиги фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Qx134.

Илмий маслаҳатчи: Остонақулов Тоштемир Эшимович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Самарқанд қишлоқ хўжалик институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ва Андижон қишлоқ хўжалик институти, 16.07.2013. Qx/D.24.01.

Расмий оппонентлар: Ахмедов Жамолхон Ходжаханович, биология фанлари доктори; Адилов Максуд Мирвоситович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори; Абдурахимов Мингжигит Каттабекович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

Етакчи ташкилот номи: Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: республиканинг жанубий минтақаларида картошка генофонди нав намуналарини баҳолаш, юқори ва сифатли ҳосилдорликни, туганакларнинг сақланувчанлигини ҳамда ташилувчанлигини таъминлайдиган эртаги ва икки ҳосилли экинлар сифатида картошка етиштиришнинг самарали агротехнологик тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор республикамизнинг жанубий минтақаси шароитида картошка генофонди нав намуналаридан ўта эртаги, эртаги, янги ковланган туганакларидан қайта экиб, икки ҳосилли экинлар сифатида экишга мослиги, ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, туганакларнинг сақланувчанлиги ҳамда ташилувчанлиги бўйича баҳоланган ва истиқболлилари танланган;

эртаги картошка навларига қўйиладиган талаблар, туганакларнинг сақланувчанлигини ҳамда ташилувчанлигини баҳолашнинг такомиллаштирилган услублари ишлаб чиқилган;

ўта эртаги ва эртаги экин сифатида картошка ўстириш учун табиий шароитдан самарали фойдаланишга имкон берувчи ерни экишга тайёрлаш муддат ва усуллари, уруғликларни экиш муддатлари, экишга тайёрлаш усуллари, экиш чуқурликлари, мульчалаш турлари, сидерациядан фойдаланиш, суғориш тартиби ва ўғитлаш меъёрлари ишлаб чиқилган;

вилоятнинг тоғли минтақалари шароитига мос истиқболли навлар ажратилиб, уларни етиштиришнинг самарали технологияси ишлаб чиқилган;

жанубий минтақа шароитида такрорий ва икки ҳосилли экинлар сифатида картошкadan юқори ҳосилдорликни ва уруғлик материаллар сифатини, ташилувчанлигини ҳамда сақланувчанлигини таъминлайдиган уруғлик материалларни олиш усуллари, қулай экиш муддати, мақбул экиш схемаси ва туп қалинликлари, ўстирувчи стимуляторлар таркиби, жадал кўпайтириш усуллари, икки ҳосилли экин сифатида етиштирилган картошка ҳосилини йиғиш олди палакларни ўришнинг мақбул муддати ва усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Жанубий минтақа шароитида эртаги ва икки ҳосилли экинлар сифатида картошка генофонди нав намуналарини ўрганиш ҳамда ўстириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

картошкани икки ҳосилли экин сифатида етиштириш учун фойдаланиладиган ўстирувчи стимуляторлар таркиби ҳамда кўпайтириш усули бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг иккита ихтирога патенти олинган (№ IDP 04837 ва № IAP 04698). Бу уруғлик ва ердан самарали фойдаланиш ҳисобига бир йилда икки марта картошка ҳосили етиштириш ва уруғлик материалларни 30–35% тежаш имконини беради;

картошканинг янги яратилган «Яроқли–2010» нави Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари давлат реестрига киритилган (Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг 03.12.2010 йилдаги №310 селекция ютуғига берилган гувоҳномаси). Ушбу нав ўта эртаги, эртаги ва икки ҳосилли экинга яроқлилиги, туганакларининг яхши сақланувчанлиги ва ташилувчанлиги билан ажралиб туради;

эртаги ва икки ҳосилли экинлар сифатида картошка етиштириш технологияси 2013–2015 йиллар давомида Сурхондарё вилоятида жами 636,7 гектар майдонга жорий қилинган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 11.03.2016й., 02/09-375/1-сон маълумотномаси). Бунда мавжуд технологияга нисбатан тавсия этилган навлар ва технологияни жорий этиш эвазига эртаги экин сифатида етиштирилганда 2,4–4,3 млн., тоғли шароитда 1,7–2,9 млн., икки

ҳосилли экин сифатида ўстирилганда 1,1–2,1 млн. сўм қўшимча даромад олиш таъминланган.

Мамбетназаров Амангелди Бисенбаевич. «Қорақалпоғистон Республикасида суғориладиган ерларини гидромодул районлаштиришни ва янги ғўза навларининг суғориш тизимларини такомиллаштириш», 06.01.02–Мелиорация ва суғорма деҳқончилик (қишлоқ хўжалиги фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 18.11.2015/В2015.3-4.Қх212.

Илмий маслаҳатчи: Авлиякулов Аваз Эронкулович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ва Андижон қишлоқ хўжалик институти, 16.07.2013. Қх/Д.24.01.

Расмий оппонентлар: Мирзажонов Қирғизали Мирзажонович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Хамидов Муҳаммадхон, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Исашев Анваржон, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: Қорақалпоғистон Республикаси сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари шароитида янги истиқболли ғўза навларини мақбул суғориш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда худудларни гидромодуль районлаштиришни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари экин майдонларини гидромодуль районлаштириш ва янги ғўза навларининг суғориш тартиблари такомиллаштирилган;

муайян мелиоратив минтақага мансуб суғориладиган ерларда фермер хўжаликлари экин майдони ва сув тақсими, сизот сувлари сатҳининг ўзгариши, намликни тупроқ найчалари орқали кўтарилиш тезлиги бўйича микрогидромодуль районлаштириш ишлаб чиқилган;

тупроқнинг механик таркиби, генетик қатламлар бўйича морфологик тузилиши, макро ва микроагрегатлар ўлчами, шўрланиш-суғориш-озуқа тартиби ва ғўза навларининг биологик хусусиятига боғлиқ ҳолда илдиз тизими орқали ер ости сувларидан фойдаланиш механизми аниқланган;

ғўзани «Чимбой–5018» ва «Дўстлик–2» навлари суғоришнинг мақбул муддати, меъёри ва сув истеъмоли ҳамда даланинг сув мувозанати аниқланган ҳамда микрогидромодуль районларга ажратилган;

мелиоратив минтақа тупроқлари ва гидромодуль районлаштириш шароитидан келиб чиқиб, автоморф, ярим гидроморф ва гидроморф тупроқлар учун мақбул суғориш тартиблари ишлаб чиқилган;

ғўзани суғоришда тупроқ ҳавоси осмотик босими ва уни эритмаси концентрацияси камайиши, намликнинг ортиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари экин майдонлари янгидан микрогидромодуль районлаштириш ва ғўза навларини мақбул суғориш тартибларини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

ғўзанинг ўрта толали «Чимбой–5018» ва «Дўстлик–2» навларининг мақбул суғориш тартиби ишлаб чиқилган ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл, Чимбой, Кегейли, Тахтакўпир ва Қораўзак туманларида жами 19,1 минг гектар майдонга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 01.03.2016й., 01/04-254-сон маълумотномаси). Бунда суғориш сувлари 25–30%га тежалган ва гектаридан 2,3–3,4 центнер қўшимча пахта ҳосили олинган;

Қорақалпоғистон Республикасининг суғорма деҳқончилик шароитида сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари экин майдонлари янгидан микрогидромодуль районларига ажратилган (Қорақалпоғистон Республикаси қуйи Амударё ирригация

тизимлари ҳавза бошқармасининг 09.03.2016й., 01/03-1-82-сон маълумотномаси). Бунда сув истеъмолчилари уюшмасига қарашли фермер хўжалиklarининг умумий сув талабидан келиб чиқиб, сувдан фойдаланиш режаси ва лойиҳаларини мазкур меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқиш имконияти яратилган.

Аманов Шухрат Бахтиёрович. «Лалми ҳудудларда етиштирилаётган мойли экинларнинг зараркундалари ва уларга қарши кураш мажмуини такомиллаштириш», 06.01.09–Ўсимликларни ҳимоя қилиш (қишлоқ хўжалиги фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Қх87.

Илмий маслаҳатчи: Гаппаров Фурқат Ахатович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалик институти, 16.07.2013.Қх.22.01.

Расмий оппонентлар: Хўжаев Шомил Турсунович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор; Торениязов Елмурат Шерниязович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори; Юсупова Махпуза Нумановна, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

Етакчи ташкилот номи: Андижон давлат университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: лалми ҳудудларда етиштирилаётган мойли экинларнинг зараркунда турларини аниқлаш, улардан асосий зарар етказадиган турларини ажратиш, асосий зараркундаларнинг биологик ва экологик хусусиятларига асосланган ҳолда қарши курашнинг агротехник, биологик ва кимёвий усулларининг самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор республикаимиз шароитида лалми ҳудудларда етиштирилаётган мойли экинларнинг зараркунда турлари аниқланган ҳамда улар асосий, иккиламчи ва аҳамиятсиз турларга ажратилган;

асосий зараркундаларнинг биологик хусусиятлари ва зарар етказиш даражаси баҳоланган;

мойли экин майдонларида учрайдиган табиий энтомофаглар ҳамда зараркундалар тўпланиши ва озуқа манбаи бўлган бегона ўтларнинг турлари аниқланган;

асосий зараркундаларга қарши курашнинг агротехник, биологик ва кимёвий кураш усуллари яратилган;

зараркундаларга қарши инсектицидларни қўллашнинг замонавий технологияси синалган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Лалми ҳудудларда етиштирилаётган мойли экинларнинг зараркундаларига қарши курашнинг мажмуавий тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

махсар экини зараркундаларига қарши Циперметрин 25% эм.к., Атилла 5% эм.к. ва Аваунт 15% эм.к. препаратларини «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ишлатиш учун рухсат этилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхати» дан ўтказилган (Ўзбекистон Республикаси кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш давлат комиссиясининг 26.05.2016й., 2-6/1-77-сонли маълумотномаси). Бу эса ушбу препаратларни амалиётда кенг ишлатиш мумкинлигини таъминлайди;

мойли экинларнинг зараркундаларига қарши уйғунлашган ҳимоя қилиш тадбирлари Қашқадарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятларидаги фермер ва деҳқон хўжаликларида қўлланилган. Бунда лалми ҳудудларда мойли экинлардан гектарига 3,0-4,8 центнер қўшимча ҳосил олинган ва иқтисодий самара 270–430 минг сўмни ташкил этган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 09.06.2016 й., 02/90-789-сонли маълумотномаси).

Мадартов Баҳром Кувандикович. «Ѓўзанинг генетик келиб чиқиши узоқ бўлган дурагайлар асосида сув танқислигига чидамли селекцион ашёлар яратиш», 06.01.05–Селекция ва уруғчилик (қишлоқ хўжалиги фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Qx112.

Илмий маслаҳатчи: Ким Роберт Григорьевич, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалик институти, 16.07.2013.Qx.22.01.

Расмий оппонентлар: Нариманов Абдужалил Абдусаматович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори; Ризаева Сафия Мамедовна, биология фанлари доктори, профессор; Эргашев Ибрагим Ташкентович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: ғўзанинг *G.hirsutum L.* турига мансуб ёввойи ва яримёввойи намуналарини (*ssp.yucatanense*, *ssp.punctatum*, *ssp.morilli*, *ssp.richmondi*, *ssp.marie-galante*) Америка навлари ва маҳаллий навлар селекциясида F_1 - F_2 - F_3 ва F_{10} ўсимликларида сув танқислиги ва шўрланган ерларга бардошли тизма ҳамда навларни яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор маҳаллий ва хорижий селекция ва генетика амалиётида ғўзанинг *G.hirsutum L.* турига мансуб Мексикадан келтирилган ёввойи *ssp.yucatanense* ва яримёввойи *ssp.punctatum*, *spp.morilli*, *spp.richmondi*, *spp.marie-galante* намуналари, Америкадан келтирилган Acala-1517-70, Deltapine-16, Paumaster-266, 0226, Shorcat, Selection-compositae навлари ҳамда маҳаллий C-6524, C-9070, Наманган-77, Тошкент-1, Ф-149, Ф-108 тизма ва навлар, сув танқислигига бардошли, қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган янги навлар яратилган;

сув танқислигига бардошли, вертицеллез вилтнинг иккинчи рассасига чидамли тола чиқими юқори бўлган янги донорлар яратилган;

ёввойи ва яримёввойи намуналарни навлар билан ўзаро чатиштириш натижасида ва мураккаб полиморф дурагайлашда 4–8 ота-она шакллар иштирок этган 2–4 турли шакллар пайдо бўлган, толаси IV- ва ундан юқори типга эга бўлган манбалар яратилган;

сув танқислиги шароитида (0-1-0) суғоришда генетик жиҳатдан бардошли, барча ижобий кўрсаткичлар мужассамлашган дурагайларни танлаш хусусиятига эга эканлиги назарий жиҳатдан исботланган;

ирсийланишнинг генетик қонуниятлари ва дурагайларда белгиларининг ўзгарувчанлиги, янги интрогрессив тизмалар иштирокида қимматли хўжалик белгилари сув танқис бўлган шароитида яратилган;


доминант ва юқори доминантларнинг сув танқислигига чидамлик даражаси, тезпишарлиги, битта кўсақдаги пахта вазни, тола чиқими ва сифат кўрсаткичлари яратилган тизма ва навларда белгиланган;

илк бор сув танқислигига бардошли, турли агроиклим шароитида етиштиришга хос юқори кўрсаткичларга эга бўлган тезпишар, тола чиқими сифати жаҳон талабларига мос келадиган нав яратишга эришилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Мексикадан келтирилган ғўзанинг *G.hirsutum L.* турига мансуб ёввойи ҳамда яримёввойи намуналарини Америкадан келтирилган ва маҳаллий навлар билан сув танқис бўлган шароитда ўзаро чатиштириш натижасида яратилган C-5708, C-5709 ва C-5710 навлари республиканинг турли минтақаларида синовдан ўтган ва 2013–2015 йилларда Тошкент, Навоий ва Хоразм вилоятларида 400 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 22 январдаги 02/37-95-сон маълумотномаси);

C-5706 ва C-5707 ғўза навлари 2016 йилдан Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясида грунт назоратдан ўтган нав синаш участкалари синовига қабул қилинган (Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг 27.06.2016 йилдаги 53/4-239-сон маълумотномаси).



**Тарих фанлари бўйича
докторлик диссертациялари
ҳимояси тўғрисида эълонлар**

Мустафаева Нодира Абдуллаевна. «Мустамлака ва совет даври тарихшунослигида Ўзбекистоннинг XX аср маданияти», 07.00.07–Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (тарих фанлари).
Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам:

30.09.2014/В2014.5.Tar162.

Илмий маслаҳатчи: Алимова Дилором Агзамовна, тарих фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тарих институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи методик марказ, Тарих институти, Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий-тадқиқот институти, Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Шарқ қўлёзмалари маркази, 22.12.2015.Таг.01.06.

Расмий оппонентлар: Иноятов Қутлуғжон Ҳамдамович, тарих фанлари доктори, профессор; Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович, тарих фанлари доктори, профессор; Эргашева Юлдуз Алимовна, тарих фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Самарқанд давлат университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: XX аср Ўзбекистон маданияти тарихидаги жараёнлар ҳамда ўзбек халқининг маданий-маънавий ҳаётидаги ўзгаришларни мустамлака ва совет даври тарихшунослиги доирасида тизимли равишда очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мустамлака сиёсати шароитида Туркистон тараққийпарварларининг миллий маданият тараққиётига хизмат қилган назарий қарашлари ва ижтимоий ҳаётга жорий этган маданий-маърифий янгиликларининг жамият дунёқарашидаги ўзгаришларга таъсири тарихшунослик ракурсида очиб берилган;

«ягона совет маданияти» сунъий ғоясини Собиқ иттифоқдаги барча миллатлар қатори ўзбек халқи маънавий ҳаёти ва ижтимоий муносабатларига қатъий татбиғининг усул ва воситалари ҳамда уларнинг ижро механизми ва интенсивлик даражасининг моҳияти тарихшунослик жиҳатдан аниқланган;

мустабид тузумнинг маданият соҳасини ғоятда сиёсийлаштириши, ўтмиш қадриятлардан маҳрум қилишга қаратилган сиёсати шароитида ўзбек халқининг миллий ўзлик ва маданий меросини сақлаб қолишга, маънавий камолотига, тараққиётга бўлган интилишлари совет даври адабиётларининг тизимли тавсифи билан кўрсатилган;

ислом динига муносабат орқали совет диний сиёсатининг иккиёқлама характери – миллий-маънавий ҳаётга атеистик қарашларни тизимли жорий этилиши, бошқа тарафдан жаҳонга «диний эътиқод эркинлиги»ни намоён қилиш ҳамда жамиятнинг ижтимоий аҳволидан келиб чиқиб, диний сиёсатнинг тўлқинсимон тарзда ташкил қилингани очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Мустамлака ва совет даври тарихшунослигида Ўзбекистоннинг XX аср маданиятига оид ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

мустамлака сиёсати шароитида Туркистон ўлкаси халқларининг миллий маданиятига доир хулосалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 9 октябрдаги «Ўзбекистон тарихи давлат музейини бугунги замонавий талаблар даражасида реконструкция қилиш, Мустақиллик ғоялари асосида қайта шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан «Ўзбекистоннинг қадимдан бугунги кунгача тарихи» мавзусидаги экспозициянинг «Ўзбекистон XIX–XX асрларда» номли VIII бўлимни қайта шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Фанлар академиясининг 2016 йил 16 майдаги 3/1255-668-сон далолатномаси). Бунда Туркистон тараққийпарварларининг замонавий таълим ва маданий-маърифий янгиликларни жорий этишлари жамият тафаккуридаги ўзгаришларга таъсири, мустамлака маъмуриятининг бу янгиликларга аҳолининг сиёсий онгига таъсир кўрсатувчи восита сифатида қараганлиги ва салбий муносабати кўрсатиб берилган;

мустабид совет тузумининг миллий маданий қадриятлардан маҳрум қилишга қаратилган

фаолияти, мафкуралаштирилган маданиятни халқ онгига мажбуран сингдиришда қўллаган восита ҳамда усуллар юзасидан олинган илмий натижалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 майдаги «Қатағон қурбонлари хотираси музейи фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-861-сонли Қарорига мувофиқ ташкил қилинган музей экспозицияларининг «1937–1938 йиллардаги сиёсий қатағонлар», «1940–1950 йиллардаги сиёсий қатағонлар» мавзусидаги бўлимларини қайта шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Фанлар академиясининг 2016 йил 16 майдаги 3/1255-668-сон далолатномаси). Мазкур хулосалар Собиқ иттифоқдаги барча миллатлар қатори ўзбек халқи маънавий ҳаёти ва ижтимоий муносабатларига «ягона совет маданияти» сунъий ғоясини қатъий татбиқ қилишда амалга оширилган мажбурий усул ҳамда воситалар, уларнинг ижро механизмини тарихий манбалар асосида очиб бериш имконини берган;

сиёсийлаштирилган совет маданиятини жамият онгига мажбуран сингдириш ва тарғиб қилиш бўйича олинган илмий натижалар ОТ-Ф8-211 «XX аср Ўзбекистон маданият тарихи» номли фундаментал лойиҳанинг «XX аср Ўзбекистон маданий ҳаёти тарихшунослиги» ва «Совет ҳокимиятининг маданият соҳасидаги сиёсати» қисмларида қўлланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг 2016 йил 10 майдаги ФТК-0213/302-сон далолатномаси). Бу мустабид тузумнинг маданият соҳасини ғоятда сиёсийлаштириши, ўтмиш қадриятлардан маҳрум қилишга қаратилган сиёсати шароитида ўзбек халқининг тараққиётга, миллий ўзлиги ва маданий меросини сақлаб қолишга бўлган интилишлари бўйича илмий хулосаларни такомиллаштиришга имкон яратган;

совет даврида турли миллатлар қатори ўзбек халқи маънавий ҳаётига атеистик тарғиботнинг татбиқ этилиши бўйича қўлланилган усул ва воситалар бўйича илмий хулосалар Ўзбекистон телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телеканалининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий мавзусидаги «Муносабат», «Нигоҳ» кўрсатувлари тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телеканали» давлат унитар корхонасининг 2016 йил 3 майдаги 01-02690-сонли далолатномаси). Бу совет мафкурасининг таъқиб ва тазйиқи минглаб инсонларнинг, айниқса, зиёлилар тақдирида аянчли из қолдиргани ҳақидаги тарихий ҳақиқатларни телетомошабинларга таъсирли етказишга хизмат қилган.



Иқтисодиёт фанлари бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Сафаров Баходирхон Шахриёрович. «Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш», 08.00.05–Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

(иқтисодиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.168.

Илмий маслаҳатчи: Тухлиев Искандар Суёнович, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги бир марталик илмий кенгаш.

Расмий оппонентлар: И.Иватов иқтисодиёт фанлари доктори, профессор; К.Д.Мирзаев, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор; М.А.Махкамова, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш ва амалий тақлифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

минтақавий туристик-рекреацион салоҳиятдан самарали фойдаланиш, туристик хизматлар турларини кўпайтириш, сифати ва хизматлар экспорт ҳажмини ошириш бўйича

таклифлар ишлаб чиқилган;

минтақанинг бетакрор туристик ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда ички ва халқаро туризмни изчил ривожлантириш асосида минтақа туристик-рекреацион кластерини шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ишлаб чиқилган;

туристик корхона бошқарув самарадорлигини аниқлашда динамик меъёрлар модели асосида баҳолаш усули ишлаб чиқилган;

миллий туризм соҳасининг инвестицион жозибадорлигини ошириш, давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ҳамда миллий туристик дестинация сифатида мақбул тасаввурни шакллантириш ва туристик оқим ҳажмини оширишни эътиборга олган ҳолда инновацион ривожланишнинг ўрта муддатли прогноз кўрсаткичлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

туризм хизматлари соҳасини инновацион ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалардан «Ўзбектуризм» миллий компанияси томонидан тасдиқланган «Самарқанд вилоятида туризмни инновацион ривожлантириш стратегияси»да фойдаланилган («Ўзбектуризм» миллий компаниясининг 2016 йил 16 майдаги 02-09/805-сон маълумотномаси). Илмий натижадан фойдаланиш минтақада хорижий туристлар оқимининг 9 фоизга кўпайиши имконини беради;

туристик фаолият сервиси самарадорлигини ошириш юзасидан олинган илмий натижалардан «Самарқанд вилоятида туризмни янада ривожлантириш, туристик хизматлар кўрсатиш турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш ҳамда экспорт ҳажмини кескин оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар» дастурида фойдаланилган («Ўзбектуризм» миллий компаниясининг 2016 йил 16 майдаги 02-09/805-сон маълумотномаси). Илмий натижадан фойдаланиш минтақада туризм соҳаси хизматларини ва экспорт ҳажмини кейинги икки йил мобайнида 2 мартага ошириш имконини беради;

туристик хизматлар бозорининг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш ва туризм соҳасини ривожлантириш бўйича олинган натижалардан «Туризм» таълим йўналишлари талабалари учун «Туризм асослари» дарслигида фойдаланилган (№ 220-153, ISBN 978-9943-975-50-7). Илмий натижалардан дарсликда фойдаланиш туризм таълим тизими самарадорлигини ошириш имконини беради;

минтақа шароитида туристик-рекреацион кластер моделини шакллантириш ва ривожлантиришга оид илмий натижалардан ИТД-2-15 «Ўзбекистонда болалар, ўсмирлар ва ёшлар туризмни комплекс ривожлантириш муаммолари» лойиҳасида (2012-2014) Самарқанд вилоятида туристик-рекреацион кластер моделини шакллантириш алгоритмининг тайёрлашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2016 йил 2 июндаги ФТК-03-13/349-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш болалар, ўсмирлар ва ёшлар туризмнинг моҳиятини белгилаш, унинг кластер таркибида бўлган ўрнини аниқлаш, шунингдек, кластер иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари доирасини чегаралаш ва тегишли жараёнларни самарали башоратлаш имконини беради;

туристик корхона бошқарув самарадорлигини динамик меъёрлар модели ёрдамида баҳолашнинг ЭХМ учун компьютер дастурига (№DGU 03656); Ўзбекистон ҳудудларида туризм тараққиётининг интенсивлик коэффициентини ҳисоблаш учун компьютер дастурига (№DGU 03562), туризм хизмат бозори бошқарув тизими самарадорлигини баҳолашнинг услубий асосларини автоматлаштирилган компьютер дастурига (№DGU 03563), республика ҳудудида фаолият кўрсатаётган турфирма ва меҳмонхоналар маълумотлар базасига (№BGU 00327) Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан қуйидаги илмий натижаларни амалиётга татбиқ қилиш бўйича гувоҳномалар олинган.

Ахмеджанов Карим Бакиджанович. «Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш», 08.00.07-«Молия. Бухгалтерия ҳисоби» (иқтисодиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 28.04.2016/В2016.2.1.483.

Илмий маслаҳатчи: Н.Ф.Каримов, иқтисод фанлари доктори.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат иқтисодиёт университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, Тошкент Ирригация ва мелиорация институти ва Тошкент Молия институти, 16.07.2013.1.31.01.

Расмий оппонентлар: А.К.Ибрагимов, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор; М.Қ.Пардаев, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор; Р.Д.Дусмуродов, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Тошкент молия институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш бўйича таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ички аудит хизматини самарали ташкил этиш юзасидан миллий аудиторлар палатаси қошида махсус ички аудит тузилмасини шакллантириш бўйича таклифлар асослаб берилган;

ички аудитор хизмати фаолиятини режалаштириш ва якуний аудиторлик ҳисоботини тайёрлаш жараёнининг изчиллиги ва ўзаро мувофиқлигини таъминлаш механизми такомиллаштирилган;

иқтисодий ривожланган демократик мамлакатлар тажрибаси, халқаро тан олинган талабларни умумлаштириш ва миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ички аудит стандартларини такомиллаштириш бўйича таклифлар асосланган;

харажатни қисқартириш ва даромадни ошириш имконини берувчи ички аудит ваколатларини тақсимлаш жараёнининг ўзаро боғлиқ уч босқичли ташкилий-иқтисодий механизми ишлаб чиқилган;

ички аудит назоратининг сифати ва аудит натижаси ишончлилигини янада оширишга йўналтирилган ички аудит хизмати фаолиятини ташкил қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизми такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

ички аудит хизматини самарали ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган таклиф асосида Ўзбекистон аудиторлар палатаси қошида Ички аудит қўмитаси ташкил этилган (Молия вазирлигининг 2016 йил 31 майдаги ММ/17-02-35/290-сон маълумотномаси; Ўзбекистон аудиторлар палатасининг 2015 йил 14 майдаги 48/1-сон маълумотномаси). Ички аудит қўмитасининг ташкил қилиниши ички аудит фаолиятини мувофиқлаштириш ва уни алоҳида йўналишларга ажратиш, кейинчалик эса Ички аудиторлар институтини ташкил этиш учун замин бўлиб хизмат қилади;

ички аудит хизмати фаолиятини мақсадли ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган таклиф асосида «DORI-DARMON» акциядорлик компанияси таркибида ички аудит хизмати тузилган («DORI-DARMON» АКнинг 2016 йил 11 мартдаги 24-05/490-сон маълумотнома). Ички аудит хизматининг тузилиши тегишли фаолиятни мақсадли амалга ошириш, аудиторлик хизмати самарадорлигини ошириш ва натижалар ишончлилиги асосида «DORI-DARMON» АКнинг соф фойдасини 0,9%га (209,1 млн. сўм) ошириш ва ташқи аудиторлик текширувини ўтказишга кетадиган харажатлар миқдорини 20,8%га (26,01 млн.сўм) қисқартириш имконини берган;

ички назорат сифатини ошириш учун ишлаб чиқилган ички аудит методикаси Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси томонидан амалиётга жорий этилган (2015 йил 12 октябрдаги 118/ММ-сон маълумотномаси). Мазкур методика ички назоратни янада сифатли маълумотларни олиш ва улар асосида ишончли хулосаларни шакллантириш имконини беради;

ички аудиторлар фаолиятининг уч гуруҳдан иборат ички стандартлари халқаро «Deloitte & Touche» аудиторлик ташкилоти томонидан амалиётга жорий этилган («Deloitte & Touche» аудиторлик ташкилоти 2016 йил 11 мартдаги АДМ/75-16-сон маълумотномаси). Стандартларнинг жорий қилиниши натижасида ички аудитни тартибга солишни сифатли тизимлаштириш ва ички аудиторлик текшируви самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Абдураунов Рустам Рамзович. «Ўзбекистонда хорижий инвестицияли корхоналар иқтисодий салоҳиятини бошқариш механизмларини такомиллаштириш», 08.00.13–Менежмент (иқтисодиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 31.03.2016/В2016.1.1170.

Илмий маслаҳатчи: Вахабов Алишер Васикович, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат иқтисодиёт университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 16.07.2013.1.03.01.

Расмий оппонентлар: Д.Н.Раҳимова, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор; О.Қ.Абдурахмонов, иқтисодиёт фанлари доктори; Д.Х.Суюнов, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент.

Етакчи ташкилот номи: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: хорижий инвестицияли корхоналар иқтисодий салоҳиятини бошқаришнинг услубий асосларини такомиллаштириш ва комплекс-баланслашган шаффоф бошқариш механизмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

хўжалик айланмасидаги мулк салоҳияти, кадрлар салоҳияти ва мулкдорнинг салоҳиятига боғлиқ ҳолда хорижий инвестицияли корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятини тизимли тақдим этиш, тадқиқ қилиш ва бошқаришга қийматли ёндашув асослаб берилган;

хорижий инвестицияли корхоналар иқтисодий салоҳиятини шаффоф бошқаришнинг комплекс-баланслашган модели назарий-услубий асослари илк бор ишлаб чиқилган ҳамда иқтисодий салоҳиятни баҳолаш ва эмпирик таҳлил қилиш услублари такомиллаштирилган;

бизнеснинг реал қиймати ва объектив нархига боғлиқ бўлган адолатли қиймат концепциясини қўллаган ҳолда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида мамлакатимиз хорижий инвестицияли корхоналарнинг шаффофлигини таъминлаш услуби ишлаб чиқилган;

хорижий инвестицияли корхоналар иқтисодий салоҳиятини комплекс-баланслашган қийматли бошқаришнинг схемали-математик кўп омилли моделлари ишлаб чиқилган;

хорижий инвестицияли корхоналар иқтисодий салоҳиятини қийматли шаффоф бошқаришнинг комплекс-баланслашган моделини амалга оширишнинг истиқболлари аниқлаган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Хорижий инвестицияли корхоналар иқтисодий салоҳиятини бошқариш механизмларини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

акциядорлик жамиятларининг инвесторлар учун очиқ бўлган корпоратив ахборот базасининг тузилиши ва мазмунини такомиллаштириш борасидаги илмий натижалар Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-396-сон «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида қўлланилган (Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2016 йил 6 майдаги №2647/0209-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар акциядорлик жамиятларининг ахборот ошқорлиги ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимояланиш даражасининг ошиши ҳамда акциядорлик жамиятларининг хорижий инвесторлар учун инвестицион жозибадорлигининг ошишига олиб келди;

компаниялар (ш.ж. хорижий инвестицияли корхоналар) капитал структураси детерминантларини бошқаришга тааллуқли таклифлардан Европа комиссиясининг Еттинчи таркибий Дастури доирасидаги 312029-сон грант келишуви бўйича амалга оширилган илмий-тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Вагенинген университети ва тадқиқот марказининг (Нидерландия) 2015 йил 29 октябрдаги №09098104-сон далолатномаси). Ушбу натижалар компаниялар (ш.ж. хорижий инвестицияли корхоналар)нинг рақобатбардошлигини белгиловчи омилларнинг аниқланиши ва уларнинг иқтисодий салоҳиятини бошқариш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилишини таъминлади;

хорижий инвестицияли корхоналар иқтисодий салоҳиятини бошқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича ишланмалар «Узэлтехсаноат» АКнинг амалий фаолиятига жорий қилинди («Узэлтехсаноат» АКнинг 2016 йил 24 майдаги №04-771-сон маълумотномаси), жумладан:

хорижий инвестицияли корхоналар иқтисодий салоҳиятини қийматли бошқаришнинг

комплекс-баланслашган моделини қўллаш хусусидаги таклифлар 2015 йилнинг иккинчи ярим йиллиги натижаларига кўра активлар ва пасивларни бошқариш самарадорлиги ошишига олиб келди. Бу эса компаниялар (ш.ж. хорижий инвестицияли корхоналар) капиталнинг ўртача ҳисобланган қийматини ўртача 0,5 фоизга камайтириш, эркин пул оқимлари оқимини ўртача 8,2 фоизга ва мос равишда иқтисодий салоҳият эквиваленти ҳисобланган адолатли қийматни ўртача 8,3 фоизга кўпайтириш имконини берди;

хорижий инвестицияли корхоналар иқтисодий салоҳиятини тизимли тақдим этиш, тадқиқ қилиш ва бошқаришга қийматли ёндашув хусусидаги илмий натижалар бошқарув ва инвестицион қарорларни қабул қилишда реал активлар бўйича «пуфак»ни ўз вақтида аниқлаш ва олдини олишда фойдаланилмоқда;

ишлаб чиқилган хорижий инвестицияли корхоналар иқтисодий салоҳиятини қийматли бошқаришнинг омилларини эмпириктаҳлил қилиш услуги ва модели уларнинг ривожланишида мавжуд муаммолар, умумий тенденциялар ва қонуниятларни 80 фоизгача аниқликда билиш имконини берди.



Фалсафа фанлари бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Нишанова Озода Джалолитдиновна. «Ўзбек этномаданиятининг эстетик моҳияти ва функциялари», 09.00.02 (фалсафа фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.F45.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон Миллий университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги 16.07.2013.F.01.04 рақамли илмий кенгаш.

Илмий маслаҳатчи: Қорабоев Усмон Ҳосилович, фалсафа фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар. Саифназаров Исмоил Саифназарович, фалсафа фанлари доктори, профессор; Юлдашев Мухаммадилхом Мамаюнович, фалсафа фанлари доктори; Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич, фалсафа фанлари доктори.

Етакчи ташкилот номи: Тошкент давлат педагогика университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: ўзбек этномаданияти ва унинг эстетик функцияларининг тарихий-маданий мерос ҳамда миллий-маънавий юксалишдаги аҳамиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

этноэстетика – этномаданиятдаги гўзаллик ва хунуклик, улуғворлик ва тубанлик, фожиавийлик ва кулгилик каби эстетик воқеликларни англашнинг гносеологик асоси эканлиги очиб берилган;

«оммавий маданият» кўринишидаги ғайриахлоқий таҳдидларга қарши курашда этномаданий қадриятлар ва эстетик идеалнинг самарали таъсири илмий асослари такомиллаштирилган;

этномаданиятдаги бадиий образ, бадиий тасвир ва бадиий маҳорат уйғунлиги этноэстетик принцип асосида ишлаб чиқилган;

этномаданиятнинг гносеологик ва аксиологик хусусиятлари тизимли-функционал тамойил асосида очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

этноэстетика гўзаллик, улуғворлик, олийжаноблик каби ижобий хислатлар, фазилатларни шакллантириши орқали халқ ижоди ва санъатини умрбоқий қилиши, кишиларда юксак идеалларни шакллантириши хусусидаги, этномаданиятнинг эстетик функциялари борасидаги таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Дунё бўйлаб» телеканалининг «Тамаддун тимсоли» ҳамда «Чархпалак» кўрсатувларининг сценарийларида (2015–2016) фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2016 йил 10 майдаги 08-14-170-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар кўрсатувларнинг эстетик таъсирчанлиги, бадиий-эмоционаллиги, тарбиявий жиҳатини оширишга имкон берган;

эстетик идеалнинг рационал ғоя ва дискурсив тажрибалар инъикоси сифатида юксак маънавиятли шахс тарбиясига таъсири хусусидаги таклифлардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканалининг «Миллат ва маънавият», «Ҳамроҳ» маърифий-муסיқий эшиттиришлари ҳамда «Болалар ва биз» эшиттиришининг сценарийларида (2014–2016) фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2016 йил 11 майдаги 1-39-сон маълумотномаси). Мазкур эшиттириш ёшларда гўзал ва олийжаноб фазилатларни, юксак маънавиятни, маънавий-эстетик идеални шакллантиришга ҳисса қўшган;

халқ ижоди ва санъатида борлиқни фалсафий-эстетик англаш ва бадий образ, бадий тасвир, бадий маҳорат уйғунлиги борасидаги таклифлардан Ўзбекистон Бадий академияси тасарруфидаги Камолиддин Беҳзод мемориал боғ-музейида Камолиддин Беҳзоднинг 560 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Буюк мусаввир издошлари» (26.11.2015), маънавий қадриятларга бағишланган «Тасвирларда мозий нафаси» (05.02.2016) ҳамда Наврўз байрамига бағишлаб ўтказилган «Бухоронинг мовий кулолчилиги» (16.03.2016) мавзуларидаги кўргазмаларда фойдаланилган (Ўзбекистон Бадий академиясининг 2016 йил 12 майдаги 1-1/501-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши кўргазмаларнинг бадий-эстетик салоҳияти ошишига хизмат қилиб, локал, ҳудудий-маданий анъаналардаги ўзига хослик, этноэстетик плюрализм ғоясини ривожлантириш имконини берган;

миллий ғоя ва ўзбек этномаданиятидаги инновацион изланишлар ҳамда ўзбек этномаданиятининг эстетик функцияларига оид таклифлардан Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг 2016 йил иш режасининг «Республика Маънавият ва маърифат кенгаши қарорлари асосида мафкуравий, маънавий-маърифий ишларни янада кучайтириш» бўлимининг «33. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг миллий-маънавий қадриятларни қайта тиклаш борасида эришган ютуқларини тарғиб қилиш механизмларини ишлаб чиқиш» бандини тайёрлашда фойдаланилган (Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг 2016 йил 11 майдаги 223-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг иш режасига киритилиши ҳамда амалиётга жорий этилиши халқимизнинг қалби, руҳияти, маънавий-бадий олами, борлиқни бадий-эстетик англаш хусусиятларини янада теран билиш, маънавий-эстетик эҳтиёжларини сифатли қондиришга хизмат қилган.



Филология фанлари бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Қувватова Дилрабо Хабибовна. «XX аср иккинчи ярми ўзбек дostonчилигининг тараққиёт хусусиятлари», 10.00.01–Ўзбек тили. Ўзбек адабиёти (филология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.3-4.Fil121.

Илмий маслаҳатчи: Раҳимжонов Нўмон Каримович, филология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Бухоро давлат университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи 08.06.2016Fil.33.01 рақамли илмий кенгаш

Расмий оппонентлар: Каримов Баҳодир Нурметович, филология фанлари доктори; Ҳасанов Шавкат Аҳадович, филология фанлари доктори; Сабирдинов Акбар Ғафурович, филология фанлари доктори.

Етакчи ташкилот номи: Андижон давлат университети.

Диссертация йўналиши: назарий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: XX аср иккинчи ярми ўзбек дostonчилигининг тараққиёт тамойиллари, шаклий-услубий ўзига хослиги, жанрий такомил ва бадий-эстетик хусусиятларини илмий баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XX аср иккинчи ярми ўзбек дostonчилиги поэтик структурасидаги сифат ўзгаришлари,

тараққиёт тамойилларини белгиловчи халқ оғзаки ижоди услуби, ўзбек мумтоз адабиёти анъаналари, жаҳон адабиётининг бадиий-эстетик тажрибасидан иборат омиллар аниқланган;

ўзбек ва жаҳон адабиётшунослигидаги поэма жанрига оид илмий изланишлардаги фикрлар, жанр тараққиёти концепциялари, поэма таснифи ҳақидаги қарашлар умумлаштирилиб, ўзбек дostonларининг таркибий кўринишларини гуруҳлаш такомиллаштирилган;

XX асрнинг 50-йилларидан янги аср бошларигача бўлган даврда яратилган дostonларнинг муштарак ва ўзига хос жиҳатлари, анъанавий халқ ва мумтоз дostonчилик йўналишидаги асарларнинг табиати, бадиий-композицион хусусиятлари очиб берилган;

мустақиллик даври дostonлари мазмунининг ижтимоий-сиёсий жараёнлар, халқ руҳияти ва дунёқарашидаги ўзгаришлар, миллий истиқлол ғояси билан йўғрилганлиги ёрқин мисоллар асосида кўрсатиб берилган;

эртак, афсона ва ривоят асосига қурилган дostonлар даврининг долзарб ғояларини очиб беришда ифода воситаси сифатида хизмат қилганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

XX аср иккинчи ярми ўзбек дostonчилиги тараққиётига хос хусусиятларни очиб бериш жараёнида маънавий-маърифий тизимни такомиллаштириш бўйича белгиланган тадбирлар асосида:

адабий жараён такомилли билан боғлиқ қарашлар, истиқлол даври ўзбек дostonларига хос хусусиятларни ёритишда А-2-175 рақамли «Ҳозирги адабий жараён. Мустақиллик даври ўзбек шеърини тараққиётда анъана ва ворисийлик» (2006–2008) мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳасида (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг ФТК-03-13/942-сон маълумотномаси) фойдаланилган. Илмий натижанинг қўлланилиши истиқлол даври ўзбек дostonчилигининг етакчи концепциясини илмий баҳолаш имконини берган;

замонавий дoston жанри структурасидаги сифат ўзгаришлари; миф, эртак, афсона ва ривоят асосига қурилган дostonларнинг хусусиятлари Ф1-ХТ-0-19919 рақамли «Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётда тутган ўрни» (2007–2011) мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасининг «Ҳозирги давр ўзбек адабиёти ва мифология» қисми (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг ФТК-0313/327-сон хати)ни тайёрлашда қўлланилган. Илмий натижанинг амалиётга татбиқ этилиши XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек дostonчилиги тараққиётда фольклоризм мустабид тузум исқанжасидаги миллат қалбида яшириниб ётган дардларни акс эттиришда, эркак интилиш, Ватанни озод ва мустақил кўриш каби даврининг долзарб ғояларини очиб беришда қулай ифода воситаси сифатида хизмат қилганлигини ёритишда муҳим асос бўлади;

ўзбек адабиётшунослигида илк бор яратилган «Жаҳон адабиёти атамаларининг изоҳли луғати»да аналитик фольклоризм, дoston, модернизм, параллелизм, пафос, поэма, поэтика, поэтик синтаксис, семиотика, стилизация, синкретизм, фольклоризм, эллипсис, эпос каби йигирмадан ортиқ илмий тушунча ва атамаларнинг маъноси изоҳлаб берилган. Мазкур луғат ўзбек тилида жаҳон адабиёти ва адабиётшунослигига алоқадор терминларни тўғри қўллаш, уларнинг барқарорлигини таъминлаш учун хизмат қилади.

Омонов Қудратулла Шарипович. «Туркий расмий услубнинг юзага келиши ва такомилли (илк ва ўрта асрлар)». 10.00.05–Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти ихтисослиги бўйича (филология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Fil245.

Илмий маслаҳатчи: Содиков Қосимжон Позирович, филология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат шарқшунослик институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 16.07.2013.Fil.09.01.

Расмий оппонентлар: Ҳ.Дадабоев, филология фанлари доктори, профессор; Б.Пери, Будапешт Этвош Лоран университети профессори (Венгрия), филология фанлари доктори; С.Аширбоев, филология фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Фарғона давлат университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: туркий тиллар тарихида расмий услубнинг шаклланиши ва ҳужжатчиликнинг тараққиёт босқичларини аниқлаш ҳамда ҳужжат турлари, тузилиши, компонентлари ва тил бирликлари танланишининг ўзига хос хусусиятларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбек давлатчилиги тарихида расмий услубнинг шаклланиши ва қадимги туркий ёзма адабий тил ривожигадаги фундаментал ўрни исботланган;

ҳужжатчиликнинг такомил босқичлари ва ҳар бир давр ҳужжатчилигининг лингвостилистикаси асосланган;

девон-маҳқама идоралари ва нотариал муносабатлардаги ҳужжат турлари аниқланган ҳамда илк ва ўрта асрлар иш юритиш амалиётида ҳужжатларнинг қўлланиш доираси далиллаб берилган;

тил бирликларининг расмий услуб талабларига мувофиқ танланиши, ҳужжатлар тилининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда расмий матнларда қўлланган канцеляризм ва формулярларнинг генезиси исботланган;

ҳужжатларни расмийлаштириш ва ҳужжат матни ҳақиқийлигини таъминловчи унсурларга оидлик киритилган ҳамда уларнинг тузилиши ва матн компонентлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Илк ва ўрта асрларда яратилган туркий ҳужжатларнинг тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида:

Исломга қадар бўлган туркий ҳужжатларнинг тарихий-филологик тавсифи ва матншунослиги ечимлари ОТФ 8-145 «Марказий Осиёнинг Исломга қадар ёзувлари, ёзув маданияти ва ёзма ёдгорликлар матншунослиги» (2007–2011) мавзудаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасида энг қадимги ҳужжат турларини асослашда, шунингдек, қорахонийлар даври деҳқончилигини акс эттирувчи васиқалардан А-1–190 «Марказий Осиёнинг қадимги туркий халқларида деҳқончилик ва шаҳарчилик маданияти (XI–XIV асрлар ёзма манбалари асосида)» (2015–2017) мавзусидаги амалий лойиҳада, ўрта асрлар деҳқончилик ҳўжалигида ерни ижарага бериш ва ижара шартларини ёритиб беришда ҳамда расмий услубда тил бирликларининг танланиш хусусиятлари Ф-1–135 «Алишер Навоий асарлари конкордансининг илмий-услубий тадқиқи» (2012–2016) мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида эски ўзбек тили тарихида амалда бўлган ёзма услублар, уларнинг лексик ва грамматик ўлчовларини исботлашда фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2016 йил 2 мартдаги ФТК-03-13/139-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши илк ва ўрта асрлар Марказий Осиё давлатларидаги тил вазияти ва туркий, хусусан, эски ўзбек тилининг иш юритишдаги мавқеини аниқлаш имконини берган;

темурийлар даври ҳужжатчилиги тўғрисидаги муаммолар ечимлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 9 январдаги 7-сон баёни қарори ижроси юзасидан Темурийлар тарихи давлат музейида ташкил этилган «Музей хазинасидаги нодир қўлёзмалар» мавзусидаги экспозицияда Абу Саиднинг оқ қўюнлилар ҳукмдори Узун Ҳасанга йўллаган мактуби, Шоҳруҳ Мирознинг суюрғол нишони ва Умаршайх Мирзонинг марғилонлик Мир Саид Аҳмад номига берган васиқаси ва тарихий-филологик талқинларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2016 йил 30 майдаги 3/1255-734-сон маълумотномаси). Экспозицияда илмий натижанинг қўлланилиши XIV–XVI асрларда эски ўзбек адабий тилининг Моворауннаҳр ва Хуросонда давлат тили вазифасида амал қилганлигини аниқ баҳолаш имконини берган.

Халлиева Гулноз Искандаровна. «XX аср рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқи» 10.00.06–Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик ихтисослиги бўйича (филология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 12.05.2015 / В 2015.1.Fil 325.

Илмий маслаҳатчи: И.Ч.Ҳаққулов, филология фанлари доктори.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети. ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 16.07.2013.Fil.09.01.

Расмий оппонентлар: М.С.Имомназаров, филология фанлари доктори, профессор;

Д.И.Салоҳий, филология фанлари доктори, профессор; Б.Н.Каримов, филология фанлари доктори.

Етакчи ташкилот номи: Шарқ қўлёзмалари институти (Санкт-Петербург).

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: XX аср рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқини маданий-адабий, тарихий-ижтимоий жараёнлар билан боғлиқликда қиёсий жиҳатдан очиб бериш ва рус олимларининг адабий-эстетик қарашларини объектив баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиётига қизиқиш ва илмий ёндашувнинг шаклланиш босқичлари илк бор қиёсий адабиётшуносликнинг янги йўналиши – микрокомпаративистика методологияси асосида очиб берилган;

биринчи марта эдицион тадқиқ ва бадиий матн таҳлили хусусияти ижтимоий-синкретик, компаративистик ва структур-семантик йўналишдаги илмий изланишлар замида ёритилган;

ўзбек мумтоз шоирларининг дунё адабиёти ривож ва такомилга, шарқона ижтимоий-адабий тафаккур, лирик жанрлар тараққиёти, образ яратиш ва санъаткорлик маҳорати кабилар юзасидан қўшган ҳиссаси ҳақидаги рус шарқшуносларининг адабий-эстетик қарашлари илк бор архив материаллари билан асосланган;

ўзбек мумтоз адабиётига оид чоп этилган ва илмий доирага киритилмаган муайян манбаларнинг маданий-адабий, ижтимоий ва коммуникатив моҳияти илк бор маданиятлараро мулоқот ва рецепция ракурсида очиб берилган;

XX аср рус шарқшунослигидаги айрим таржима, талқин, тақриз ва умумий назарий хулосаларидаги фактик-матний нуқсонлар биринчи марта архив манбалари асосида объектив баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон Фармонида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида Алишер Навоий номидаги адабиёт музейида ташкил этилган «Алишер Навоий ва жаҳон» номли экспозицияда диссертация илмий натижаларидан фойдаланилган. Жумладан, Навоий ижодининг рус шарқшунослигида ўрганилиши билан боғлиқ муҳим архив ҳужжатлари, 152-фонд материаллари ва диссертантнинг илмий-назарий қарашлари биринчи марта тақдимот қилинган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2016 йил 26 майдаги 3/1255-723-сон маълумотномаси). Экспозицияда илмий натижанинг қўлланилиши жаҳон навоийшунослигининг янги қирраларини баҳолаш имконини берган;

тадқиқот давомида ишлаб чиқилган, асосланган ва такомиллаштирилган методика ва усуллар тизими Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёти институтида бажарилган ФА-Ф1-ГО39 рақамли «Алишер Навоий» ва «Абдулла Қодирий қомусларини яратиш» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасининг рус шарқшунослари билан боғлиқ қисмига татбиқ қилинган. Жумладан, «Алишер Навоий» қомусидаги М.Никитский, А.Н.Самойлович, Е.Э.Бертельс, А.К.Боровков, С.А.Волин, Б.А.Вадецкий каби рус олимлари ҳақидаги маълумотлар диссертация натижалари асосида ёритилган (ФТКнинг 02.03.2016 йилдаги № 03-13/138-сонли маълумотномаси). Натижада «Алишер Навоий» қомуси шоир ҳақидаги илм аҳлига номаълум материаллар билан бойитилган;

диссертантнинг таҳрир, таҳлил, талқин, таржима, қиёс, баҳо, эдиция, онлайн поэзия каби адабиётлараро мулоқот билан боғлиқ назарий хулосалари Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиде бажарилган ИТД-1-119 рақамли «Ўзбек адабиёти антологиясини инглиз тилига таржима қилиш ва адабиётлараро коммуникация муаммолари» мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳасига жорий қилинган (ФТКнинг 02.03.2016 йилдаги № 03-13/138-сонли маълумотномаси). Таклиф қилинган тавсия ва хулосалар адабиёт соҳасидаги халқаро адабий алоқалар тараққиётига хизмат қилган.

Турдиева Ойдин Зафардиновна. «Замонавий эрон ҳикоянавислигининг ғоявий-эстетик хусусиятлари ва жанр динамикаси», 10.00.05–Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти ихтисослиги бўйича (филология фанлари).

Илмий маслаҳатчи: Маннонов Абдурахим Муталович, филология фанлари доктори, профессор.

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 28.04.2016/В2016.2.Fil32

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат шарқшунослик институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 16.07.2013.Fil.09.01.

Расмий оппонентлар: Р.Иномхўжаев, филология фанлари доктори, профессор; Ҳ.Ҳомидий, филология фанлари доктори, профессор; Д.Салоҳий, филология фанлари доктори.

Етакчи ташкилот номи: Жиззах давлат педагогика институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: ҳозирги замон эрон ҳикоячилигининг ривожланиш динамикаси ва ғоявий-эстетик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳозирги замон эрон адабиётида ҳикоя жанрининг вужудга келиши ва шаклланиши асосланган;

ижодий таъсир, анъана ва новаторлик, ҳикояларнинг олдинги босқичларда ёзилган ҳикоялар анъаналарига ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлари исботланган;

эрон ҳикоянавислигида воқеликни тасвир этишнинг XX асрда энг муҳим ва долзарб ҳисобланган реалистик ва модернистик йўналишлардаги бадиий методларининг алоҳида ёзувчилар ижодида акс этиши далилланган;

эрон замонавий ҳикоясининг XXI аср бошида бадиий-эстетик жиҳатдан турланиши ва қисқа ҳикоя (کناتساد ای هاتوک هاتوک ناتساد) жанрининг хусусиятлари асосланган;

эрон болалар адабиётининг юксалишида ҳикоянависликнинг ўрни ва болалар мавзусида ёзилган ҳикояларнинг тарбиявий-маърифий моҳияти асосланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Ҳозирги замон эрон ҳикоянавислигининг ғоявий-эстетик хусусиятлари ва жанр динамикасига оид олинган натижалар асосида:

форс ва ўзбек ҳикоянавислигининг муштарак жиҳатларига оид илмий-назарий қарашларидан ФА-Ф1-Г040 «Ўзбек адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида: типология ва адабий таъсир» номли фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган. Таклиф қилинган қарашлар адабий таъсир ва қиёсий-типологик таҳлил ривожига хизмат қилган;

эрон адабиётида ҳикоя жанрининг шаклланиши ва ривожини, анъана ва новаторлик, иждоий таъсир масалалари билан боғлиқ назарий хулосалар Ф-1-139 «Шарқ мамлакатлари адабиёти ва жанрлар типологияси» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида эрон ҳикоясининг вужудга келиш ва тараққиёт омилларини асослашда фойдаланилган. Хулосаларнинг жорий этилиши шарқ мамлакатлари адабиётини янги материаллар билан бойитган;

давр ёзувчиларининг бадиий маҳоратига тааллуқли мулоҳазалари А-1-180 «Таржима ва маданиятлараро мулоқот масалаларига оид ўқув қўлланмалари яратиш» мавзусидаги илмий-амалий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган. Мазкур мулоҳазалар ҳозирги замон ўзбек ва форс ҳикояларининг ўзига хос хусусиятлари, уларда илгари сурилган ғоялар, мавзулар кўлами, сюжет ва композицион қурилишини асослаш имконини берган.

Палуанова Халифа Дарибаевна. «Инглиз, ўзбек, рус ва қорақалпоқ, тилларида экологик терминларнинг деривацион-семантик принциплари», 10.00.06–Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик ихтисослиги бўйича (филология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.Fil263.

Илмий маслаҳатчи: Боқиева Гуландом Ҳисомовна, филология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 16.07.2013.Fil.09.01.

Расмий оппонентлар: И.А.Сиддиқова, филология фанлари доктори; С.Х.Мухаммедова, филология фанлари доктори; Ғ.М.Хошимов, филология фанлари доктори.

Етакчи ташкилот номи: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик

Тадқиқотнинг мақсади: ўзбек, қорақалпоқ, инглиз ва рус тилларидаги экологик терминларнинг синтактик-, лексик-, семантик- ва номинатив-деривацион хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ўзбек, қорақалпоқ, инглиз ва рус тилларидаги экологик терминларнинг деривацион тамойиллари аниқланган;

ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги экологик терминларнинг белгилари, дискурда прагмалингвистик воқеаланиши ва тарихий шаклланиши илмий асосланган;

мустақил терминологик тизим сифатида турли тизимли тиллардаги экологик терминларнинг лексик, синтактик, семантик ва номинатив-деривацион хусусиятлари очиб берилган;

экологик терминларнинг ўзбек, қорақалпоқ, инглиз ва рус тилларига ўзлашган қатламининг миқдорий кўрсаткичи аниқланган;

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Турли тизимли тилларда экологик терминларнинг шаклланиш ва ривожланиши, деривацион хусусиятларини тадқиқ қилиш жараёнида ишлаб чиқилган қиёсий типологик таклифлар асосида:

турли тизимли тилларда экологик терминлар «Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси)» ҳамда «Хорижий тил ва адабиёти (роман-герман филологияси)» бакалавр таълим йўналишларида «Умумий тилшунослик», «Чет тили амалий курси», «Тил назарияси», «Қиёсий типология ва таржима назарияси» фанлари бўйича узвийлаштирилган Давлат таълим стандарти (O'zStandart Давлат агентлигида 2014 йил 18 сентябрда O'zDSt 36.1410:2014 №05-573 қайд рақами билан рўйхатга олинган) мазмунига сингдирилган. Таклиф этилган материаллар сўз яшаш моделлари асосида экологик лексика ҳосил қила олиш усулларини кенг кўламдаги байналмилал экологик терминларни фарқлаш ва уларни ўзбек, қорақалпоқ, инглиз ва рус тилларида таққослаш хусусиятларини очиб беришга хизмат қилган;

тилшуносликда экологик терминлар «Лингвистика (роман-герман филологияси)» ҳамда «Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)» магистратура таълим йўналишларида «Асосий чет тили», «Қиёсий тилшуносликнинг замонавий йўналишлари», «Касбга йўналтирилган инглиз тили» фанлари бўйича узвийлаштирилган Давлат таълим стандарти (O'zStandart Давлат агентлигида 2014 йил 8 июлда O'zDSt 36.1033:2014 №05-557-қайд рақами билан рўйхатга олинган) мазмунига сингдирилган. Турли тизимли тилларда экологик соҳага тааллуқли матнларни англаш, экологик терминларни матнда қўллашнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиш орқали сўз ва терминлар маъносини таҳлил қилиш стратегиялари ва босқичларини ва соҳага оид терминларни қўллай олиш ва таржима қилиш усулларини ёритиб бера олган;

тилшунослик ва экологиянинг интеграциялашуви борасидаги таклифлар ИОТ-2016-1-15 «Экология ва табиатни муҳофаза қилиш фанидан рус ва ўзбек тилларида электрон дарслик яратиш» (2016) мавзусидаги инновацион лойиҳа ишида фойдаланилган. Таклиф этилган материаллар табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар, унинг ривожланиши ҳақида билимлар, инсоннинг атроф муҳитга муносабатини белгиловчи мезонлар талқинини ўзбек ва рус тилларида ёритиб беришга хизмат қилган.

Джуманова Дилбар Рахимовна. «Сўзнинг тил алоқа жараёнидаги фонологик модели», 10.00.06–Қиёсий тилшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик (филология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: № 30.09.2014/В2014.5.Fil.223.

Илмий маслаҳатчи: Боқиева Гуландом Хисамовна, филология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети, 16.07.2013.Fil.09.01.

Расмий оппонентлар: Дадабоев Ҳамидулла Арипович, филология фанлари доктори, профессор; Бакиров Поён Уралович, филология фанлари доктори; Хашимова Дильдархон Уринбаевна, педагогика фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Фарғона давлат университети.

Диссертация йўналиши: илмий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: лисоний мулоқот жараёнида жонли русча нутқдаги ўзбекча сўзларнинг фонологик моделини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

реалема тушунчаси ўзаро лисоний мулоқот жараёнида ўзбек тилидан жонли русча нутққа ўтиб турувчи ва ўзбекона турмуш тарзини, реалияларини ифодаловчи тил бирлиги сифатида аниқланган;

биллингварнинг жонли русча нутқда қўлланилувчи ўзбекча реалемалар тематик парадигмалар бўйича ва қўлланиш частотасига боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилган;

жонли русча нутқдаги ўзбек лексемаларининг товуш силсиласида ўзига хос кетма-кетлик тенденциялари мавжудлиги исботлаб берилган;

жонли русча нутқдаги ўзбекча реалемаларнинг фонологик моделлари аниқланган ва улардаги фонемаларнинг ифода усуллари белгиланган;

жонли русча нутқдаги ўзбекча реалемаларнинг акцентологик хусусиятлари ўзига хослиги билан ажралиб туриши ва жонли ўзбекча нутқдаги лексемаларнинг урғуси билан фарқланиши исботлаб берилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Лисоний мулоқот жараёнида сўзнинг фонологик модели бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар асосида:

бакалаврият таълим йўналишида («5120100–Филология ва тилларни ўқитиш (рус тили)») фонетика, лексикология, рус тили, қиёсий типология ва таржима назарияси фанлари бўйича узвийлаштирилган Давлат таълим стандарти (O'zDStandart Давлат агентлигида 2014 йил 10 октябрда O'zDSt 36.1550:2014 қайд рақами 05-580-сон қарори билан рўйхатга олинган) мазмунига сингдирилган. Таклиф этилган материаллар ўзбек тилидаги сўзларни рус тилида талаффуз қилиш нормалари асосида спецификасини тўғрилаш ва фонетик ва фонологик жиҳатдан тўғри талаффуз қилиш имконини берган;

ноэквивалент лексикани билиш ўзбек тилидан рус тилига самарали таржимага ёрдам беради ва унинг лингвомаданий моҳиятини очишга хизмат қилган. Магистратура («5A120102–Лингвистика (тиллар бўйича)») ихтисослиги бўйича рус тили хорижий тил ва маданияти муҳитида, лисоний мулоқот, қиёсий тилшуносликнинг замонавий йўналишлари фанлари бўйича узвийлаштирилган Давлат таълим стандарти (O'zDStandart Давлат агентлигида 2014 йил 27 августда O'zDSt 36.1211:2041 қайд рақами 05-567-сон қарори билан рўйхатга олинган) мазмунига сингдирилган. Таклиф этилган материаллар лисоний мулоқот жиҳатларини ва лингвомаданий моҳиятини ёритишга хизмат қилган;

ўзбек реалемалари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари «Қонун тилининг ўзбекча-русча-инглизча луғати»нинг А, Б, В, Д, М, Н, О, Т, У, Ш, Қ ҳарфларида ўз аксини топган, бу ўз ўрнида сўзни тўғри ифода этишга хизмат қилмоқда.



Юридик фанлар бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Исмаилова Гулноза Сайдиганиходжаевна. «Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини либераллаштиришнинг давлат-ҳуқуқий

йўналишлари», 12.00.02–Конституциявий ҳуқуқ, Маъмурий ҳуқуқ, Молия ва божхона ҳуқуқи (юридик фанлар бўйича).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 28.04.2016/В2016.2.Ү79.

Илмий маслаҳатчи: Азизхўжаев Алишер Аббосович, юридик фанлар доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, 16.07.2013. Таг.Ү. 30.01.

Расмий оппонентлар: Ў.Х.Мухамедов, юридик фанлар доктори, доцент; Е.Д.Кутибаева, юридик фанлар доктори, профессор; Х.Т.Маматов, юридик фанлар доктори.

Етакчи ташкилот номи: Тошкент давлат юридик университети.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари

фаолиятини либераллаштиришнинг давлат ҳуқуқий йўналишларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

худудда экологик вазиятни соғломлаштириш ва уни комплекс ривожлантириш бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатини кенгайтириш юзасидан такомиллашган ҳуқуқий механизм асосланган;

аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизминини марказлашган ҳолда ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва манзилли фойдаланиш асосида такомиллаштириш асослаб берилган;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш асосида улар фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилган ташкилий-ҳуқуқий механизм ишлаб чиқилган;

маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаш механизминини тартибга солишга оид ваколатларни самарали амалга ошириш механизми асосланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини либераллаштириш бўйича ишлаб чиқилган натижалар асосида:

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун 11-моддаси (Шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини ваколатлари) ҳамда 12-моддаси (Шаҳарчадаги, қишлоқдаги ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғинининг ваколатлари)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда Қонунга 20-модда (Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш) билан тўлдириш юзасидан таклифлар қонун лойиҳаси ишлаб чиқилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йил 21 январь 06/1-06/288-сон маълумотномаси). Илмий натижалар фуқаролар йиғинларининг ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтиришга хизмат қилди;

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун билан «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунга киритилган 25¹-моддани қўмита томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқишда ва киритишда таклифлардан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 19 июнь 06-07/334-сон маълумотномаси). Диссертация натижалари маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари ишининг самарадорлигига хизмат қилди;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2015 йил 22 июндаги КҚ-27-III-сонли Қарори билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қўмиталари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қабул қилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига маъқуллаш учун келиб тушган қонунларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги низомга ҳамда «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни такомиллаштиришда таклифлар ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 14 январь 06-18/23, 06-18/24 расмий хатлари). Бу маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ишини янада такомиллаштиришга имкон берди;

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғинининг жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссияси Намунавий низоми» лойиҳасини ишлаб чиқишда таклиф ва тавсиялардан фойдаланилган, ушбу таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги 274-сонли «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қароридан ўз аксини топган. Шунингдек, тадқиқотчи «Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар» Дастури ижросини таъминлаш мақсадида тузилган эксперт гуруҳининг аъзоси сифатида фаол иштирок этган (Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг 2016 йил 28 мартдаги 02-01/265-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар мавжуд камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, ҳисоботларни эшитиш устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш учун хизмат қилди.



Тиббиёт фанлари бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Азизов Баҳадир Садикович. «ОИВ/ОИТСли беморларда терининг бактериал зарарланиши», 14.00.11–Дерматология ва венерология (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам:

№ 30.09.2014/В2014.5.Tib409.

Илмий маслаҳатчи: Исмаилова Гули Аминджановна, тиббиёт фанлари доктори, профессор. Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент тиббиёт академияси.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент педиатрия тиббиёт институти, 16.07.2013.Tib.18.01.

Расмий оппонентлар: Бутов Юрий Сергеевич, тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси); Сабилов Улуғбек Юсуфханович, тиббиёт фанлари доктори; Арипова Тамарахон Уктамовна, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкilot номи: А.И.Евдокимов номидаги Москва давлат тиббиёт-стоматология университети.

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: ОИВ билан зарарланган, оппортунистик терининг бактериал касалликлари (пиодермиялар) аниқланган беморларда, этиопатогенетик механизмларни инобатга олган ҳолда профилактика ва даволаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ОИВ-инфекцияли беморларда патоген, шартли патоген ва сапрофит бактериялар штаммлари пиодермияларнинг кўзгатувчилиги исботланган;

ОИВ-инфекцияли беморларда тери микробиоценозининг миқдорий, сифатий ўзгаришлари ва пиодермияларнинг клиник белгиларини оғирлик даражаси орасида корреляция мавжудлиги аниқланган;

ОИВ-инфекцияси фонида кечувчи бирламчи ва иккиламчи пиодермияларда регулятор Т-лимфоцитларнинг: CD4+, CD8+, CD16+ функционал фаоллигининг кескин пасайиши фонида дисиммуноглобулинемия ва В-лимфоцитларнинг поликлонал фаоллиги ва лимфоцитлар активация маркерлари: CD25+, CD38+, CD95+ экспрессирловчи рецепторлар дисбаланси аниқланган;

пиодермияли ОИВ инфицирланган беморларда яллиғлантирувчи цитокинлар диспропорцияси турли клиник босқичларда ИЛ-1, ИЛ-8, ИЛ-18 ишлаб чиқарилиши ортининг (ОИВ-инфекциясининг босқичларига қараб кўпайиши 2,2-5,4 марта) намоён бўлиши ва яллиғланишга қарши ИЛ-10 цитокин ишлаб чиқарилишининг пасайиши (ОИВ-инфекциясининг II клиник босқичида 2,5 мартагача) касалликнинг авж олишига ва оғир даражасига ўтиб кетишига таъсир этиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

ОИВ-инфекцияли беморлардаги оппортунистик пиодермияларининг такомиллаштирилган даволаш усули юзасидан олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан: Республика тери-таносил касалликлари шифохонаси, Тошкент шаҳар тери-таносил касалликлари диспансери, Тошкент вилояти тери-таносил касалликлари диспансери, Вирусология илмий текшириш институти (ОИВ-инфицирланган беморларни даволаш бўлими) фаолиятига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 27 июлдаги 8н-д/44-сон ва 2016 йил 11 мартдаги 8н-з/49-сон маълумотномалари). Бу усул ОИВ/ОИТС пиодермияли беморлар терисининг микробиоценозини, ҳужайравий иммун тизими ва цитокин кўрсаткичларини меъёрга яқинлаштиришига ва беморларнинг стационарда бўлиш даврини 4,5 кунга қисқартириш имконини яратди.

Арипходжаева Гулнозахон Зайнитдиновна. «Сурункали вирусли гепатит С метаболик адаптация, даволаш самарадорлигининг патогенетик асослари», 14.00.10–Юқумли касалликлар (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: №30.09.2014/В2014.3-4.Tib40.

Илмий маслаҳатчи: Илхамджан Асамович Касимов, тиббиёт фанлари доктори, профессор. Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент педиатрия тиббиёт институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент тиббиёт академияси, 16.07.2013.Тib.17.02.

Расмий оппонентлар: Hubert Blum (Германия), тиббиёт фанлари доктори, профессор; Вильдан Хайруллаевич Фазылов, тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси); Эркин Исакович Мусабаев, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Вена тиббиёт университети (Австрия).

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: сурункали вирусли гепатит С да метаболик адаптация механизмларини аниқлаш ва даволашга ёндашувни оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали HCV-инфекцияда про- ва антиоксидант тизимларида дисбаланс ривожланиши (патологик жараённинг биохимик манифестацияси), касалликнинг клиник манзараси намоён бўлишидан олдин юзага келиши аниқланган;

сурункали вирусли гепатит С да вируснинг узоқ вақт симптомсиз персистенцияси асосида ҳужайра метаболик адаптациясининг индивидуал хусусиятлари очиб берилган;

илк бор сурункали кечувчи HCV-инфекцияда метаболик адаптация ривожланиш босқичларининг хусусиятлари ҳамда глутатион етишмовчилик ва ҳужайраларни энергетик метаболизмини ҳисобга олган ҳолда сурункали HCV-инфекцияда дифференциал даволаш тактикаси ишлаб чиқилган;

илк бор сурункали HCV-инфекцияда глутатионпероксидаза ва АТФ активлик даражасини инobatга олиб ҳужайра метаболик адаптация ҳолатини баҳолаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Сурункали гепатит С: метаболик адаптация, даволаш самарадорлигининг патогенетик асослари бўйича олинган натижалар «Сурункали гепатит С да патогенетик давони оптималлаштириш» номли услубий тавсиянома асосида соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Эпидемиология, микробиология, юқумли касалликлар илмий-текшириш институти клиникаси, 5-сон шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 10 апрель 2015 йилдаги 8Н-д/29-сонли маълумотномаси). Олинган натижалар патогенетик ва вирусга қарши даволашнинг оптимизациясига олиб келди, бу эса ўз навбатида ишга лаёқатсизлик муддатини, стационарда даволаниш муддатини 1,6 мартага қисқаришига олиб келди.

Шокирова Садоқатхон Мухамматсолиевна. «Ҳомиланинг бачадон ичи инфекцияланишида келиб чиқадиган асоратларни аниқлаш ва прогноз қилишни такомиллаштириш», 14.00.01–Акушерлик ва гинекология (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: № 30.09.2014/Б2014.3-4.Тib12.

Илмий маслаҳатчи: Аюпова Фарида Мирзаевна, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент педиатрия тиббиёт институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент педиатрия тиббиёт институти, 16.07.2013.Тib.18.01.

Расмий оппонентлар: Соловьева Алина Викторовна, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Султанов Саидазим Носирович, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Юлдашев Носир Мухамеджанович, биология фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: ФДК «Академик В.И.Кулаков номли акушерлик, гинекология ва перинатология илмий маркази» (Москва).

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: ҳомиланинг бачадон ичи инфекцияланиши юқори хавфи мавжуд ҳомиладорларни олиб бориш тактикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳомиланинг бачадон ичи инфекцияланиши хавфи мавжуд ҳомиладор аёлларда ангиогенез омилларининг пасайиши йўлдош етишмовчилигига олиб келиши исботланган;

пренатал инфекцияланиш юқори хавфи мавжуд ҳомиладорни кузатишда оптимал акушерлик тактикаси ишлаб чиқилган;

она-йўлдош-ҳомила тизими шаклланишидаги ангиогенез омиллари ишлаб

чиқарилишининг роли ва уларнинг фетоплацентар тизим томирларида гемодинамикасини доплерометрия усули билан биргаликда текширишнинг прогностик афзаллиги аниқланган; ҳомила ҳолати бузилишлари ва турли генезли йўлдош етишмовчиликларида фетоплацентар комплекс компенсатор-мослашув реакциясини фаоллаштиришда иммуномодуляторларга сезувчанлиги аниқланган ва даволаш афзаллиги асослаб берилган; антенатал инфекцияланиши хавфи мавжуд ҳомиладор аёлларни туғдириш усули ҳамда муддатларини белгилашга дифференциациялашган ёндашув таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Ҳомиланинг бачадон ичи инфекцияланишида келиб чиқадиган асоратларни аниқлаш ва прогноз қилишни такомиллаштириш юзасидан олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Андижон вилояти перинатал маркази, Андижон шаҳар 2-сонли туғруқ комплекси ва Андижон тумани тиббиёт бирлашмаси фаолиятига татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 25 январдаги 8н-3/37-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган «Прогнозлаш харитаси» турли хавф омиллари кўшилганда ҳомиланинг инфекцияланиш эҳтимоли балларда миқдорий баҳолаш имконини беради ҳамда ҳомиланинг бачадон ичи инфекцияланиши юқори хавфи мавжуд ҳомиладор аёлларни юритиш алгоритми ёрдамида (ҳомиладорликнинг 1, 2 ва 3 триместрларида) ҲИИ билан туғиладиган чақалоқлар сонини камайтиришга эришилди.

Абдуллаев Шерзод Сайдуллаевич. «Турли хилдаги нефропатияларда кардиоренал муносабатларни прогнозлаш ва ташхислаш ҳамда уларни коррекция қилиш йўллари», 14.00.05–Ички касалликлар (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.06.2015/В2015.2.Тиб.669.

Илмий маслаҳатчи: Даминов Ботир Тургунпулатович, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент тиббиёт академияси.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент тиббиёт академияси, 16.07.2013.Тиб.17.02.

Расмий оппонентлар: Kim Soon-Бае, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Маргус Лембер, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Хамраев Аброр Асрарович, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Fundación Jiménez Díaz илмий тадқиқот институти (Испания).

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: диабетик ва нодиабетик этиологияли сурункали буйрак касалликларида кардиоренал алоқалар бузилишига олиб келувчи хавф омилларини аниқлаш ҳамда уларни самарали даволаш йўллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор турли этиологияли СБК билан оғриган беморларда ЧҚГ, унинг турли геометрик моделларини шаклланишига олиб келувчи асосий хавф омиллари ва кардиоренал алоқалар бузилишларининг сабаблари аниқланган;

илк бор диабетик ва нодиабетик этиологияли АГ билан III босқичдаги СБК билан оғриган беморларда АБнинг суткалик профили кечишининг ўзига хослиги ҳамда чап қоринчанинг структур-функционал ҳолати ва буйракнинг функционал ҳолатидаги бузилишлар аниқланган;

СБК билан оғриган беморларда микроальбуминурия ва КФТни аниқлаш орқали нефропатия ривожланишининг патогенетик жиҳатдан протеинурик ва нопротеинурик зарарланиш йўллари исботланган;

турли этиологияли СБКни комплекс даволашда ангиотензин II рецептори блокатори бўлмиш эпросартаннинг кальций каналлари блокатори лерканидипинга нисбатан кўпроқ нефропротектив ва антиремоделлашув таъсирга эга эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

СБК III даражаси билан оғриган турли этиологияли нефропатияли беморларда кардиоренал муносабатларни эрта ташхислаш (суткалик АБ мониторинги, эхокардио-график текширувлар, буйрак дисфункцияси кўрсаткичлари), юрак қон-томир асоратларини аниқлаш ва даволаш бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси ва Республика нефрология маркази клиникасига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 24 майдаги 8Д-з/68-сон маълумотномаси).

Бунда СБК билан оғриган беморларда юрак қон-томир асоратларини башорат қилиш, эрта ташхислаш, даволаш имкони яратилди ҳамда беморларнинг шифохонада даволаниш кунини 20–30%га қисқартиришга, диализгача бўлган даврини узайтиришга ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга эришилди.

Мавлянов Фарход Шавкатович. «Болалардаги обструктив уропатияларни даволашда қўлланилган реконструктив операциялардан кейин буйраклар функционал ҳолатини прогнозлаш», 14.00.35–Болалар хирургияси (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/Б2014.3-4.Тиб.295.

Илмий маслаҳатчи: Ахмедов Юсуфжон Махмудович, тиббиёт фанлар доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Самарқанд давлат тиббиёт институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Тошкент педиатрия тиббиёт институти, 16.07.2013.Тиб.18.01.

Расмий оппонентлар: Поддубный Игорь Витальевич, тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси); Салимов Шавкат Тешаевич, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Эргашев Бахтиер Бердиалиевич, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Дипломдан кейинги таълим Россия медицина академияси (Россия Федерацияси).

Диссертация йўналиши: илмий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: болалардаги обструктив уропатияларни диагностика ва даволаш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жом-сийдик найи бурчаги физиологик ҳолатани тиклаш йўли билан юқори сийдик йўлларида уродинамикани яхшилаш имконини берувчи болалардаги туғма гидронефрозда жом-сийдик найи сегментини пластика қилиш усули ишлаб чиқилган;

обструктив уропатияларнинг барча турларида сийдикдаги интрелейкин–10 ва TGF-β миқдорларининг яққол кўпайиши нефросклероз ва яллиғланиш фаоллигининг иммунологик маркери эканлиги аниқланган;

обструктив уропатияларда буйраклар функцияси нефронларнинг патологик жараёнга жалб этилганлиги даражасига боғлиқлиги исботланган;

болалардаги туғма обструктив уропатияларнинг ривожланиши ва оқибатининг буйрак паренхимаси функциясининг сақланганлигига боғланган ҳолида прогнозлаш мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари.

тема «Болалардаги обструктив уропатияларни даволашда қўлланилган реконструктив операциялардан кейин буйраклар функционал ҳолатини прогнозлаш» бўйича олинган илмий натижалар асосида:

болалардаги туғма гидронефрозда жом-сийдик найи сегментини пластика қилиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP № 02820). Мазкур илмий натижа жом-сийдик найи бурчаги физиологик ҳолатани тиклаш йўли билан юқори сийдик йўлларида уродинамикани яхшилаш имконини беради;

болалардаги обструктив уропатияларни даволашда қўлланилган реконструктив операциялардан кейин буйраклар функционал ҳолатини прогнозлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан: Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали ва Наманган вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази фаолиятига татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 15 мартдаги 8н-3/51-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар туғма обструктив уропатияларни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш, вазоренал гипертензия ва сурункали буйрак етишмовчилиги каби асоратлар частотасини камайтириш, эрта ногиронликнинг олдини олиш, социал адаптация ҳамда ҳаёт тарзи сифатини яхшилаш, шифохонада даволаниш муддатини 37% (7,4 кун) қисқартириш, дори-дармонларга муҳтожликни камайтириш имконини яратган.

Муратова Нигора Джураевна. «Репродуктив ёшдаги аёлларда бачадон миомасини даволаш тактикасини танлашга замонавий ёндашувлар», 14.00.01–Акушерлик ва гинекология (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/Б2014.3-4.Tib10.

Илмий маслаҳатчи: Зуфарова Шахноза Алимджановна, тиббиёт фанлари доктори, доцент.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент педиатрия тиббиёт институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент педиатрия тиббиёт институти, 16.07.2013.TIB.18.01.

Расмий оппонентлар: Леваков Сергей Александрович, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Пахомова Жанна Евгеньевна, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Арипова Тамарахон Уктамовна, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Академик В.И.Кулаков номидаги акушерлик, гинекология ва перинатология илмий маркази федерал давлат бюджет муассасаси (Россия Федерацияси).

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: миоматоз тугунлар ҳар хил турларининг ривожланишида бошқарувчан иммун механизмлар кўрсаткичларини, уларнинг пролифератив фаоллигига боғлиқ ҳолда аниқлаш ва репродуктив ёшдаги аёлларда бачадон миомасини, аъзони сақловчи дифференциал даволаш ҳамда асоратлар профилактикаси тактикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

миоманинг пролифератив фаоллигига кўра яллиғланишга хос ва яллиғланишга қарши цитокинлар дисбаланси, эндотелиал ўсиш омили (VEGF) хусусиятлари аниқланган;

миоматоз жараён пролиферацияси хавфи, операциядан кейинги даврда эса тугунларнинг рецидив хавфи даражасини баҳолаш учун иммунологик маркерлар аниқланган;

миома ривожланишида трансформацияловчи TGF-β2 ўсиш омилнинг цитотоксик ва проапоптотик таъсири дозага боғлиқлиги исботланган;

доплерометрияда миоматоз тугунлар қон билан таъминланиши даражаси тугун турини аниқлаш ва даволаш самарадорлигини мониторинг қилиш учун маркер ҳисобланиши исботланган;

илк марта миоматоз тугунлар турига, аёлнинг ёшига, репродуктив функцияси ҳолатига, миоманинг клиник белгилари бор-йўқлигига боғлиқ ҳолда бачадон миомасини дифференциалланган индивидуал даволаш усули таклиф қилинган, миома симптомсиз кечаётган ёш аёлларда анъанавий кузатиш тактикасига қараганда фаол даволаш тактикаси самаралироқ эканлиги исботланган;

бачадон миомали беморларда уларнинг репродуктив фаолиятини тиклаш учун агонистлар (а-ГнРГ) ҳамда прогестерон рецепторларининг селектив модуляторларини қўллаган ҳолда аъзони сақловчи комплекс даволаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Репродуктив ёшдаги аёлларда бачадон миомасининг даволаш тактикасини танлашга замонавий ёндашув юзасидан олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Фарғона вилояти перинатал маркази ва Андижон вилояти перинатал маркази гинекологик бўлимлари фаолиятига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 4 декабрдаги 8н-3/25-сон маълумотномаси). Текшириш алгоритмининг амалиётга жорий этилиши радикал операциялар частотасини 30%га камайтириш, 80% ҳолатда репродуктив аъзони сақлаш ва 36,4% ҳолатда фертилликни тиклаш имкониятларини яратди.

Набиева Умида Пулатджановна. «В ва С сурункали вирусли гепатитларда аутоиммун ҳолатлар шаклланишининг иммунопатогенетик хусусиятлари», 14.00.36–Аллергология ва иммунология (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/Б2014.5.Tib529.

Илмий маслаҳатчи: Исмаилова Адолат Абдурахимовна, тиббиёт фанлари доктори.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Иммунология институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иммунология институти ва Тошкент тиббиёт академияси, 16.07.2013.Tib.16.01.

Расмий оппонентлар: С.Б.Калимолдаева тиббиёт фанлари доктори; С.Бабаходжаев тиббиёт фанлари доктори, профессор; Л.Н.Туйчиев тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Россия Федерал тиббий-биологик агентлиги, «Иммунология институти» давлат илмий маркази (Москва).

Диссертация йўналиши: амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: сурункали В ва С вирусли гепатитли беморларда аутоиммун ўзгаришлар шаклланиши ва ривожланиши иммунопатогенетик механизмларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор сурункали В ва С вирусли гепатитли беморларда тизимли ва тўқимали аутоиммун ҳолатлари учраши аниқланган;

вирусемияда организмнинг ички аъзоларига тўқимали аутоиммунизация ҳолатининг юқори даражаси аниқланган;

умумий ҳужайравий иммунотанқисликда цитотоксик лимфоцитлар ва В ҳужайралар томонидан гиперэргик реакция аниқланган;

иммунокомпетент ҳужайраларни апоптотик ўлими пасайишида вирусга қарши ҳимоя омиллари ва лимфоцитларнинг эрта фаоллашуви тасдиқланган;

илк бор СВГ беморларда аутоиммунизация жараёни ва иммунитетнинг гуморал, ҳужайравий ва номахсус бўғинлари орасида сезиларли ўзаро муносабатлари аниқланган;

аутоиммунизация ривожланишида вирусга қарши (ИФН- α) ва регулятор (ИЛ-10) цитокинлар миқдорининг пасайиши фонида яллиғланишга хос цитокинларнинг (ИЛ-6, ФНО- α , ИФН- γ) ишонарли ортиши аниқланган;

СВГ беморларда аутоиммун ўзгаришларни аниқлаш учун комплекс алгоритм ишлаб чиқилган ва иммунологик ташхислаш мезонлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

сурункали В ва С вирусли гепатитлардаги аутоиммун ўзгаришларни шаклланишини иммунопатогенетик аспекти бўйича тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан 1-юқумли касалликлар шифохонаси, ЎЗРЭМЮК клиникаси, Иммунология институтининг клиник бўлими ва «Иммуноген-тест» Илмий-диагностик маркази амалиётига татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 18 майдаги 8Д-3/60-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар ушбу патология билан касалланган беморларни ижтимоий адаптацияси ва ҳаёт тарзи сифатини оширган, ўтказилаётган терапевтик муолажалар самарадорлигини 28% оширган ҳамда сурункали вирусли гепатитларда аутоиммун ўзгаришлар ташхисини такомиллаштириб, стационарда даволанишга ажратиладиган давлат бюджет маблағларини 30%га иқтисод қилиш имконини яратган.



Ветеринария фанлари бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

Элмуродов Бозорбой Актамович. «Бузоқ ва қўзиларнинг аралаш бактериал касалликларининг патоморфологик диагностикаси ҳамда қарши кураш

чораларини ишлаб чиқиш», 16.00.02 (ветеринария фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: 30.09.2014/В2014.5.V.21.

Илмий маслаҳатчи: Ибодуллаев Фатхулло Ибодуллаевич, ветеринария фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ветеринария илмий-тадқиқот институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий-тадқиқот институти, 16.07.2013Qx/V25.01.

Расмий оппонентлар: Дилмуродов Насриддин Бабақулович, ветеринария фанлари доктори; Илясов Азиз Саидмуродович, биология фанлари доктори; Тешаев Шухрат Жумаевич, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот номи: Самарқанд давлат тиббиёт институти.

Диссертация йўналиши: назарий ва амалий аҳамиятга молик.

Тадқиқотнинг мақсади: чорва ҳайвонлари орасида кенг тарқалган колибактериоз, сальмонеллез ва пастереллез касалликларини аралаш ҳолда учрашини аниқлаш, ташхис қўйиш, даволаш ҳамда олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор республикамиз қишлоқ хўжалиги ҳайвонларида турли хил қўзғатувчиларни аралаш ҳолда кечиши, тарқалиши, эпизоотик ҳолати ҳамда табиий шароитда касалланиши аниқланган;

ҳар бир касалликнинг клиник белгилари, патологоанатомик ва патогистологик ўзгаришлари ҳамда бактериологик текшириш натижалари аниқланган;

бузоқлар ва қўзиларда аралаш бактериал касалликларга ўз вақтида ташхис қўйиш ҳамда дефференциал диагностикаси ишлаб чиқилган;

колибактериоз, сальмонеллез ва пастереллез касалликларини биргаликда, бир вақтнинг ўзида даволаш услуби яратилган;

бузоқ ва қўзиларда аралаш бактериал (пастереллез ва диплококкоз) касалликларнинг олдини олиш натижалари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган илмий натижалари:

Чорва ҳайвонларининг аралаш бактериал касалликларининг патоморфологик диагностикаси ҳамда қарши кураш бўйича ишлаб чиқилган натижалар асосида:

қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг пастереллез касаллигига қарши ГОА формол вакцина ва қўйларнинг диплококкозининг махсус профилактикаси учун инактивацияланган кўп валентли вакцина ишлаб чиқиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг иккита ихтирога патент олинган (№IAP 04097 ва №IAP 2013 0015);

қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг пастереллез касаллигига қарши гидроокисалюминли формол вакцинани ва чорва ҳайвонларини колибактериоз, сальмонеллез ҳамда пастереллез касалликларига қарши гипериммун қон зардобини чорва ҳайвонларига қарши қўллаш бўйича гувоҳнома олинган (Давлат ветеринария бош бошқармасининг 03.05.2016 й., №48-4-719-сон маълумотномаси);

чорва ҳайвонларини колибактериоз, сальмонеллез ва пастереллез касалликларини даволаш учун мазкур касалликларга қарши гипериммун қон зардоби, ушбу касалликларни олдини олувчи вакциналар 2010–2015 йиллар давомида Қашқадарё, Навоий ва Самарқанд вилоятлари чорвачилик хўжаликларида қўлланилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 05.05.2016й., 02/12-638-сон маълумотномаси). Бактериал касалликларга патоморфологик тезкор ташхис қўйиш усули қўлланилиши, даволаш ва қарши кураш чораларининг яхшиланиши ҳисобига бузоқ ва қўзиларнинг мазкур касалликлар билан зарарланиш даражаси 1,5–2,0 мартага камайган, йиллик иқтисодий самара 122 млн. сўмни ташкил этган.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказиш йўналишида фаолият олиб бораётган мутахассислар ҳамда катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчилар диққатига!



низом, Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом, Эксперт кенгаши тўғрисидаги низом).

ОАК низомларининг янги таҳрири олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси сифатини янада ошириш, самарали фаолиятни рағбатлантириш, аттестация тадбирларини янада оптималлаштириш, ортиқча бюрократик жараёнларни ва асосиз муддатлар чўзилиб кетишига баргараф этишга хизмат қилади.

Китобча шаклида 1500 нусхада тайёрланган “Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом”, “Фан доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низом”, “Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом”, “Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом” ҳамда “Эксперт кенгаши тўғрисидаги низом”ни шартнома асосида ва яқка тартибда харид қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сон «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий ўқув юртдан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан олий ўқув юртдан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими шароитида орттирилган ва илғор хорижий тажрибаларни эътиборга олган ҳолда ОАК низомларининг янги таҳрири ишлаб чиқилиб, ўрнатилган тартибда ОАК Раёсатининг тегишли қарорлари билан тасдиқланди ва Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди (Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом, Фан доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низом, Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг низоми

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг низоми – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясининг йирик йўналишига оид тегишли комплекс тартиб-қоидалар белгилаб берилиб, ўрнатилган тартибда тасдиқланган ва давлат рўйхатидан ўтказилган ҳужжат.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом – фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашни тузиш, унинг фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш ҳамда мазкур илмий кенгашда докторлик диссертациялари ҳимоясини амалга оширишнинг тартиб-қоидалари яхлит ҳолда белгилаб берилган ҳужжат.

Фан доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низом – фан доктори илмий даражасини тасдиқлашнинг тўлақонли жараёнини ташкил этишнинг тартиб-қоидалари яхлит ҳолда белгилаб берилган ҳужжат.

Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом – профессор, катта илмий ходим ва доцент илмий унвонларини тасдиқлашнинг тўлақонли жараёнини ташкил этишнинг тартиб-қоидалари яхлит ҳолда белгилаб берилган ҳужжат.

Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом – малакавий имтиҳонларнинг тўлақонли жараёнини ташкил этишнинг тартиб-қоидалари яхлит ҳолда белгилаб берилган ҳужжат.

Эксперт кенгаши тўғрисидаги низом – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органининг эксперт кенгаши фаолиятини ташкил этишнинг тартиб-қоидалари яхлит ҳолда белгилаб берилган ҳужжат.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2016 йил
28 апрелдаги 224/8-сон қарори билан тасдиқланган¹

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2016 йил 3 июнда 2793 рақам билан рўйхатдан ўтказилган

Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги ПҚ-1533-сон «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сон «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ илмий унвонлар бериш тартибини белгилайди.



1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

илмий унвон – профессор, доцент ва катта илмий ходим илмий мақоми;
талабгор – илмий ва педагогик фаолият олиб бораётган ҳамда илмий унвон олишга даъвогар шахс;

аттестация – талабгорларнинг малакасини тизимли равишда аниқлаш жараёни;

аттестация йиғмажилди – мазкур Низом ва бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган талаблар асосида талабгорнинг илмий унвон олиши учун расмийлаштирилган ҳужжатлар тўплами;

илмий иш стажи – шахснинг меҳнат шартномаси (контракт) асосида илмий ходим лавозимида ишлаган ҳамда катта илмий ходим-изланувчилар институтида ўқиган муддати;

педагогик иш стажи – шахснинг меҳнат шартномаси (контракт) асосида олий таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларида педагог лавозимида ишлаган муддати;

ўқув адабиёти – муайян таълим тури, йўналиши ёки мутахассислигининг ўқув режасида белгиланган фанлар бўйича тегишли ўқув дастурлари асосида зарур билимлар мажмуаси келтирилган, ўзлаштириш услублари ёритилган (жумладан хорижий таржималари) манба;

профессор – тегишли малакавий ва аттестация талабларини бажарган ҳамда профессор илмий унвонига эга бўлган шахс;

доцент – тегишли малакавий ва аттестация талабларини бажарган ҳамда доцент илмий унвонига эга бўлган шахс;

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2016 йил 9 сентябрдаги 227/5-сон қарори билан низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 27 сентябрдаги 2793-1 рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

катта илмий ходим – тегишли малакавий ва аттестация талабларини бажарган ҳамда катта илмий ходим илмий унвонига эга бўлган шахс;

профессор, доцент ёки катта илмий ходим аттестати (бундан буён матнда аттестат деб юритилади) – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (бундан буён матнда ОАК деб юритилади) Раёсати қарори билан профессор, доцент ёки катта илмий ходим илмий унвонига эга бўлган шахсларга бериладиган давлат намунасидаги ҳужжат;

апелляция – илмий унвон бериш ёки илмий унвон беришни рад қилиш ёхуд ундан маҳрум этиш ёки уни тиклаш тўғрисидаги қарорлар юзасидан берилган шикоят тури.

2. Профессор, доцент ва катта илмий ходим илмий унвонлари ихтисослик бўйича берилади.

3. Профессор илмий унвони олий таълим ёки кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасалари (бундан буён матнда ОТМ деб юритилади) ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари ёки унга тенглаштирилган муассасалар ва ОТМнинг илмий-тадқиқот тузилмаларида (бундан буён матнда ИТМ деб юритилади), доцент илмий унвони ОТМда, катта илмий ходим илмий унвони ИТМда самарали илмий-педагогик ва илмий фаолият олиб бораётган, фаннинг муайян соҳасида чуқур касбий билим ҳамда ўз соҳасида муайян ютуқларга эришган юксак маънавиятли шахсларга берилади.

4. Катта илмий ходим илмий унвони ўз мақомига кўра доцент илмий унвонига тенглаштирилади.

5. Илмий унвон тегишли илмий даражага, магистр даражаси, магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот ёки олий ҳарбий таълим дипломига ёки олий маълумотли мутахассис дипломига эга бўлган шахсларга мазкур Низом талабларига мувофиқ ОТМ кенгашлари ёки ИТМ илмий (илмий-техникавий) кенгашлари (бундан буён матнда Кенгаш деб юритилади) тақдимномасига асосан, ОАК Раёсати қарори билан ОАК томонидан берилади. Тақдимнома талабгорнинг асосий иш жойидан берилади.

6. Илмий унвон берилган шахсларга аттестат берилади.

2-боб. Илмий унвон олиш учун қўйиладиган талаблар



1-§. Умумий талаблар

7. Қуйидаги умумий талабларни бажарган шахслар илмий унвонларга талабгор бўлишлари мумкин:

а) давлат грантлари, хўжалик шартномалари ёки бошқа илмий лойиҳалар доирасида илмий изланишлар олиб бораётган;

б) маънавий-маърифий ишларда самарали иштирок этаётган;

в) охириги 2 йил ичида олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимидаги аттестация жараёнида иштирок этган (тақризчи, илмий семинар, фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш, малакавий имтиҳонларни қабул қилиш комиссияси аъзоси, расмий оппонент ва шу каби шаклларда);

г) замонавий ўқитиш усуллари эгаллаган, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, маъруза курслари ва семинарларни юқори ўқув-услугий ва илмий савияда олиб бораётган (ОТМ мутахассислари учун).

8. Ижтимоий-гуманитар фанлар соҳаларида илмий унвонларга талабгорлар Мустақиллик мафкураси ҳамда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий негизлари ва илмий асослари фанидан махсус имтиҳон топширади.

9. Талабгор томонидан олиб борилаётган маъруза курслари, илмий ва ўқув-услугий ишлар илмий унвон бериш сўралаётган ихтисосликка мос бўлиши лозим.

10. Талабгор нашр эттирган дарсликлар, ўқув қўлланмалар ОТМнинг илмий-услубий кенгаши ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар томонидан, бошқа ўқув адабиётлари эса ОТМнинг илмий-услубий кенгаши томонидан педагогик амалиётда фойдаланишга тавсия этилган бўлиши керак.

Доцент ёки катта илмий ходим илмий унвонига талабгорнинг диссертация ҳимоясидан кейин, шунингдек профессор илмий унвонига талабгорнинг доцент ёки катта илмий ходим илмий унвонини олгандан кейин нашр эттирган илмий ва ўқув-услубий ишлари бўлиши шарт. Нашр қилинган ишлар бир марта эътиборга олинади.

«Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги» танлови республика босқичи ғолибининг фахрий дипломи нашр ишларига эга бўлиш бўйича талабларнинг бажарилганига тенглаштирилади.

11. Хорижий давлатларнинг олий аттестация органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб ва ишлаб турган чет эл фуқароларига берилган илмий унвонлар ҳақидаги ҳужжатлар нострификация қилинмайди. Хорижий давлатларда илмий унвон олган шахслар Ўзбекистон Республикасида мазкур Низом талаблари асосида илмий унвон олишлари мумкин.

2-§. ОТМ мутахассисларига профессор илмий унвонини бериш

12. Профессор илмий унвони умумий ва қуйидаги талабларни бажариб, ОТМда муваффақиятли фаолият кўрсатаётган мутахассисларга берилади:

а) фан доктори илмий даражасига эга бўлган;
 б) илмий унвонга эга бўлган;
 в) камида 10 йиллик педагогик ва илмий, жумладан ОТМда 5 йиллик педагогик иш стажига эга бўлган;

г) камида бир ўқув йили давомида ОТМнинг штатида кафедра мудири, профессор (вазифасини бажарувчи), олий ҳарбий таълим муассасаларида кафедра бошлиғи ўринбосари ёки кафедра бошлиғи лавозимларида ёки ушбу лавозимлардан бирида бир ўқув йили давомида камида 0,25 ставка ўқув юкмасини бажарган ҳолда педагогик фаолият олиб бораётган муассаса ректори (директори, бошлиғи), проректори (директор ўринбосари, бошлиқ ўринбосари), илмий котиби, ОТМнинг ўқув-ташкилий тузилмаси (факультет, бўлим) раҳбари лавозимларининг бирида муваффақиятли ишлаб келаётган (лавозимида ижобий ўзгариш бўлган ҳолларда аввалги лавозимида ишлаш муддати ҳам эътиборга олинади);

Ҳар бир таълим соҳаси бўйича номинацияларда 1-ўринни эгаллаган «Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги» танловининг республика босқичи ғолиблари 3 йил мобайнида тегишли лавозимда вазифани бажариб турувчининг бир йиллик муддатини ўтамасдан профессор илмий унвонини олиш учун ОАКга ҳужжатларини тақдим этиш ҳуқуқига эга;

д) илмий даража олган олий малакали мутахассисни тайёрлаган ёки 10 нафар магистратура талабаси ва 5 нафар бакалавриатура таълим йўналишининг битирувчи талабасига илмий раҳбарлик қилган (тиббийёт соҳасидаги талабгорлар учун илмий даража олган 3 нафар олий малакали мутахассисни тайёрлаган ва 5 нафар магистратура талабаси ёхуд давлат (номли) стипендиялар танловлари ёки халқаро, республика олимпиадалари ёки танловлари ғолибларини тайёрлаган);

е) диссертация ҳимоясидан кейин илмий ишлар, жумладан илмий журналларда камида 5 та мақола, шундан нуфузли хорижий илмий журналларда 2 та мақола чоп эттирган (тиббийёт соҳасидаги талабгорлар учун диссертация ҳимоясидан кейин илмий ишлар, жумладан илмий журналларда 10 та мақола, шундан нуфузли хорижий илмий журналларда 2 та мақола чоп эттирган);

ж) педагогик амалиётда фойдаланилаётган ўқув адабиётлари, жумладан диссер-

тация ҳимоясидан кейин таълим турларининг бирида фойдаланилаётган 1 та дарслик (ҳаммуаллифликда бўлган тақдирда 2 та) ёки ОТМ ўқув дастурларига мос келадиган 2 та ўқув қўлланма нашр эттирган (ўқув қўлланма етарли бўлмаганда белгиланган меъёрдан ташқари нашр эттирилган дарслик ҳам ўқув қўлланма сифатида қабул қилиниши мумкин), шунингдек тиббиёт соҳасидаги талабгорлар учун қўшимча равишда 1 та монография чоп эттирган.

13. Профессор илмий унвони, истисно тариқасида, умумий ва қуйидаги талабларни бажариб, ОТМда муваффақиятли фаолият кўрсатаётган мутахассисларга берилиши мумкин:

а) фан номзоди, хорижий давлатларда берилган фалсафа доктори (Ph.D) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражага эга бўлган;

б) илмий унвонга эга бўлган;

в) камида 10 йиллик педагогик ва илмий, жумладан ОТМда 5 йиллик педагогик иш стажига эга бўлган;

г) мазкур Низом 12-бандининг «г» кичик банди талабини бажарган;

д) илмий даража олган олий малакали мутахассис тайёрлаган ва камида 2 нафар магистратура талабасига илмий раҳбарлик қилган ёки 10 нафар магистратура талабаси билан бирга 5 нафар бакалавриатура таълим йўналишининг битирувчи талабасига илмий раҳбарлик қилган ёхуд давлат (номли) стипендиялар танловлари ёки халқаро, республика олимпиадалари ёки танловлари ғолибларини тайёрлаган (тиббиёт соҳасидаги талабгорлар учун илмий даража олган 3 нафар олий малакали мутахассисни тайёрлаган ва 5 нафар магистратура талабаси ёхуд давлат (номли) стипендиялар танловлари ёки халқаро, республика олимпиадалари ёки танловлари ғолибларини тайёрлаган);

е) диссертация ҳимоясидан кейин илмий ишлар, жумладан илмий журналларда камида 5 та илмий мақола, шундан нуфузли хорижий илмий журналларда 2 та илмий мақола ҳамда якка муаллифликда монография чоп эттирган;

ж) педагогик амалиётда фойдаланилаётган ўқув адабиётлари, жумладан диссертация ҳимоясидан кейин таълим турларининг бирида фойдаланилаётган 1 та дарслик (ҳаммуаллифликда бўлган тақдирда 2 та) ва ОТМ ўқув дастурларига мос келадиган якка муаллифликда 3 та ўқув қўлланма нашр эттирган (ўқув қўлланма етарли бўлмаганда белгиланган меъёрдан ташқари нашр эттирилган дарслик ҳам ўқув қўлланма сифатида қабул қилиниши мумкин).

14. Профессор илмий унвони истисно тариқасида, умумий ва қуйидаги талабларни бажариб, ОТМда маданият, санъат, архитектура, жисмоний тарбия ва спорт йўналишлари бўйича муваффақиятли фаолият кўрсатаётган илмий даражага эга бўлмаган мутахассисларга берилиши мумкин:

а) тегишли олий маълумотга эга бўлган;

б) илмий унвонга эга бўлган;

в) камида 10 йиллик педагогик ва илмий, жумладан ОТМда 5 йиллик педагогик иш стажига эга бўлган;

г) мазкур Низом 12-бандининг «г» кичик банди талабини бажарган;

д) давлат (номли) стипендиялар танловлари ёки халқаро, республика олимпиадалари ёки танловлари ғолибларини тайёрлаган;

е) илмий ва ижодий ишлари бўлган, жумладан илмий журналларда камида 10 та илмий мақола, шундан нуфузли хорижий илмий журналларда 2 та илмий мақола чоп эттирган;

ж) педагогик амалиётда фойдаланилаётган ўқув адабиётлари, жумладан ОТМ ўқув дастурларига мос келадиган 1 та дарслик (ҳаммуаллифликда бўлган тақдирда 2 та) ёки якка муаллифликда 3 та ўқув қўлланма нашр эттирган (ўқув қўлланма етарли бўлмаганда белгиланган меъёрдан ташқари нашр эттирилган дарслик ҳам ўқув қўлланма сифатида қабул қилиниши мумкин).

15. Профессор илмий унвони истисно тариқасида, қуйидаги талабларни бажарган мутахассисларга ҳам берилиши мумкин:

- а) камида икки ўқув йили давомида ОТМда педагогик фаолият кўрсатаётган;
- б) педагогик амалиётда фойдаланилаётган ўқув адабиёти (адабиётлари) бўлган;
- в) илмий мақолалар чоп эттирган;
- г) республика ва халқаро танловларда нуфузли ўринларни эгаллаган шогирдларни тайёрлаган;
- д) таълим ва амалиёт интеграциясини ривожлантиришга ва баркамол авлодни тарбиялаш ишларига салмоқли ҳисса қўшган;
- е) «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ёки «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган ёхуд Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари лауреати бўлган.

3-§. ИТМ мутахассисларига профессор илмий унвонини бериш

16. Профессор илмий унвони умумий ва қуйидаги талабларни бажариб, ИТМда муваффақиятли фаолият кўрсатаётган мутахассисларга берилади:

- а) фан доктори илмий даражасига эга бўлган;
- б) илмий унвонга эга бўлган;
- в) камида 10 йиллик илмий ва педагогик, жумладан ИТМда 5 йиллик илмий иш стажига эга бўлган;
- г) камида бир йил (тиббиёт соҳасидаги талабгорлар учун 3 йил) давомида ИТМнинг штатида давлат гранти раҳбари, илмий-ташкилий тузилма раҳбари, бош илмий ходим, етакчи илмий ходим лавозимларидан бирида ишлаб келаётган ёки ушбу лавозимларда камида 0,25 ставка илмий фаолият олиб бориб, ИТМ раҳбари, раҳбар ўринбосари, илмий котиби лавозимларидан бирида муваффақиятли ишлаётган (лавозимида ижобий ўзгариш бўлган ҳолларда аввалги лавозимида ишлаш муддати ҳам эътиборга олинади);
- д) камида 2 нафар илмий даража олган олий малакали мутахассис тайёрлаган ёки 1 нафар илмий даража олган олий малакали мутахассис ва камида 5 нафар магистратура талабаси ёхуд 10 нафар магистратура талабасига илмий раҳбарлик қилган ёки давлат (номли) стипендиялар танловлари ёхуд халқаро ёки республика олимпиадалари ёки танловлари ғолибларини тайёрлаган (тиббиёт соҳасидаги талабгорлар учун камида 3 нафар илмий даража олган олий малакали мутахассис тайёрлаган ва 5 нафар магистратура талабаси ёхуд клиник ординатура битирувчисига илмий раҳбарлик қилган ёки давлат (номли) стипендиялар танловлари ёхуд халқаро ёки республика олимпиадалари ёхуд танловлари ғолибларини тайёрлаган);
- е) диссертация ҳимоясидан кейин илмий ишлар, жумладан илмий журналларда камида 10 та илмий мақола, шундан нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола чоп эттирган ҳамда салмоқли илмий ва илмий-техник натижаларга эришган (монография ёки илмий рисолалар нашр эттирган ёхуд ихтироларга эга бўлган);
- ж) таълим жараёнида иштирок этаётган.

17. Профессор илмий унвони истисно тариқасида, умумий ва қуйидаги талабларни бажариб, ИТМда муваффақиятли фаолият кўрсатаётган мутахассисларга берилади:

- а) фан номзоди ёки хорижий давлатларда берилган фалсафа доктори (Ph.D) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражага эга бўлган;
- б) илмий унвонга эга бўлган;
- в) камида 10 йиллик илмий ва педагогик, жумладан ИТМда 5 йиллик илмий иш стажига эга бўлган;
- г) мазкур Низом 16-бандининг «г» кичик банди талабини бажарган;
- д) илмий даража олган олий малакали мутахассис тайёрлаган ёки 10 нафар магистратура талабасига илмий раҳбарлик қилган (тиббиёт соҳасидаги талабгорлар учун

камида 3 нафар илмий даража олган олий малакали мутахассис тайёрлаган ва 5 нафар магистратура талабаси ёхуд клиник ординатура битирувчисига илмий раҳбарлик қилган ёки давлат (номли) стипендиялар танловлари ёхуд халқаро ёки республика олимпиадалари ёхуд танловлари ғолибларини тайёрлаган);

е) диссертация ҳимоясидан кейин илмий ишлар, жумладан ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатидаги илмий журналларда камида 10 та илмий мақола, шундан нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола чоп эттирган ҳамда салмоқли илмий ва илмий-техник натижаларга эришган (монография ва илмий рисолалар нашр эттирган ёхуд ихтироларга эга бўлган);

ж) таълим жараёнида иштирок этаётган;

з) таълим турларининг бирида фойдаланилаётган 1 та дарслик (ҳаммуаллифликда бўлган тақдирда 2 та) ва ОТМ ўқув дастурларига мос келадиган 2 та ўқув қўлланма нашр эттирган (ўқув қўлланма етарли бўлмаганда белгиланган меъёрдан ташқари нашр эттирилган дарслик ҳам ўқув қўлланма сифатида қабул қилиниши мумкин).

18. Профессор илмий унвони истисно тариқасида, қуйидаги талабларни бажарган мутахассисларга ҳам берилиши мумкин (мазкур банд тиббиёт соҳасидаги талабгорларга нисбатан татбиқ этилмайди):

а) фан доктори ёки фан номзоди ёхуд хорижий давлатларда берилган фалсафа доктори (Ph.D) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражага эга бўлган;

б) камида 2 йил давомида ИТМда илмий фаолият кўрсатаётган;

в) диссертация ҳимоясидан кейин илмий ишлар, жумладан йирик илмий иш, монография чоп эттирган, илмий журналларда камида 10 та (шундан нуфузли хорижий журналларда 2 та) илмий мақола чоп эттирган;

г) педагогик амалиётда фойдаланилаётган ўқув адабиёти (адабиётлари) бўлган;

д) салмоқли илмий ва илмий-техник натижаларга эришган, жумладан олган илмий натижалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ёки вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорларида) татбиқ этилган;

е) таълим, фан ва амалиёт интеграциясини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш ва баркамол авлодни тарбиялашга салмоқли ҳисса қўшган.

4-§. ОТМ мутахассисларига доцент илмий унвонини бериш

19. Доцент илмий унвони умумий ва қуйидаги талабларни бажариб, ОТМда муваффақиятли фаолият кўрсатаётган мутахассисларга берилади:

а) фан доктори, фан номзоди, хорижий давлатларда берилган фалсафа доктори (Ph.D) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражага эга бўлган;

б) камида 5 йиллик педагогик ва илмий, жумладан ОТМда 3 йиллик педагогик иш стажига эга бўлган;

в) камида бир ўқув йили давомида ОТМнинг штатида кафедра мудири, профессор (вазифасини бажарувчи), доцент (вазифасини бажарувчи) ёки олий ҳарбий таълим муассасаларида катта ўқитувчи, кафедра бошлиғи ўринбосари ёки кафедра бошлиғи ёхуд мазкур лавозимларда бир ўқув йили давомида камида 0,25 ставка ўқув юкламасини бажарган ҳолда педагогик фаолият олиб бораётган муассаса ректори (директори, бошлиғи), проректори (директор ўринбосари, бошлиқ ўринбосари), илмий котиби, ОТМнинг ўқув-ташкилий тузилмаси (факультет, бўлим) раҳбари лавозимларининг бирида муваффақиятли ишлаб келаётган (лавозимида ижобий ўзгариш бўлган ҳолларда аввалги лавозимида ишлаш муддати ҳам эътиборга олинади);

Ҳар бир таълим соҳаси бўйича номинацияларда 1-ўринни эгаллаган «Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги» танловининг республика босқичи ғолиблари 3 йил мобайнида тегишли лавозимда вазифани бажариб турувчининг бир йиллик муддатини ўтамасдан доцент илмий унвонини олиш учун ОАКга ҳужжатларни тақдим этиш ҳуқуқига эга;

г) диссертация ҳимоясидан кейин илмий ишлар, жумладан илмий журналларда камида 3 та илмий мақола чоп эттирган (тиббиёт соҳасидаги талабгорлар учун диссертация ҳимоясидан кейин илмий ишлар, жумладан илмий журналларда 5 та илмий мақола, шундан нуфузли хорижий илмий журналларда 1 та мақола чоп эттирган);

д) педагогик амалиётда фойдаланилаётган ўқув адабиётлари, жумладан диссертация ҳимоясидан кейин ОТМ ўқув дастурларига мос келадиган ўқув ёки услубий қўлланма нашр эттирган, шунингдек тиббиёт соҳасидаги талабгорлар учун қўшимча равишда 1 та монография нашр эттирган;

ж) мутахассислик кафедрасида ишлаётган талабгор камида 2 нафар магистратура талабаси ёки 4 нафар бакалавриатура таълим йўналишининг битирувчи талабасига (тиббиёт соҳасидаги талабгорлар учун 5 нафар магистратура талабасига) илмий раҳбарлик қилган ёки давлат (номли) стипендиялар танловлари ёхуд халқаро ёки республика танловлари ёки мусобақаларининг ғолиблари ёки жамоа (жамоалари)ни тайёрлаган.

20. Доцент илмий унвони истисно тариқасида, мазкур Низомнинг умумий ва қуйидаги талабларни бажарган, илмий даражага эга бўлмаган юқори малакали мутахассисларга (маданият ва санъат назарияси ҳамда тарихи бўйича мутахассисликлар бундан мустасно) берилиши мумкин:

а) тегишли олий маълумотга эга бўлган;

б) камида 5 йиллик педагогик ва илмий, жумладан ОТМда 3 йиллик педагогик иш стажига эга бўлган;

в) мазкур Низом 19-бандининг «в» кичик банди талабини бажарган;

г) илмий-тадқиқот, ижодий ишлари бўлган, жумладан ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатидаги илмий журналларда камида 3 та илмий мақола чоп эттирган (тиббиёт соҳасидаги талабгорлар учун мазкур рўйхатдаги илмий журналларда камида 5 та илмий мақола, шундан нуфузли хорижий илмий журналларда 1 та мақола чоп эттирган);

д) педагогик амалиётда фойдаланилаётган ўқув адабиётлари, жумладан таълим турларининг бирида фойдаланилаётган 1 та дарслик (ҳаммуаллифликда бўлган тақдирда 2 та) (маданият, санъат, архитектура, спорт ва жисмоний тарбия йўналишлари бундан мустасно) ҳамда якка муаллифликда 1 та ўқув қўлланма нашр эттирган (ўқув қўлланма бўлмаганда белгиланган меъёрдан ташқари нашр эттирилган дарслик ҳам ўқув қўлланма сифатида қабул қилиниши мумкин), шунингдек тиббиёт соҳасидаги талабгорлар учун қўшимча равишда 1 та монография чоп эттирган;

е) мутахассислик кафедрасида ишлаётган талабгор камида 4 нафар бакалавриатура таълим йўналишининг битирувчи талабасига илмий раҳбарлик қилган ёки давлат (номли) стипендиялар танловлари ёхуд халқаро ёки республика олимпиадалари ёки танловлари ғолибларини ёки жамоа (жамоалари)ни тайёрлаган.

5-§. ИТМ мутахассисларига катта илмий ходим илмий унвонини бериш

21. Катта илмий ходим илмий унвони умумий ва қуйидаги талабларни бажарган мутахассисларга берилади:

а) фан доктори, фан номзоди, хорижий давлатларда берилган фалсафа доктори (Ph.D) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражага эга бўлган;

б) камида 5 йиллик илмий ва педагогик, жумладан ИТМда 3 йиллик (тиббиёт соҳасидаги талабгорлар учун 5 йиллик) илмий иш стажига эга бўлган;

в) камида бир йил (тиббиёт соҳасидаги талабгорлар учун 3 йил) давомида ИТМ-нинг штатида давлат гранти раҳбари, илмий-ташкилий тузилма раҳбари, бош илмий ходим, етакчи илмий ходим, катта илмий ходим лавозимларидан бирида ишлаб келаётган ёки ушбу лавозимларда камида 0,25 ставка илмий фаолият олиб бориб, ИТМ раҳбари, раҳбар ўринбосари, илмий котиби лавозимларидан бирида муваффақиятли ишлаётган (лавозимида ижобий ўзгариш бўлган ҳолларда аввалги лавозимида ишлаш муддати ҳам эътиборга олинади);

г) диссертация ҳимоясидан кейин илмий ишлар, жумладан илмий журналларда камида 3 та илмий мақола, шундан нуфузли хорижий илмий журналда илмий мақола чоп эттирган (тиббиёт соҳасидаги талабгорлар учун 1 та монография ва камида 5 та илмий мақола, шундан нуфузли хорижий илмий журналларда 1 та илмий мақола чоп эттирган).

22. Илмий даражасиз шахсларга катта илмий ходим илмий унвони берилмайди.

6-§. Ўриндошлик асосида ишлаётган мутахассисларга илмий унвонлар бериш

23. Илмий унвонлар мазкур бобнинг 2–5-параграфларида назарда тутилган тегишли лавозимларда камида 0,25 ставка ўриндошлик ёки 240 соатдан кам бўлмаган меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш асосида ишлаётган иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларнинг юқори малакали мутахассисларига мазкур бобнинг 1–5-параграфларида белгиланган талабларга риоя қилинган ҳолда берилади. Мазкур қоида асосий иш жойи ОТМ ва ИТМда бўлган мутахассисларга нисбатан татбиқ этилмайди.

24. Тақдимнома талабгорнинг ўриндошлик асосида ишлаётган иш жойидан берилади.



3-боб. Илмий унвонга тақдим этиш

25. Илмий унвонга тақдим этиш бўйича масала қуйидаги ҳолларда Кенгашга киритилади:

доцент ва катта илмий ходим илмий унвонларига – талабгорга илмий даража бериш тўғрисидаги қарор тасдиқланган ёки талабгорнинг илмий даража олгани тўғрисидаги дипломи нострификация қилинган кундан эътиборан камида 1 йил ўтгач; профессор илмий унвонига – талабгор доцент ёки катта илмий ходим илмий унвонини олган кундан эътиборан камида 1 йил ўтгач.

26. Талабгорнинг ҳужжатлари Кенгашга у фаолият олиб бораётган муассасанинг тегишли тузилмаси томонидан кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

27. Талабгорнинг ҳужжатлари Кенгаш томонидан 2 ой ичида, мазкур Низом 2-бобнинг 1–5-параграфлари талабларига асосан кўриб чиқилади ва тегишли қарор қабул қилинади. Кўриб чиқиш муддатини ҳисоблашда июль-август ойлари ҳисобга олинмайди.

28. Илмий унвонга тақдим этиш тўғрисидаги Кенгаш қарори яширин овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Кенгаш мажлиси унда Кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда, ваколатли ҳисобланади. Кенгашнинг илмий унвонга тақдим этиш тўғрисидаги қарори мажлисда иштирок этган Кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми ёқлаб овоз берсагина қабул қилинган ҳисобланади.

29. Талабгорнинг аттестация йиғмажилди мазкур Низомнинг иловасидаги рўйхат бўйича Кенгаш томонидан илмий унвонга тақдим этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан 10 иш куни ичида ОАКга юборилади.

30. «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» танловида ғолиб

чиққан дарслик ёки ўқув адабиёти муаллифига илмий унвон бериш масаласи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги 290-сон «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» танлови ғолибларига илмий даража ва илмий унвон бериш тўғрисида»ги қарорига асосан кўриб чиқилади.



4-боб. Аттестация йиғмажилдини ОАКда кўриб чиқиш

31. Аттестация йиғмажилди ОАК томонидан 3 ой ичида кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш муддатини ҳисоблашда июль-август ойлари ҳисобга олинмайди.

32. Кенгаш томонидан тақдим этилган аттестация йиғмажилди ОАКда рўйхатга олинади ва 7 кун ичида норматив-техник экспертизадан, унинг натижаси ижобий бўлган тақдирда, илмий экспертизадан ўтказилиб, якуний қарор қабул қилинади. Экспертиза жараёнида ОАКнинг тегишли эксперт кенгаши томонидан аттестация йиғмажилдининг мазмун-моҳияти ва унинг мазкур Низом талабларига мувофиқлиги илмий экспертизадан ўтказилади.

33. Норматив-техник экспертизадан ўтказиш жараёнида аттестация йиғмажилдида мазкур Низом талабларига риоя қилинмаганлик ҳолатлари аниқланса, ОАК Тартиб-қоида комиссияси қарори билан аттестация йиғмажилдини кўриб чиқиш тўхтатилади ва аттестация йиғмажилди расмий хат билан тегишли Кенгашга қайтариб юборилади. Кенгаш томонидан тегишли камчиликлар бартараф этилганидан сўнг аттестация йиғмажилди қайтадан расмийлаштирилиб, кузатув хати орқали ОАКга қайта тақдим этилади.

34. Аттестация йиғмажилди норматив-техник экспертизадан ўтказилганидан кейин уни ОАКнинг тегишли эксперт кенгаши кўриб чиқади. ОАК Раёсати ОАКнинг тегишли эксперт кенгаши ҳулосасига асосан илмий унвон бериш ёки илмий унвон беришни рад қилиш тўғрисида якуний қарор қабул қилади.

35. Талабгор аттестация йиғмажилдини кўриб чиқиш жараёнининг ҳар қандай босқичида Кенгашда яширин овоз бериш ўтказилгунга, ОАКда ОАК Раёсатининг якуний қарори қабул қилингунга қадар ишни муҳокамадан олишга ҳақлидир. Аттестация йиғмажилди талабгорнинг ёзма аризасига асосан ОАКда муҳокамадан олинганида, бу ҳақда ОАК Раёсати томонидан тегишли қарор қабул қилиниши лозим.



5-боб. Илмий унвонга қайта тақдим этиш

36. ОАКда кўриб чиқилган ва илмий унвон бериш рад қилинган ёки кўриш жараёни тўхтатилган аттестация йиғмажилди Кенгаш томонидан қуйидаги муддатларда ОАКга қайта тақдим этилиши мумкин:

ОАК Раёсатининг илмий унвон беришни рад қилиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан камида 1 йил ўтгач;

ОАК Раёсатининг қарори юзасидан берилган апелляция бўйича рад жавобини бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан камида 3 йил ўтгач;

талабгорнинг аризасига асосан муҳокамадан олиниб, кўришдан тўхтатилган аттестация йиғмажилди бўйича тегишли камчиликлар бартараф этилгандан сўнг.

37. Кенгаш томонидан илмий унвонга қайта тақдим этилганда мазкур Низом талаблари бажарилган ҳамда талабгор янги ўқув-услубий/илмий ишлар нашр эттирган бўлиши шарт.



6-боб. Аттестатларни расмийлаштириш ва бериш

38. ОАК Раёсатининг илмий унвон бериш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради ва 1 ой муддатда аттестат расмий-

лаштирилади.

39. Аттестат йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ ОАК томонидан унинг дубликати берилади.

Илмий унвон берилган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарган тақдирда, унинг талаби асосида аттестат янгисига алмаштириб берилади.



7-боб. Илмий унвондан маҳрум этиш ёки уни тиклаш

40. Аттестация йиғмажилди экспертизадан ноҳолис ўтказилганда шахс ОАК Раёсатининг қарори асосида илмий унвондан маҳрум этилиши мумкин.

41. Шахсни илмий унвондан маҳрум этиш ёки уни тиклаш бўйича ОАКга ёки тегишли Кенгашга мурожаат қилинади. Бунда манфаатдор шахслар тегишли далиллар (ҳужжатлар)ни ўз мурожаатига илова қилган ҳолда тақдим этиши шарт.

Бундай масала билан ОАКга мурожаат қилинганида, тақдим этилган далиллар ОАКнинг тегишли эксперт кенгаши томонидан муҳокама қилиниб, масалани кўриб чиқиш учун тегишли Кенгашга юборилади.

42. Кенгаш томонидан Кенгаш аъзолари орасидан уч кишилик таркибда комиссия тузилади. Ушбу масала 1 ой ичида комиссия томонидан ўрганиб чиқилади ва Кенгашнинг тегишли қарор лойиҳаси тайёрланиб, Кенгаш мажлисида кўриб чиқилади.

Кенгаш мажлиси унда Кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади. Кенгаш мажлиси илмий унвондан маҳрум этилаётган шахс иштирокида ўтказилади. Шахс бу ҳақда мажлис ўтказилишидан камида 10 кун олдин огоҳлантирилиши шарт. Агар шахс мажлисга узрсиз сабабларга кўра келмаса ёки мажлисга келишдан бош тортса, Кенгаш томонидан унинг иштирокисиз мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Мазкур шахс узрли сабабларга кўра мажлисга кела олмаслиги ҳақида олдиндан хабар қилганида, Кенгаш мажлиси бошқа кунга ёки бошқа вақтга қолдирилади. Зарур ҳолларда бошқа мутахассислар Кенгаш мажлисига таклиф этилиши мумкин.

43. Кенгашнинг илмий унвондан маҳрум этиш ёки уни тиклаш тўғрисидаги қарори яширин овоз беришда иштирок этган Кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми томонидан ёқлаб овоз берилган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

Кенгаш томонидан Кенгаш қарори, Кенгаш мажлиси баённомаси ҳамда тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, 10 кун ичида ОАКга юборилади.

44. Кенгаш томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ОАКнинг тегишли эксперт кенгашида муҳокама қилинади ва тегишли тавсия қабул қилинади. Кенгашнинг илмий унвондан маҳрум этиш ёки уни тиклаш тўғрисидаги қарори ҳамда ОАКнинг тегишли эксперт кенгашининг тавсияси ОАК Раёсатида кўриб чиқилиб, якуний қарор қабул қилинади.

45. ОАК Раёсатининг илмий унвон бериш тўғрисидаги қарори 10 йил олдин қабул қилинган бўлса, илмий унвондан маҳрум этиш масаласи кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

46. Кенгаш мурожаатномасига асосан илмий унвондан маҳрум этилган шахснинг илмий унвони ушбу Кенгашнинг мурожаатномасига мувофиқ, ОАК Раёсати қарори билан тикланиши мумкин.



8-боб. Апелляцияни кўриб чиқиш

47. Манфаатдор шахслар илмий унвон бериш ёки илмий унвон беришни рад қилиш тўғрисидаги ОАК Раёсати ёки Кенгаш қарори юзасидан у қабул қилинган кундан эътиборан 2 ой ичида ОАКга апелляция беришлари

мумкин.

48. Апелляция Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунида белгиланган муддатларда кўриб чиқилади.

49. ОАК Раёсати ёки Кенгаш қарори юзасидан берилган апелляция ОАК Тартиб-қоида комиссияси томонидан кўриб чиқилади. ОАК Тартиб-қоида комиссияси апелляцияни кўриб чиқишни ОАКнинг тегишли эксперт кенгашига топшириши мумкин. Зарур ҳолларда мазкур масалани кўриб чиқишнинг аввалги босқичларида иштирок этмаган мутахассис-олимлардан иборат Апелляция комиссияси тузилади.

50. ОАК Раёсати томонидан ОАК Тартиб-қоида комиссияси, ОАКнинг тегишли эксперт кенгаши ёки Апелляция комиссияси хулосаси кўриб чиқилади ва апелляция бўйича тегишли якуний қарор қабул қилинади.

51. Апелляция бўйича қабул қилинган ОАК Раёсатининг якуний қарори 5 иш куни ичида апелляция берган шахсларга, шунингдек Кенгашга тақдим қилинади.



9-боб. Якуний қоида

52. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Фанлар академияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси билан келишилган.

Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Илмий унвон олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясига тақдим этиладиган ҳужжатлар РЎЙХАТИ

1. Муассаса раҳбари томонидан имзоланган муассаса бланкидаги йўлланма хат.
2. Илмий унвон талабгорининг фаолияти бўйича маълумотнома.
3. Илмий унвон талабгори тўғрисидаги объектив-маълумотнома (паспорт нусхаси илова қилинади).
4. Тегишли илмий даражаси ҳақидаги дипломнинг нусхаси.
5. Ижтимоий-гуманитар фанлар соҳаларида фаолият олиб бораётган илмий унвон талабгори учун махсус имтиҳон топширганлиги ҳақидаги ҳужжат.
6. Илмий ва педагогик лавозимларда ишлагани ҳақида меҳнат дафтарчасининг иш жойидан тасдиқланган нусхаси.
7. Илмий ва илмий-услубий ишларнинг илмий унвон талабгори томонидан имзоланиб, иш жойидан тасдиқланган рўйхати (ҳаммуаллифларнинг ёзма розилиги илова қилинади).
8. Илмий унвон талабгорининг диссертация автореферати, ҳимоядан кейинги асосий илмий ва ўқув-услубий ишларининг нусхаси.

**Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарори билан рад жавоби
берилган ва Тартиб-қоида комиссияси қарори 2016 йилда билан кўриш жараёнидан
тўхтатилган аттестация ишлари ҳақида маълумот**

| Т/р | Аттестация ишини тақдим этган муассаса номи | Кўриш жараёнидан тўхтатилган аттестация ишлари сони | Жумладан | |
|-----|----------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------|---------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------|
| | | | Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсат қарори асосида | Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-қоида комиссияси қарори асосида |
| 1 | Андижон давлат тиббиёт институти | 1 | – | 1 |
| 2 | Андижон давлат университети | 3 | – | 3 |
| 3 | Андижон қишлоқ хўжалик институти | 2 | – | 2 |
| 4 | Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази | 1 | – | 1 |
| 6 | Бухоро давлат университети | 2 | – | 2 |
| 7 | Геология ва геофизика институти | 1 | – | 1 |
| 8 | Гулистон давлат университети | 1 | – | 1 |
| 9 | Микробиология институти | 1 | – | 1 |
| 10 | Навоий давлат кончилик институти | 1 | – | 1 |
| 11 | Наманган муҳандислик-педагогика институти | 1 | – | 1 |
| 12 | Нукус давлат педагогика институти | 1 | – | 1 |
| 13 | Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази | 2 | – | 2 |
| 14 | Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази | 1 | – | 1 |
| 15 | Самарқанд давлат тиббиёт институти | 2 | 1 | 1 |
| 16 | Самарқанд давлат университети | 3 | – | 3 |
| 17 | Сурхондарё вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти | 1 | – | 1 |
| 18 | Тошкент архитектура қурилиш институти | 1 | – | 1 |
| 19 | Тошкент ахборот технологиялари университети | 1 | – | 1 |
| 20 | Тошкент врачлар малакасини ошириш институти | 1 | – | 1 |
| 21 | Тошкент давлат стоматология институти | 2 | – | 2 |
| 22 | Тошкент давлат техника университети | 3 | 1 | 2 |

| | | | | |
|----|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|---|----|
| 23 | Тошкент давлат шарқшунослик институти | 1 | - | 1 |
| 24 | Тошкент ирригация ва мелиорация институти | 2 | - | 2 |
| 25 | Тошкент ислом университети | 1 | - | 1 |
| 26 | Тошкент педиатрия тиббиёт институти | 3 | - | 3 |
| 27 | Тошкент темир йўл муҳандислари институти | 1 | - | 1 |
| 28 | Тошкент тиббиёт академияси | 2 | - | 2 |
| 29 | Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти | 2 | - | 2 |
| 30 | Урганч давлат университети | 3 | - | 3 |
| 31 | Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Ўзбек тили ва адабиёти илмий-тадқиқот институти | 2 | - | 2 |
| 32 | Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти | 2 | - | 2 |
| 33 | Ўзбекистон давлат консерваторияси | 1 | - | 1 |
| 34 | Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти | 1 | - | 1 |
| 35 | Ўзбекистон Миллий университети | 2 | - | 2 |
| 36 | Қорақалпоқ давлат университети | 1 | - | 1 |
| | Жами | 56 | 2 | 54 |

Ўзбекистон Республикаси ОАК Тартиб-қоида комиссияси қарори билан кўриш жараёнидан тўхтатилган ишлар ҳақида

1. Тошкент архитектура қурилиш институти кенгаши томонидан профессор илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **А.М.Салимов**нинг аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 12-бандининг «ж» кичик банди талаб даражасида бажарилмаган: ж) диссертация ҳимоясидан кейин нуфузли хорижий илмий журналларда иккита илмий мақола чоп эттиргани тўғрисида маълумот келтирилмаган).

2. Самарқанд давлат университети кенгаши томонидан профессор илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **Д.И.Салоҳий**нинг аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 12-бандининг «и» кичик банди талаб даражасида бажарилмаган: и) кичик банди талаб даражасида бажарилмаган: талабгорнинг давлат грантлари ёки бошқа илмий лойиҳалар ёхуд хўжалик шартномалари асосидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида илмий изланишлар олиб бораётгани тўғрисида асосланган маълумотлар келтирилмаган. Мазкур аттестация иши Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг 2015 йил 20 июлдаги 01-08/584-сон хати билан Самарқанд давлат университети кенгашига қайтарилган. Лекин 2016 йилнинг 19 майда тақдим этилган ҳужжатлар бўйича юқорида кўрсатилган камчиликлар тўлиқ бартараф этилмаган).

3. Нукус давлат педагогика институти кенгаши томонидан профессор илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **Е.Умаров**нинг аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган (1. «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 12-бандининг «д», «е» кичик бандлари талаб даражасида бажарилмаган: д) талабгорнинг илмий даража олган олий малакали мутахассис тайёрлагани тўғрисида маълумот келтирилмаган; е) талабгор томонидан тақдим этилган «Қорақалпоғистоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси», «Халққа хизмат кўрсатиш сфералари» ўқув адабиётларида ўрнатилган тартибда тегишли вазирлик томонидан педагогик амалиётда фойдаланиш учун тавсия этилгани тўғрисида маълумот қайд этилмаган. 2. 3.4-шакл бўйича рўйхатдаги илмий ишларида талабгорнинг муаллифлик иштироки ҳақида маълумотлар келтирилмаган).

4. Бухоро давлат университети кенгаши томонидан физика кафедраси бўйича профессор илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **Ш.Мирзаев**нинг аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 17-бандининг «в» ва «з» кичик бандлари талаб даражасида бажарилмаган: в) бир ўқув йили давомида камида 0,25 ставка ўқув юкмасини бажарган ҳолда педагогик фаолият олиб бораётганлиги тўғрисида маълумот келтирилмаган; з) педагогик амалиётда фойдаланилаётган, жумладан диссертация ҳимоясидан кейин ОТМ ўқув дастурларига мос келадиган дарслик ёки ўқув қўлланмалар нашр эттиргани тўғрисида маълумот келтирилмаган).

5. Тошкент давлат техника университети кенгаши томонидан профессор илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **М.Умарходжаев**нинг аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган (1. «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 12-бандининг «в», «е», «ж», «з», «к», «л» кичик бандлари талаб даражасида бажарилмаган: в) талабгорнинг ОТМда беш йиллик педагогик иш стажига эга бўлганини аниқлаштириш керак; е) талабгорнинг педагогик амалиётда фойдаланилаётган, жумладан, диссертация ҳимоясидан кейин ОТМ ўқув дастурларига мос келадиган дарслик ёки ўқув қўлланмалар ва бошқа ўқув адабиётлар нашр эттиргани келтирилмаган (талабгор томонидан тақдим этилган «Методика составления локальных геолого-прогнозных карт послемагматических рудных полей и месторождений» ўқув адабиётини аниқлаштириш керак); ж) талабгорнинг диссертация ҳимоясидан кейин нуфузли хорижий ёки халқаро илмий журналларда иккита илмий мақола чоп эттиргани келтирилмаган; з) талабгорнинг қандай замонавий ўқитиш усуллари эгаллагани кўрсатилмаган; к) талабгорнинг маънавий-маърифий тадбирларда

иштирок этаётганини аниқлаштириш керак; л) талабгорнинг аттестация жараёнида иштирок этаётгани (тақризчи, илмий семинар ёки фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш аъзоси, расмий оппонент ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотни аниқлаштириш керак. 2. Мазкур низомнинг 27-банди талаб даражасида бажарилмаган: талабгорнинг аттестация иши кенгаш томонидан илмий унвонга тақдим этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида ОАКга тақдим этилмаган. 3. Талабгор тўғрисидаги объектив-маълумотнома (3.5-шакл) талабга мувофиқ расмийлаштирилмаган. 3.4-шакл бўйича рўйхатдаги илмий ишларида талабгорнинг муаллифлик иштироки ҳақида маълумотлар келтирилмаган).

6. Андижон давлат тиббиёт институти кенгаши томонидан профессор илмий унвонида тасдиқлаш юзасидан тақдим этилган **А.Ф.Икрамов**нинг аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 12-бандининг «ж» ва «и» кичик бандлари талаб даражасида бажарилмаган (тақдим этилган маълумотнома бўйича): ж) талабгорнинг диссертация ҳимоясидан кейин нуфузли хорижий ёки халқаро илмий журналларда иккита илмий мақола чоп эттиргани ҳақида маълумотлар келтирилмаган; и) талабгорнинг давлат грантлари ёки бошқа илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида илмий изланишлар олиб бораётганлиги ҳақида маълумотлар келтирилмаган).

7. Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази илмий кенгаши томонидан профессор илмий унвонида тасдиқлаш юзасидан тақдим этилган **М.Кабулов**нинг аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 15-бандининг «ж» ва «и» кичик бандлари талаб даражасида бажарилмаган (тақдим этилган маълумотнома бўйича): ж) талабгорнинг диссертация ҳимоясидан кейин нуфузли хорижий ёки халқаро илмий журналларда иккита илмий мақола чоп эттиргани ҳақида маълумотлар келтирилмаган; и) талабгорнинг давлат грантлари ёки бошқа илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида илмий изланишлар олиб бораётганлиги ҳақида маълумотлар келтирилмаган).

8. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти кенгаши томонидан профессор илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **Ф.У.Нигматов**нинг аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 12-бандининг «е», «ж», «к» кичик бандлари талаб даражасида бажарилмаган: е) талабгорнинг педагогик амалиётда фойдаланилаётган, жумладан диссертация ҳимоясидан кейин ОТМ ўқув дастурларига мос келадиган дарслик ёки ўқув қўлланма ва бошқа адабиётлари нашр қилинмаган; ж) талабгорнинг диссертация ҳимоясидан кейин бирорта ҳам илмий мақоласи чоп этилмаган; к) маънавий-маърифий тадбирлардаги иштироки юзасидан тегишли маълумотлар тўлиқ келтирилмаган, талабгор тўғрисидаги маълумотнома (3.5-шакл) талабга мувофиқ расмийлаштирилмаган диссертация ҳимоясидан кейин илмий журналлардаги асосий илмий мақолалар нусхалари тақдим этилмаган.

9. Тошкент ирригация ва мелиорация институти илмий кенгаши томонидан профессор илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **Дж.Р.Уринов**нинг аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган (1. «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 17-бандининг «г», «е», «з», «и», «к» кичик бандлари талаб даражасида бажарилмаган: г) талабгорнинг педагогик амалиётда фойдаланилаётган, жумладан диссертация ҳимоясидан кейин ОТМ дастурларига мос келадиган ўқув-услубий қўлланмаси нашр қилинмаган; е) талабгорнинг замонавий ўқитиш усуллари эгаллагани, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан ҳамда мультимедия таълим ресурсларидан фойдаланган ҳолда юқори илмий ва ўқув-услубий савияда маъруза курсларини ўқиётгани, семинар машғулотларни олиб бораётгани тўғрисида аниқ маълумотлар келтирилмаган; з) талабгорнинг давлат грантлари ёки бошқа илмий лойиҳалар ёхуд хўжалик шартномалари асосидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида илмий изланишлар олиб бораётгани ҳақида маълумотлар келтирилмаган; и) талабгорнинг маънавий-маърифий тадбирларда ва ўқув-тарбиявий ишларда иштироки тўғрисидаги маълумотлар келтирилмаган; к) талабгорнинг аттестация жараёнида иштирок этаётгани (тақризчи, илмий семинар

ёки фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаши аъзоси, расмий оппонент ва бошқалар) юзасидан маълумотлар келтирилмаган. 2. Талабгорнинг доцент илмий унвонини бериш бўйича маълумотнома (5.4а-шакл) талабга мувофиқ расмийлаштирилмаган).

10. Наманган муҳандислик-педагогика институти кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **К.Д.Исманов**нинг аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 17-бандининг «з», «к» кичик бандлари талаб даражасида бажарилмаган: з) талабгорнинг давлат грантлари ёки бошқа илмий лойиҳалар ёхуд хўжалик шартномалари асосидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида илмий изланишлар олиб бораётгани ҳақида аниқ маълумотлар қайд этилмаган; к) талабгорнинг аттестация жараёнларида иштирок этаётгани (тақризчи, илмий семинар ёки фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш аъзоси, расмий оппонент ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар келтирилмаган).

11. Тошкент давлат техника университети кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **Ж.У.Севинов**нинг аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 17-бандининг «в», «и» кичик бандлари талаб даражасида бажарилмаган: в) талабгорнинг камида бир ўқув йили давомида ОТМнинг асосий штатида кафедра мудири, профессор, доцент ёки бир ўқув йили давомида камида 0,25 ставка ўқув юкмасини бажарган педагогик фаолият олиб бораётган муассаса ректори (директори), проректори (директор ўринбосари), илмий котиби ёки ОТМнинг ўқув-ташкилий тузилмаси (факультет, бўлим) раҳбари лавозимларида мувафақиятли ишлаб келаётганлиги тўғрисида маълумот келтирилмаган; и) талабгорнинг маънавий-маърифий тадбирларда ва ўқув-тарбиявий ишларида иштирок этаётгани юзасидан тегишли маълумотлар тўлиқ келтирилмаган).

12. Андижон қишлоқ хўжалиги институти кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **М.Х.Мамадалиев**нинг аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган (1. «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 17-бандининг «в» кичик банди талабга мувофиқ кўриб чиқиш тавсия этилади ҳамда «з» кичик банди талаб даражасида бажарилмаган: з) талабгорнинг давлат грантлари ёки бошқа илмий лойиҳалар ёхуд хўжалик шартномалари асосидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида илмий изланишлар олиб бораётгани ҳақида аниқ маълумотлар келтирилмаган. 2. Талабгорнинг доцент илмий унвонини бериш бўйича маълумотнома (5.4а-шакл) ҳамда талабгор тўғрисидаги объектив-маълумотнома (3.5-шакл) талабга мувофиқ расмийлаштирилмаган).

13. Урганч давлат университети илмий кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **И.С.Рузиев**нинг аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 9–17-бандларининг «з», «к» кичик бандлари талаб даражасида бажарилмаган: з) талабгорнинг давлат грантлари ёки бошқа илмий лойиҳалар ёхуд хўжалик шартномалари асосидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида илмий изланишлар олиб бораётгани ҳақида аниқ маълумотлар келтирилмаган; к) талабгорнинг аттестация жараёнларида иштирок этаётгани (тақризчи, илмий семинар ёки фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш аъзоси, расмий оппонент ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар келтирилмаган).

14. Андижон давлат университети кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **С.Б.Хошимов**нинг аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 17-бандининг «в» кичик бандлари талаб даражасида бажарилмаган: в) талабгорнинг ОТМнинг асосий штатида кафедра мудири бўлиб ишлаётганига бир йил тўлмаган).

15. Самарқанд давлат университети кенгаши томонидан доцент илмий унвонида тасдиқлаш бўйича тақдим этилган **Н.У.Арабов**нинг аттестация иши кўриш жараёнидан тўхтатилган («Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» 17-бандининг «в» кичик бандлари талаб даражасида бажарилмаган: в) талабгор камида бир ўқув йили

давомида ОТМнинг асосий штатида кафедра доценти бўлиб ишламаган).

